

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШ, ТЕРГОВ  
ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-  
ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ  
ЭТИШ

*АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА*

ТОШКЕНТ – 2017

**М а с ъ у л м у ҳ а р р и р**  
**юридик фанлар доктори Д. М. Миразов**

**М у а л л и ф л а р :**

И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Д. М. Миразов, Б. Э. Закиров,  
Я. А. Абдулхаков, Ж. С. Мамасолиев, С. М. Селиманова, Ж. С. Мухтаров,  
Ф. А. Базаров, М. Р. Чутбаев, С. Б. Хўжакулов, О. А. Алланазаров,  
Л. З. Турдиев, С. М. Низамов

**Т а қ р и з ч и л а р :**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори, юридик фанлар  
доктори, профессор **М. Х. Рустамбоев;**

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов Бошқармаси бошлиғи, полковник  
**Д. Б. Ташходжаев**

Ў–99 **Ўғрилик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш:** Амалий-услубий қўлланма / И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Б. Э. Закиров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 107 б.

Ушбу қўлланмада ўғрилик жиноятини фош этиш, тергов қилиш ва мазкур унинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу жиноят юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш, кечиктириб бўлмас ва кейинги тергов ҳаракатлари ҳамда ўғрилик жиноятлари профилактикасини амалга ошириш юзасидан амалий тавсиялар берилган.

Амалиёт ходимлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, изланувчилари, шунингдек, тингловчи ва курсантларига мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)93/94я73**

## КИРИШ

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш вазифаси жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизми яратилишини тақозо этади. Республикамиз Конституциясида шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Жинойатларнинг олдини олиш, уларнинг ҳар қандай тур ва кўринишларига қарши мурасасиз курашиш, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи шахсий мулкӣ ҳуқуқларини таъминлашнинг мақсади жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлашдир. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан мулкани ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган 2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса мол-мулкка жинойий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган... Хусусан, ўғирлик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган» деган танқидий фикрларни билдирди<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ўғрилик жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бу турдаги жиноятлар натижасида шахсий ва хусусий мулкка моддий зарар етказилади. Шу билан бирга, жиноят содир этган шахсларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги ва жавобгарликка тортилишининг таъминланмаслиги, бир томондан, уларнинг

---

<sup>1</sup> Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: [www/uz.uz](http://www/uz.uz).

ғайриқонуний бойлик орттиришига, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуланмасдан текинхўрларча ҳаёт кечиришига имкон яратса, бошқа томондан, бу ҳолатлар жиноят содир этган шахслар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги таъминланмаслигига, ўғрилиқдан жабр кўрган шахсларга жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланмаслигига ва одамлар онгида ички ишлар органларининг ўз вазифаларини бажармаётганлиги ҳақида фикрлар шаклланишга ҳамда пировард-натижада давлатга ишончининг йўқолишига олиб келади.

Ўғрилиқ жиноятлари билан боғлиқ статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилнинг биринчи чораги давомида бундай жиноятларнинг содир этилиши 4,99%га ошган. Ички ишлар органлари амалиётини ўрганиш ўғрилиқ жиноятлари фош этилмаслигининг асосий сабаблари сифатида ҳодиса тўғрисидаги хабарларга ўз вақтида эътибор бермаслик, тегишли чораларни кўрмаслик, тергов-тезкор гуруҳларининг ҳодиса жойига тўлиқ таркибда чиқмаслиги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда масъулиятсизлик, изларни аниқлаш ва олишга юзаки ёндашиш ва бошқа ҳолатларни кўрсатишга имкон беради.

Шу боис ички ишлар органларининг асосий вазифалари қаторида ўғрилиқ жиноятларига мурасасизлик, уларни фош этиш ва жиноят содир этган шахсларнинг ўз вақтида жавобгарликка тортилишини таъминлаш, етказилган зиённи бартараф этиш мақсадида терговчилар, жиноят-қидирув бўлинмаларининг тезкор вакиллари, профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистика хизмати мутахассислари ва бошқа тегишли хизматлар ходимларининг ҳамкорликда, баҳамжиҳат фаолият юритишини тақозо этади.

Қўлланма ўғрилиқ жиноятларини содир этган шахсларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишини таъминлаш, жабрланувчиларга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эришиш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш вазифаларининг ижросини таъминлашга хизмат қилади.

# **I боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДА АРИЗА ЁКИ ХАБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

## **1-§. Ўғрилик ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ва расмийлаштириш хусусиятлари**

Ўғрилик содир этилганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарлар ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига асосан жабрланувчи ёки гувоҳларнинг алоқа воситалари орқали берган хабарлари, жабрланувчининг ариза билан бевосита мурожаат қилиши ёки қўриқлаш сигнализация воситаларининг ишлаб кетиши натижасида келиб тушади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324-моддасига мувофиқ, шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши ва реквизитларга эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 7 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ, ўғрилик тўғрисидаги ариза (хабар) телефон орқали келиб тушган бўлса, ички ишлар органлари тезкор навбатчиси томонидан у ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарларни қайд этиш журнали (2-шакл)да, ёзма аризалар эса жиноятларни ҳисобга олиш китоби (1-шакл)да қайд этилиши, сўнгра аризачига навбатчи томонидан хабарнома-қоғози берилиши керак.

Шундан сўнг навбатчи зудлик билан шаҳар, туман ИИБ раҳбариятига ахборот бериб, жиноят изларининг сақланишини таъминлаш учун воқеа жойини қўриқлаш ҳамда гувоҳ ва воқеа шохидларини аниқлаш мақсадида, ҳудудий профилактика инспекторини воқеа жойига юборади ва тезкор-тергов гуруҳининг ҳодиса жойига тўлиқ таркибда ва экипировка билан чиқишини таъминлайди.

Шу билан бирга, ариза ёки хабарни ҳодисанинг бошқа ҳудудда содир этилганлиги, унда жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун асослар етарли эмаслиги, бошқа давлат муассасасига мурожаат қилиши кераклиги каби важлар билан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланади. Шунингдек, жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни ички ишлар органлари котибиятларида юритиладиган мурожаатларни қайд этиш журналида рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас.

## **2-§. Ўғрилик жиноятлари юзасидан тергов-тезкор гуруҳининг вазифалари**

Тергов-тезкор гуруҳи (*бундан кейин ТТГ*) таркибига терговчи, жиноят-қидирув ходими, эксперт-криминалист (зарур ҳолларда бошқа мутахассислар) ва хизмат ити билан кинологлар киради. Кинолог ёрдамида жиноятни тергов қилиш учун муҳим ҳолатларни аниқлаш, жиноятчиларни «иссиқ излар» бўйича ушлаш мумкин.

ТТГ раҳбари – терговчи тезкор навбатчидан содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарни олганидан сўнг ТТГ таркибининг йиғинини эълон қилиб, тезкор навбатчи билан биргаликда ТТГ аъзоларининг тайёргарлигини, уларнинг тўлалигини текширади, ТТГ аъзоларига содир этилган жиноят бўйича маълумотларни етказди, тезкор навбатчидан ариза (хабар)ларни қайд этиш (2-шакл) журнали ёки 1-шакл китобидаги қайд этилган рақамини олиб, ҳодиса жойига чиқишни ташкил қилади. Ҳодиса жойида профилактика инспектори ҳолисларни жалб этиш масаласини ҳал этади.

Терговчи ҳодиса жойига келиб, содир этилган жиноят ҳақида дастлабки маълумотларни ўрганади, ТТГ аъзолари – тезкор ходим, профилактика инспектори, ЭКБ мутахассиси ва инспектор-кинологга вазифалар белгилайди.

Ўғрилик жиноятини фош этиш бўйича дастлабки чоралар тизимида навбатчи ТТГ томонидан воқеа жойида амалга ошириладиган ишлар катта аҳамият касб этади. ТТГнинг ҳодиса содир бўлган жойидаги ҳаракатлари, биринчи навбатда, иш бўйича жиноят белгилари ва излари, жиноятчи шахсларнинг ўзига хос белгиларини, гувоҳлар ва далилий ашёларни аниқлашга йўналтирилган тергов-тезкор чоралар мажмуини ўзида акс эттириши лозим. ТТГнинг ҳар бир ходими ўғрилик содир этилган жойида амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларини аниқ билиши муҳим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш фаолиятини қидирув итини қўллашдан бошлаш зарур, чунки бу усул жиноятчиларнинг ҳодиса содир бўлган жойдан қайси томонга яширинганини аниқлаш имконини беради.

*Дастлабки босқичда кинолог-инспекторнинг ҳаракатлари.* ТТГнинг воқеа жойида хизмат итларидан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ кинология хизматининг хизмат фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги қўлланмани тасдиқлаш ҳақида»ги 2002 йил 11 апрель буйруғи талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Дастлабки тергов ҳаракатларида иштирок этаётган инспектор-кинолог қуйидагиларни бажаради:

1) қидирув итидан фойдаланишга имкон берадиган турли из ва нарсалар (бошланғич нуқталар)ни излайди;

2) қидирув ити билан биргаликда жиноятчининг излари босилмасдан таъқиб қилинишида иштирок этади;

3) шахслар ва нарсаларни «таниб олиш» учун хизмат итидан фойдаланади;

4) ҳид манбалари бўлган нарсаларни зич қилиб қадоқлайди;

5) жиноятчилар яшириниши ва ўғирланган нарсалар яширилиши мумкин бўлган жойлар – биноларнинг ертўлалари, чордоқлари, қулфланмаган омборхоналар ва саройларни текширишда хизмат ити билан қатнашади;

6) тергов-тезкор гуруҳи иштирокчиларига аниқ ифодаланган алоҳида белгиларга эга пойафзалнинг излари, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган нарсалар топилгани ҳақида хабар беради;

7) қидирув ити қўллангани тўғрисида далолатнома тузади.

Тезкор ходим қидирув итининг ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб кинолог билан бирга бориши лозим, чунки йўл бўйлаб жиноятчига тегишли буюм ва нарсаларни ҳамда яширилган мулкни топиш эҳтимоли мавжуд. *Жумладан, ўғрилик содир этилган жойдан изқувар ит жиноятчиларнинг яширинган йўналиши бўйича бориб, автомашина қатнов йўли ёқасига қадар бориб тўхтаган. ТТГ таркибида бўлган ходимлар йўлнинг четида қолдирилган изларни кўздан кечириб, пойафзал излари, сигарет қолдиқлари, микрозарраларни аниқлаб олишган. Ушбу излар кейинчалик жиноятни фош этиш ва уни содир этган шахсни ушлашда катта ёрдам берган.*

Ушбу тадбир тугагач, жиноятчилар кетиши мумкин бўлган йўналиш ҳақидаги тусмол батафсил ўрганилиши лозим ва мазкур ҳудуддаги фуқаролардан бу ҳақида сўраб-суриштириш мақсадга мувофиқдир. Баъзида деразалари қидирув ити ҳаракатланаётган томонга қараган хонадонларда яшовчи шахслардан сўраб-суриштириш керак. Ушбу чоралар жиноятчи(лар)нинг ташқи қиёфаси, сони, яширинган транспорт воситасининг тури ҳамда жиноятнинг очилиши учун муҳим бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради.

*Ўғрилик жиноятларини тергов қилишининг дастлабки босқичида тезкор-қидирув ходимининг ҳаракатлари.* Тезкор ходимнинг ҳодиса содир бўлган жойдаги фаолияти содир бўлган воқеанинг барча ҳолат-

ларини энг майда тафсилотларигача аниқлашга; жабрланувчи, шоҳидлар ҳамда терговни қизиқтирувчи маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларни топишга; ўғирланган мулкнинг, айрим ҳолларда эса жиноятчиларнинг ҳам алоҳида белгиларини синчковлик билан аниқлашга; далилий аҳамиятга эга излар, нарсалар ва бошқа объектларни топишга қаратилиши лозим.

Тезкор ходимнинг ҳаракатлари аниқ мақсадга қаратилган ва ҳужумкор бўлиши керак. Шу билан бирга, у имкони борича содир этилган ўғрилик билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш мақсадида жиноятчилар ҳамда ўғирланган нарсаларни топиш учун дастлабки маълумотларни тўплаши, далилий аҳамиятига эга маълумотларни аниқлашга ҳаракат қилиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойда қуйидаги чора-тадбирларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш ниҳоятда муҳим:

– жабрланувчилар ва бошқа шахслардан жиноятнинг барча ҳолатлари, ўғирланган нарсалар ва жиноятчиларнинг алоҳида белгилари ҳақида батафсил сўраб-суриштириш;

– жиноятчилар яшириниши ёки ўғирланган нарса яширилиши мумкин бўлган жойларни текшириш;

– содир этилган жиноят ва жиноятчилар, уларнинг ҳодиса жойидан қайси томонга кетгани тўғрисида бирон маълумот бериши мумкин бўлган шоҳидлар ва бошқа шахсларни аниқлаш, жиноятчиларни иссиқ изи»дан қидириш ва ушлаш чораларини кўриш;

– жиноят изларини аниқлаш бўйича чоралар кўриш;

– ўғрилик содир этилган пайтдан у аниқлангунига қадар кўп вақт ўтмаган ва жиноятчи узоққа кетмаган деб ҳисоблаш учун асослар бўлган ҳолларда жиноятчиларни (зарурат туғилганида) таъқиб этиш ва уларнинг қочиш йўлларини тўсиш;

– ички ишлар органининг навбатчиси орқали ҳодиса ва қидири-лаётган шахсларнинг ҳамда ўғирланган нарсаларнинг аломатлари тўғрисида ички ишлар органлари таянч пунктлари ва патруль-пост хизматлари, йўл-патруль хизмати ходимлари, транспортдаги ички ишлар органлари ходимлари, қўшни ички ишлар органларига батафсил хабар (ориентировка) бериш;

– терговчига тезкор-қидирув чоралари натижасида қўлга киритилган иш учун аҳамиятли маълумотларни тақдим этиш.

Содир этилган ўғрилик жиноятларини очиш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари орасида ўғрилик содир этилиши ҳолатлари, уларга алоқадор шахслар ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган жабрла-



нувчи ва гувоҳлардан сўраб-суриштириш алоҳида ўрин тутати. Уни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда ўтказиш мақсадга мувофиқдир, чунки кўпинча ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақти соатлаб чўзилиши мумкин. Бу тадбирнинг зудлик билан ўтказилиши жинойт содир этган шахсларни аниқлаш, уларни иссиқ изи»дан таъқиб этиш ва ушлашга; ўғирланган нарсаларнинг алоҳида белгиларини аниқлашга ва уларни сотиш жойларида текширув ўтказишга имкон беради; ҳодиса тафсилотлари жабрланувчининг эсидан чиқиб кетишининг олдини олади.

Тезкор ходим юз берган ўғрилик ҳолатлари ҳақида жабрланувчи билан сўров ўтказиш пайтида жинойтнинг очилиши учун сўралаётган шахсдан иложи борица кенг доирадаги саволларига тўлиқ жавоб олиши лозим. Жабрланувчи билан сўров ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши зарур:

- хонадонда содир этилган ўғриликни ким ва қачон, қандай ҳолатда аниқлаган;

- жабрланувчининг тахминига кўра ўғрилик қайси вақтда ва қандай ҳолларда юз берган;

- тергов-тезкор гуруҳи етиб келишидан аввал ҳодиса содир бўлган жойга бирон ўзгариш киритилганми, агар киритилган бўлса, қандай ўзгаришлар, ким томонидан ва қандай мақсадда киритилган;

- нима ва қанча миқдорда ўғирланган, уларнинг алоҳида белгилари, ўзига хослиги ва умумий нархи қандай;

- ўғирланган нарсалар ичида алоҳида рақамли буюмлар (DVD, телевизор, фотоаппарат, компьютер, соат, уяли телефон ва бошқалар) бўлганми, бўлган тақдирда уларнинг русуми, типи, завод рақами қандай бўлган; уларнинг техник паспортлари, фабрика ёрлиқлари, этикеткалари, касса чеклари ёки ўғирланган буюмга ўхшаш намуналар борми;

- пул ва хорижий валюта ўғирланган тақдирда пулнинг умумий миқдори, купюралар сони, қиймати аниқланади; алоҳида купюраларнинг бирор ўзига хос аломати (бузилишлар, доғлар, ёзувлар ва белгилар) бўлганми;

- ўғирланган қимматбаҳо нарсалар қаерда сақланган: барчанинг кўз ўнгидами ёки бегоналар олмаслиги учун бирон яширин жойдами, агар яширин жойда бўлса, қаерга яширилган эди;

- ким буни аниқ билган ва ундан фойдалана олган;

- ўғирланган нарсалар сақланган жойда уларни охириги мартда ким, қачон ва қандай ҳолатда кўрган;

– жинойтчи ўз ҳаракатлари билан қимматбаҳо нарсаларнинг сақланиш жойига қандай ўзгартишлар киритган;

– ўғирланган мулк жабрланувчиникими ёки ўзга шахслар, муассасалар, ташкилотларга тегишлими;

– жабрланувчининг моддий аҳволи ўғрилиқ натижасида унга етказилган зарарнинг умумий миқдорига мос келадими;

– ўғирланган нарсалар топилса, жабрланувчи уларни таний оладими;

– квартира (хонадон)да истиқомат қилувчиларнинг кун тартиби қандай бўлган;

– ўғрилиқ содир этилишидан аввал уй-жой очиқ қолдирилганми ёки қулфланган ҳолда бўлганми;

– агарда қулфланган ҳолда бўлса, кириш эшигининг калитлари кимда, қаерда сақланган ва калитларнинг қаерда туришини кимлар билган;

– жабрланувчининг яқин танишларидан кимлар унинг уйига серқатнов бўлган ёки унинг кун тартиби, қимматбаҳо нарсаларининг борлиги ва уларнинг қаерда сақланишига қизиққан ёки кимлар тергов жараёнига ортиқча қизиқиш билдирыпти;

– ўғрилиқ содир этилиши арафасида жабрланувчининг уйига бирон ваз билан бегона шахслар келганми; агар келган бўлса, улар кимлар ва ўзларини ким деб таништирган, нима иш қилган, уларнинг ҳаракатида шубҳали жиҳат бўлганми; уларнинг ташқи қиёфасида қандай алоҳида белгилар бор эди;

– жабрланувчи ёки унинг оила аъзолари ким билан, нима сабабли низолашган;

– жабрланувчи содир этилган ўғрилиқда бировдан гумон қилаётган, шундай бўлса, гумонлари нимага асосланади; гумон қилмаётган бўлса, унинг қарашлари ва кўрсатувларини ўзгартириш мақсадида унга бирор кимса таъсир кўрсатмаганми;

– жабрланувчининг фикрича, қайси ҳолатлар ўғрилиқ содир этилишига олиб келди ёки буни осонлаштирди ва бундай қулай шароитдан ким хабардор бўлиши мумкин эди.

Ўғрилиқнинг аниқ ҳолатларини ўрганиш, жабрланувчи билан сўров ўтказиш пайтида юзага келган вазиятдан, шунингдек айбдорларда жиной қасд юзага келишида жабрланувчининг роли (виктим хулқи)дан, жабрланувчининг қарашлари ва хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб аниқланиши лозим бўлган масалалар рўйхати ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Жабрланувчи билан сўров ўтказиш жараёнида ўғирланган мулкнинг алоҳида белгиларига эътибор қаратилади, чунки бу ўғирланган мулкни топиш билан боғлиқ тезкор-қидирув чоралари мажмуини зудлик билан ташкил қилиш ва амалга ошириш учун зарур. Зеро, жиноятчилар бундай мулкдан қутулиш учун жиноят содир этилиши биланок ёки дастлабки бир неча кун ичида уларни ўзгаларга ўтказиб юборадилар.

Энг муҳим дастлабки тезкор-қидирув чораларидан бири ўғрилиқ содир этилган жой ва теварак-атрофни алоҳида ўрганиб чиқиш ҳамда ўғрилиқ содир этилган подъездда, кўшни подъездларда ва яқин атрофдаги уйларда яшовчи ҳамда жиноят гувоҳлари бўлиши мумкин бўлган фуқаролар ўртасида сўров ўтказишдир. Бу тоифага ўғрилиқ фактини биринчи бўлиб аниқлаган жабрланувчининг оила аъзолари, ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган фуқаролар ва ички ишлар органлари ходимлари, одатда, ўғрилиқ содир этилган уйнинг олдида ишлайдиган ёки вақтини ўтказадиган шахслар (ҳовли фаррошлари, уй яқинидаги дўкончаларнинг сотувчилари ва бошқалар) ҳам киради. *Масалан, ўғрилиқ бўлган жой яқинида жойлашган «Матбуот» доконининг сотувчиси билан сўровнинг батафсил ўтказилиши натижасида жиноятчилар «Спарк» русумли автомашинада кетганлиги, кейинчалик автомашина ҳайдовчисидан жиноятчиларни олиб бориб қўйган манзили тўғрисида маълумотлар олинган. Ушбу маълумотларни текшириш натижасида ўғрилиқни содир этган шахслар ушланган.*

Жиноятчи(лар)ни кўрган ёки улар кўрган шахсни хонадон ўғирлигини содир этган бўлиши мумкин, деб гумон қилган шоҳидлар билан сўров ўтказишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

– улар қачон, қаерда, қандай ҳолатда нимани ва кимни кўрган ҳамда нима учун ушбу жиноятни айнан шу шахс(лар) содир этган деб ҳисоблайдилар;

– тахмин қилинган жиноятчилар сони;

– улар ҳар бирининг роли ва ҳаракатлари нимадан иборат бўлган;

– улар қайси йўналишда ҳаракатланишган;

– ўғрилиқни фoш этиш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар.

Жиноятчилар ва улар кўлида олиб кетаётган нарсаларнинг алоҳида белгилари тўғрисида кўпроқ маълумот олиш зарур. Бунда оғзаки портрет тузиш учун маълумотлар олишда гумон қилинувчининг ташқи кўринишида кўзга ташланадиган белгиларни аниқлаш ва қайд

этиш қоидаларига амал қилиш лозим. Ушбу мақсадда мутахассислар (эксперт-криминалист, портретчи рассом) ёрдамидан фойдаланиб, гумон қилинаётган шахсларнинг оғзаки, композицион, чизма портретларини зудлик билан тузиб олиш керак.

Шуниси эътиборлики, жиноятларнинг кўпгина шоҳидлари ёхуд муҳим маълумотларга эга бўлган бошқа шахслар, айрим сабабларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқа қилишдан қочиб, бундай маълумотларни айтмайдилар. Шу боис тезкор ходимлар сўровнинг турли тактик усулларни қўллашлари зарур.

Дастлабки ахборотни тўплагандан кейин у ёки бу тезкор-қидирув чора-тадбирларининг танланишини белгиловчи дастлабки тезкор-тактик вазиятни аниқлаш учун уни зудлик билан ўрганиш ва иложи борича қисқа вақт ичида тўпланган маълумотларни бирламчи тактик таҳлилдан ўтказиб, жиноятни фош этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб олиш керак.

ТТГ таркибида фаолият юритган тезкор ходим ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилган ҳаракатлар ва жиноятни очишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ички ишлар органлари раҳбариятига батафсил билдирги билан ахборот беради.

*ТТГ таркибида фаолият юритаётган профилактика (катта) инспекторининг вазифалари.* Содир этилган ўғрилиқ факти бўйича профилактика (катта) инспекторларига хабар икки хил ҳолатда берилиши мумкин:

1. жиноятдан жабр кўрган шахснинг бевосита профилактика инспекторига мурожаат қилиши;

2. ўғрилиқ тўғрисидаги хабар ИИБ навбатчилик қисмидан берилиши.

*Ўғрилиқ факти бўйича профилактика (катта) инспектори жисмоний ва юридик шахслардан хабарни олганда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:*

– рация, телефон ва бошқа турдаги алоқа воситалари орқали дарҳол ИИБ навбатчилик қисмига хабар қилиш ва маҳалла посбонлари, ҳудудда хизмат олиб боришга бириктирилган бошқа соҳавий хизмат ходимлари (ППХ, ЙХХ, ЁХБ, ХЧК ва ФРБ) билан ҳодиса жойига етиб бориш;

– ТТГ ҳодиса жойига етиб келгунига қадар жиноят излари йўқолиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун биринчи навбатда, хонадон эгалари ва ушбу уй-жойга етиб келган фуқаролардан иложи борича жойдаги эшиклар, пол ва жиҳозларни ушламасликларини талаб

қилиш, зарур бўлса, уларнинг ҳодиса жойидан чиқиб кетишини таъминлаш, шунингдек ҳодиса жойига бегона шахслар киришининг олдини олиш мақсадида эшик олди ёки бошқа кириш мумкин бўлган жойларни маҳалла посбонлари ёрдамида қўриқлаш ва уларнинг вазифаларини белгилаб бериш;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунча имконият даражасида мазкур жиноят шоҳидларини, далилий ашёлар ва бошқа маълумотларни аниқлаш.

*Содир этилган ўғрилиқ факти бўйича профилактика (катта) инспектори хабарни ИИБ навбатчилик қисмидан олинганида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:*

– зудлик билан ҳодиса жойига етиб бориш;

– ТТГ ҳодиса жойига етиб келгунига қадар жиноят излари йўқолиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун аввало хонадон эгалари ва ушбу уй-жойга етиб келган фуқаролардан иложи борича жойдаги эшиклар, пол ва жиҳозларни ушламасликларини талаб қилиш, зарур бўлса, уларни бу ердан чиқиб кетишини таъминлаш, шунингдек, ҳодиса жойига бегона шахслар киришининг олдини олиш мақсадида эшик олди ёки бошқа кириш мумкин бўлган жойларни маҳалла посбонлари ёрдамида қўриқлаш ва уларнинг вазифаларини белгилаб бериш;

– ТТГ етиб келганда гуруҳ раҳбарига аниқланган ҳолат юзасидан ахборот бериш шоҳидлар, гумон қилинувчилар, жиноятга оид ашёлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;

– ТТГ раҳбарининг топшириғига биноан содир этилган ўғрилиқ факти бўйича яқин атрофдаги хонадонлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда суриштирув ишларини олиб бориш ва зарур ҳолларда суриштирилган фуқаролардан ёзма тушунтириш хатлари олиш;

– хизмат ҳудудида яшовчи муқаддам ўғрилиқ ёки шунга ўхшаш жиноят содир этганлиги учун судланиб, жазони ижро этиш муассасасидан яшаш жойига қайтиб келган, маъмурий назорат ўрнатилган ёки профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини аниқлаш чораларини кўриш, ўғрилиқ жинояти содир этишга мойил шахслар билан суҳбатлар ўтказиш, уларнинг жиноят содир этилган вақтда қаерда бўлганлигини аниқлаш, зарур ҳолларда улардан тушунтириш хатлари олиш;

– ТТГ раҳбарининг топшириғи асосида ҳодиса жойини кўздан кечириш ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилишида ёрдам кўрсатиш, тўплаган тушунтириш хатлари ва маълумотномаларни тақдим этиш.

*Масалан, Бухоро туманида 2017 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида 1966 й.т. уй бекаси М.А. ИИБга*

ариза билан мурожаат қилиб, унда шу кун соат 08.30дан соат 19.30гача бўлган вақт оралигида номаълум шахс унинг уйига эркин йўл билан кириб, ётоқхонасидаги сейфдан 6200 АҚШ долларини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Профилактика инспекторлари томонидан кўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу жиноятни Бухоро шахридан келган, 1995 й.т. Т.А. содир этганлиги аниқланиб ушланган.

ТТГ таркибидаги эксперт-криминалистика хизмати мутахассис-криминалистнинг вазифалари. ТТГ таркибида ҳодиса жойини кўздан кечиришга жалб этилган мутахассис-криминалистнинг асосий вазифаси излар ва ашёвий далилларни аниқлаш, мустаҳкамлаш, олиб қўйиш ва расмийлаштиришдан иборат. Бунда у ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда иш учун аҳамиятли из ва нарсаларни топиш, қайд этиш, олиш ва ўраш мақсадида техник-криминалистик воситаларни қўллайди.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини расмийлаштиришда мутахассис-криминалист ўзи аниқлаган ва олиб қўйган излар ва ашёвий далиллар бўйича ва қуйидаги маълумотлар юзасидан тушунтиришлар беради:

– аниқланган излар ва ашёвий далилларни топиш учун қўлланган воситалар;

– уларни олиб қўйиш усуллари (бутунлай олинган, қуймаси тайёрланган, предмет билан ёки унинг бир қисми билан олиб қўйилган ва ҳ.к.);

– излар ва ашёвий далилларни топиш жойи (топилган предметлар, уларнинг тури ва ҳ.к.);

– излар ва ашёвий далилларнинг миқдори, уларнинг тури (таърифи, ясси ёки ҳажмли, статистик ёки динамик, рангсиз ёки рангли ва ҳ.к.);

– шакли, ўлчами, индивидуал хусусиятлари;

– изларни қўшимча қайд этиш (мустаҳкамлаш) усуллари (фотосуратга олиш, схема тузиш, махсус воситалар ёрдамида қайд этиш ва ҳ.к.).

Мутахассис-криминалист ҳодиса жойида жиноятни иссиқ издан» фош этиш ва жиноятчиларни излаш, топиш мақсадида, изларнинг дастлабки тадқиқотини амалга оширади:

– дастлабки тадқиқот натижалари ҳақида терговчи ва тезкор ходимга маълумот беради ҳамда кейинчалик ҳодиса жойини кўздан кечиришни тегишли журналда қайд этади;

– фотосуратга олиш натижалари махсус бланкаларда фотожадваллар шаклида расмийлаштирилади ва уларга тушунтириш ёзувлари (изоҳномалар) илова қилинади. Фотожадвалларни ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этган мутахассис имзолайди;

– фотосуратга олишни бажарган мутахассис терговчига фотожадвални ва негативларни ҳодиса жойини кўздан кечириш тугаган пайдан бошлаб бир сутка ичида, рангли фотоматериалларда бажарганда эса икки сутка ичида тақдим этади;

– видеоёзувли тасма эксперт-криминалистика тузилмаси видео-текасида сақланади ва терговчи ёки суднинг талабига кўра намойиш этиш учун тақдим этилади.

Терговчининг кўрсатмасига биноан ҳодиса содир бўлган жойда жиноят билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўл бармоқ изларини қолдириши мумкин бўлган шахсларнинг бармоқ изларини дактокартага олади ҳамда кейинчалик ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган изларни АДИС «Папилон» мажмуаси имкониятлари тизимида мавжуд излар базаси билан солиштиради, зарур ҳолларда эса бошқа электрон криминалистик ҳисоблардан фойдаланади.

*Масалан, 2016 йил апрель ойидан бошлаб ҳарбий қисмнинг барча биноларида белгиланган капитал таъмирдан ўтказилиши давомида қурувчи фирманинг қурувчи-ишчилари томонидан биноларни бузиши жараёнида бинонинг том қисмида 579 дона ҳар хил турдаги консерва маҳсулотлари топилган.*

*Ҳолат юзасидан ИИБ ЭКМнинг 2016 йил 10 майдаги 183-сонли дактилоскопик экспертизаси хулосасига асосан, воқеа жойидаги мазкур консерва маҳсулотларидан олинган 16 (ўн олти) дона қўл бармоқ излари гумондор А.Д.Бойбутаевнинг ўнг қўл кафти ва ўнг қўлининг бош, ўрта бармоқларидан қолдирилганлиги аниқланган.*

Шунингдек, ҳодиса жойидан олинган изларнинг айнан қайси жойдан ёки предметдан, қайси ҳолатда ва нечта из олганлиги кўрсатилиши лозим. Чунки, уйга ҳар куни кўчадан олиб келинадиган нарсалардан (шиша идиш, сигарета қутиси ва ҳ.к.) олинган излар ва доим уйда турадиган жиҳоздан олинган излар гумон қилинувчилар доирасининг кенгайишига ёки қисқаришига таъсир этади.

*ТТГ таркибида терговчининг вазифалари.*

Терговчи ТТГнинг раҳбари сифатида ҳодиса содир бўлган жойда қуйидаги ҳаракатларни ташкиллаштириши ва амалга ошириши лозим:

1. Ўғрилиқ қаерда ва қачон содир этилгани, жиноят содир этиш усули, ўғирланган нарсаларнинг алоҳида белгилари, ўғрилиқдан ким ва қандай вазиятда биринчи бўлиб хабар топганини аниқлайди, ҳодиса содир бўлган жойнинг қўриқланишини таъминлайди.

2. Пост ва патруль гуруҳлари, профилактика нозирлари, пост ва йўналишларда хизмат ўтаётган давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги

хизмати ходимларини хабардор қилади. Жиноятчи қочиши мумкин бўлган йўлларни тўсиш, ўғирланган нарсалар ўтказилиши (сотилиши) мумкин бўлган жойларни текшириш чораларини кўради.

3. Ҳодиса содир бўлган жойни (иложи бўлса, жабрланувчилар ва уларнинг қариндошлари иштирокида) кўздан кечиради. Ҳодиса жойини кўздан кечиришни бошлашга киришганида, ўғирланган нарсалар ва қимматбаҳо буюмларнинг қаерда сақлангани ва сонини аниқлайди. Тергов ҳаракатида қатнашаётган шахслардан ўғрилик жинояти аниқланганидан кўздан кечириш бошлангунича ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолат ўзгарган-ўзгармаганлигини сўраб-суриштиради.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш қуйидагилардан бошланади:

а) ҳодиса содир бўлган жойнинг шароитларини (ўғрилик содир этилган уйнинг жойлашуви ва ҳолати, унга олиб келувчи йўлларнинг хусусияти, остоналари, кулфлаш-тамбалаш воситаларининг мавжудлиги ва ҳолатини) ўрганади;

б) уй-жой ва унинг атрофида жиноятчи қолдирган из ва предметларни у ишлатган ёки теккан нарсаларни (бузиш қуроллари, қўл, тиш, пойафзал излари, қон доғлари, жиноят қуроллари ёки уларнинг қисмлари, транспорт воситаларининг излари, сигарета қолдиқлари ва ш.к.) топади, қайд этади ва олиб қўяди;

в) яхлит нарсани ажратиб, ўғирлаш натижасида унинг ҳодиса жойида қолган қисмларини топади ҳамда уларнинг намуналари ёки қолган қисмини олади;

г) топилган ва жабрланувчига тегишли бўлмаган қурол ёки асбобларни олиб қўяди, уларда бегона моддалар бор-йўқлигига алоҳида эътибор қаратади;

д) жиноятчининг бадани, кийими, пойафзалида, кулфни бузиш қуроллари ва транспорт воситаларида қолиши мумкин бўлган ва унинг ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигини тасдиқлайдиган барча из ва ашёвий далилларни (металл ёки ёғоч қириндилари, бўёқ, сувоқ ёки ғишт парчаларини) топади, улардан намуналар олади;

4. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ўғрилик содир этилгандек кўрсатишга ҳаракат қилинганидан далолат берувчи тартибсизлик, сочилиб кетган ва носоз ҳолатга келтирилган буюмларга ҳам эътибор қаратади. Жиноят жойига киришнинг ушбу усулида бўлиши шарт ҳисобланган бузиш ва хонага кириш изларининг йўқлиги, бузиб кириш учун шароитнинг атайин яратилганлигидан далолат берувчи белгилар мавжудлиги, шунингдек бундай жиноятни содир этишга имкон бермайдиган шикаст мавжудлиги кабиларга эътибор қаратади.



5. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда (жиноятчининг изларини аниқлаш, у ташлаб кетган ёки йўқотган нарсаларни, жиноят қуроллари, жиноятчи яшириб қўйган ўғрилиқ буюмларини излаб топиш учун) қидирув итини қўллаш тўғрисида (терговчи ўзи учун тактик) қарор қабул қилади.

6. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини расмийлаштиради.

7. Жиноятчиларга тегишли буюмлар топилса, уларнинг ҳидини сақлаб қолиш мақсадида, келгусида жиноятчиларни аниқлаш учун уларни олиб қўяди, ўрайди, қоғоз қопага солади ва муҳрлайди ҳамда баённомага илова қилади.

8. Ҳодиса содир бўлган жойнинг схемасини тузади.

### **3-§. Ўғрилиқ жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва терговга қадар текширувни яқунлаш**

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, жиноят аломатларига эга ҳодисанинг натижаларини мақсадга мувофиқ равишда фаол ўрганишдан иборат.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш изларни аниқлаш, текшириш ва сақлаш чораларни кечиктирмай зудлик билан кўриш, жиноят оқибатларини қайд қилиш мақсадларида ўтказилади.

Ҳодиса содир бўлган жой – муайян очик ер ёки хонадон бўлиб, айнан ўша жойда жиноятнинг аломатлари ёки излари топилган бўлади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш катта ҳажмли мураккаб ҳаракатдир. Унинг мураккаблиги ва кўздан кечириш вазифаларининг зиёдлиги, ҳодиса жойида бўлган шароитларнинг метеорологик омилларга кўра ўзгариши айрим объектларнинг хусусиятлари, одамларнинг атайлаб ёки эҳтиётсизлик билан қилган ҳаракатлари сабабли ўзгариши, иш фаолиятининг узунлиги ҳамда чигал вазиятларда катта руҳий эзилиш ва бошқалар билан белгиланади. Кўздан кечириш вақтида тергов-тезкор гуруҳининг барча аъзолари иштирок этади ва уларнинг ҳар бири ўз билими ва вазифаларига асосланиб фаолият юритилади.

Тайёргарлик пайтида ва ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи ва тергов-тезкор гуруҳи қатнашчилари иш жараёнида хомаки ёзув, чизма ва матнлар тузадилар.

Кўздан кечириш пайтида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича ахборот олиниши лозим.

Кўздан кечириш чегараларини ҳодиса жойига қараганда бироз кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади ва ҳодиса жойига туташган

ерлар ҳамда кўчалар, ўрмонлар, йўллар, ҳовлилар, ёрдамчи хоналар кўздан кечирилиши лозим, бундан ташқари, хизмат ити олиб борган йўналиш бўйича кўздан кечириш ҳам натижа бериши мумкин.

Тергов ҳолати хусусиятларига қараб ҳодиса жойини кўздан кечириш бир неча усулларда амалга оширилади.

*Концентрик* усулда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодиса жойининг теварагидан марказига қараб йўналтирилган бўлади. Масалан, дўконда ўғрилик бўлганлигини аниқлаб, кўздан кечиришни ҳодиса жойида ўғрининг дўконга кирган жойидан (эшик, ойна, девордан) сотувчининг жойигача ўтказиш лозим, чунки жиноятчи айнан сотувчи турадиган жойда объектлар ҳолатини ўзгартириб, нарсаларга қўл урган, сейфни бузиб, ўғирлик содир қилган бўлади.

*Эксцентрик* усулда терговчи ҳодиса содир бўлган жойининг фикран танланган марказидан ҳодиса жойининг теварак-атрофигача (масалан, қотиллик жинояти бўйича жасад топилган жойдан уйга кириш жойигача ёки жиноят қуролларини яшириш жойигача) кўздан кечириш олиб боради.

*Фронтал* (маълум бир чизикда ўтказиш) усули очик жойининг ҳолатини ўрганиш мақсадларида шоссе, темир йўл, дарё бўйлаб ўтказилади. Масалан, жасадни топиш учун бир неча одамдан ўттиз-қирқта одамгача бир чизикда туриб, бир неча метр масофага эга очик жойни ўзаро бир йўналишда текшириб чиқади ва очик жойда топилган объектлар қайд қилинади.

*Мукаммал кўздан кечириш* усули – бу ҳодиса содир бўлган жойининг айрим қисмларининг кўздан кечиришдир чунки бу қисмларда жиноятга алоқадор муҳим ахборот манбалари бўлиши мумкин. Мукаммал усул қайта ёки қўшимча кўздан кечириш ҳаракатида ҳам қўлланилади.

Турар жой, хизмат хоналарини кўздан кечирганда баъзан уларни кириш эшигидан чап (соат йўналишига қараб) ва ўнг тамон (соат йўналишига қарама-қарши йўналишда) девор бўйлаб олиб бориш тавсия этилади.

Бу усулда кўздан кечиришда терговчи у ёки бу объектни ажратиб, жиноят иши бўйича қанчалик муҳимлигини таҳлил қилади, унинг ҳолатини қайд этади, ҳаммасини ёзувларида баённома учун кўрсатади, схемада чизиб қўяди ҳамда узвий ва деталли (баиафсил)усулларда фотосуратга олади. Шу пайтда барча ўлчаш ҳаракатлари аниқ бўлиши лозим ва ўлчаш тасмаси ёки чизғич орқали объектнинг иккита кўзғалмас ориентирга нисбатан жойини белгилайди. Иккита ориентирнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви 90 градус бўлиши лозим.

Агар ориентирлар бўлмаса, у ҳолда бирор якка ориентирни (масалан, якка дарахт ёки тошни) танлаб, ундан объектгача бўлган масофани ўлчаш лозим ва уфқ йўналишлари ёрдамида (шимол, жануб, шарқ ва ғарб) объектнинг шу якка ориентирга нисбатан ҳолатини қайд этиш керак. Албатта, объектнинг ориентирга нисбатан масофаси азимут ўлчамларида компас билан белгиланади. Қайд этиладиган объектлар тегишли рақам билан ёй чизиқчаси асосида белгиланади.

Умумий кўздан кечиришдан сўнг терговчи деталли тадқиқот босқичига ўтади.

Деталли тадқиқот жараёнида объектларнинг ҳолати ўзгартирмасдан кўздан кечирилади. Объект шундай кўздан кечириладики, унинг ҳар бир белгиси, ўзига хос аломатлари аниқланиб қайд қилинади, чунки бундай тадқиқот ҳодисанинг ҳолатларини аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Шу тадқиқот жараёнида излар ва бошқа объектларнинг ўзаро жойлашуви, изларнинг вужудга келиш механизми ва бошқа нарсалага оид масалалар қонун талаблари ва кўздан кечириш вазифалари билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Кўздан кечириш қатнашчилари даставвал ҳодиса жойида белгиланган йўналишлар бўйича юрадилар. Бу йўналишлар шундай белгиланиши лозимки, улар ҳодиса жойидаги ҳолатнинг ўзгармаслиги, изларнинг ва бошқа объектларнинг йўқолиб кетмаслигини таъминлаши керак.

Деталли тадқиқот босқичида зарур ҳолларда масштабни фотосуратга олиш усули қўлланилади, предметлар далилий ашё аҳамиятига эга бўлса, улар танлаб олиб қўйиш учун тайёрланади, қон изларидан, бўёқлардан қириш йўли билан намуналар олинади ва шиша пробиркаларга сақланиб, мустаҳкам пўкаклар билан беркитилади. Бундан ташқари, пробиркаларга одам ва ҳайвонлардан қолган қил, чекилган сигарета қолдиқлари (уларда тупук излари бўлиши мумкин), газмол толалари, ўзига хос кир бўлган моддалар, металл қириндилари ва бошқа микрообъектлар олинади. Бир қанча вазиятларда мутахассис томонидан дастлаб топилган объектларнинг тадқиқоти ҳам амалга оширилади. Холисларга бундай дастлабки тадқиқотларнинг мақсади ва натижалари тушунтирилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш катта тиришқоқликни талаб қилади. Ҳодиса жойида тегишли саволларни ишлаб чиқиш билан бирга, реал вазиятда уларга жавоблар излаш керак ва бир вақтнинг ўзида тадқиқотнинг воқеликка тўғри бўлишини ҳам ўйлаш лозим.

Фикрлаш доирасига мансуб энг масъулиятли ва мураккаб вазифалардан бири у ёки бу объектларнинг жиноят ишига тааллуқлилигини аниқлаб, унинг ахборотга эга бўлиш аҳамиятини баҳолашдир. Ушбу масалаларни ечиш бу объектнинг криминал вазият ёки унинг элементлари билан яққол боғлиқ бўлиши ёхуд бу объектнинг криминал вазият билан эҳтимоллик даражаси бўйича боғланганлигини аниқлашдан иборатдир.

Объектнинг криминал вазият билан яққол боғланиши шундай алоқаки, унда ҳодиса жойи ва вақти билан бу объект узвий боғланган бўлади. Бундай боғланиш кўрсаткичлари моддий аниқлик ва боғланишнинг номланиши бўйича, объектларнинг макон ва вақт жараёнида ҳодиса билан бирлигини кўрсатувчи белгиларга асосан, уларнинг функционал, яъни ишлатиш мақсадлари (масалан, дўкон, турар жой, истироҳат боғи) ва бошқа муҳим ўзига хос белгиларини бевосита кўрсатиб беради. Уларни ўхшаш объектлардан ажратиб, жинойий-ҳуқуқий масалаларни ечишга кўмаклашади (ҳаракатда жиноят таркиби борлигини ва унинг квалификациясини аниқлашга, шунингдек жиноят процессига оид саволларни ечишга, жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш кабиларга ёрдам беради).

Микрообъектлар (микрозарралар) жиноятни очиш ва тергов қилишда алоҳида аҳамиятга эга, чунки улар ҳодиса содир бўлган жойда аниқланганлиги, жиноятчининг қаерга кетганлиги, унинг кийими қандай белгиларга эга бўлганлиги тўғрисида ва ишга доир бошқа муҳим ахборотларни ашёвий далил сифатида олишга имкон беради.

Микрообъектларни қидиришдан аввал ҳодиса содир бўлган жойда қандай микрообъектларни қидириш ва уларнинг қаерда бўлишини ҳал қилиш лозим. Ҳолатни таҳлил этиш натижасида ва ҳодиса содир бўлган жойнинг хусусиятларига қараб микрообъектларга эга олиб юрувчи предметларни аниқлаш лозим. Уларни қидиришда жиноятчининг қандай ҳаракат қилганлигига оид тусмол ишлатилади.

Микрообъектларни ҳодиса содир бўлган жойнинг буюм-нарсаларига қараб қидирганда, хоналарнинг пол қисми, ҳовлиларнинг йўлка қисмларига эътибор берилади, бундан ташқари, қўл, бармоқ, оёқ излари, тўсиқни синдириш қуроллари қолдирган ва транспорт воситаларининг изларига эътибор бериш керак. Чунки уларда ёки уларнинг ён қисмларида микрообъектлар бўлиши мумкин ва улар катталаштирувчи лупа ва ёритгич ёрдамида қидирилади. Масалан, пойабзал изларида ўсимликлардан қолган излар, лойсимон қоришма-

ларни топиши мумкин. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган тупроқ ҳам далилий аҳамиятга эга бўлади, чунки уларнинг микроразрлари гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кийимларидан топилиши мумкин. Кўзга кўринмас микроразрларни, масалан, техник мой қолдирган изларни аниқлаш учун ультрабинафша нурли ёриткигни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг яқунловчи босқичида кўздан кечириш баённомаси, режа ва схемалар тузилади. Расмийлаштирилган баённома тергов ҳаракатининг барча иштирокчилари томонидан имзоланади.

ТТГ ҳодиса содир бўлган жойдан қайтганидан сўнг ИИБ бошлиғига ҳодиса юзасидан расмий ахборот бериш учун материалларни тақдим этади.

*Терговга қадар текширувни тамомлаш.* Ўғрилиқ жинояти ҳақидаги ариза (хабар)ни терговга қадар текшириш қисқа вақтни эгаллаши лозим. Жиноят ишини қўзғатишдан олдин кўпинча терговчи ЖПКнинг 329-моддаси тартибида терговга қадар текширув ўтказди (ҳодиса жойини кўздан кечиради, жабрланувчидан ариза олади).

Ўғрилиқ ҳақидаги аризада (хабарда) қуйидагилар кўрсатилган бўлиши шарт:

- жиноят содир этилган жой ва вақт;
- айнан нима ўғирлангани, унинг белгилари ва нархи;
- етказилган зарарнинг умумий қиймати;

Терговчи уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғрилиқ ҳақида маълумот олишда икки хил типик вазиятга дуч келиши мумкин.

*Биринчиси* – аризада содир этилган ўғрилиқ белгиларини кўрсатувчи маълумотларнинг етарлилиги. Бунда жиноят иши қўзғатиш ва уни ўз юритувига олиш ҳамда дастлабки терговга киришиш зарур.

*Иккинчиси* – аризадаги жиноят белгиларини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун етарли эмаслиги.

Бундай вазиятда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

- келиб тушган жиноят ҳақидаги маълумотни текшириш;
- воқеа жойига ТТГ билан чиқиш;
- жабрланувчини, шоҳидлар ва жиноят содир этган шахслар ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган бошқа гувоҳлар билан сўров ўтказиш;
- ҳодиса жойини кўздан кечириш;
- жиноятчиларни иссиқ изларидан ушлаш юзасидан чора кўриш.

Агар кўздан кечириш вақтида ЖК 169-моддасида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, бундай ҳолда жиноят иши қўзғатилади (ЖПК 321, 322, 330-моддалари) ва дастлабки тергов бошланади.

Терговга қадар текширув жараёнида ёзма тушунтириш хатлари олинади ва тўпланади. Ёзма тушунтириш хати батафсил, аниқ бўлиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

– содир бўлган воқеа шароитлари (қаерда, қачон содир бўлди, жиноятчилар қайси уй-жойларга қандай киришган, уларнинг ҳаракатлари айнан нималарда акс этган ва бошқалар);

– талон-торож қилинган мулк (унинг белгиларини батафсил тасвирлаш, ҳар бир ашёнинг нархи ва қиймати ва бошқаларни пулда кўрсатиш).

Агар терговга қадар текширув вақтида хабарда жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланса, жиноят иши қўзғатилади.

Терговга қадар текширув вақтида диққат-эътиборни жабрланувчининг аризасида келтирилган қимматликлар ва мулкларнинг унда ҳақиқатда бўлганлигини шунингдек жиноят шохидлари ва мазкур ҳодисага алоқадор бошқа шахсларни аниқлашга қаратиш лозим.

Жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этишда иложи борича тезкорлик талаб этилади. Бунини чўзиш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки, жиноят содир этилган вазият ва уни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти бой берилди, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш самарадорлиги, жиноятчиларни «иссиқ изларида» қўлга олиш имконияти камаяди ва ҳоказо.

## II боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

### 1-§. Ўғрилиқ жиноятининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва уни квалификация қилиш қоидалари

*Ўғрилиқ жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи.* Ўғрилиқ деганда жабрланувчи ёки бошқа шахслар йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширинга талон-торож қилиш тушунилади.

Ўғрилиқ жиноятининг *объекти* – ўзгалар мулки, *объектив томони* ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллаб олиш ҳисобланади.

Ўзганинг мулкани талон-торож қилиш қуйидаги иккита мезон асосида яширин деб топилади: 1) *объектив мезон* (қилмиш шоҳидларининг айбдор томонидан содир этилаётган жиноий қилмишнинг асл моҳиятини англамаслиги ёки ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллаётган айбдорда кўзлаган жиноий қилмишининг хусусиятини англашга объектив имконият мавжуд эмаслиги); 2) *субъектив мезон* (айбдор ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллаётганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши).

Шу нуқтаи назардан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш қуйидаги ҳолларда содир этилган бўлса, яширин ҳисобланади:

1) содир этилаётган қилмишни ҳеч ким кузатиб турмаган бўлса ва қилмиш содир этилаётган жойда ҳеч ким бўлмаса;

2) мулк жабрланувчи ёки бошқа бегона шахсларга сездирмасдан олинган бўлса;

3) мулк олиншини кузатиб турувчи жабрланувчи ёки бошқа шахслар содир этилаётган қилмишнинг хусусияти ва аҳамиятини тушунмаган бўлса;

4) айбдорнинг қилмишини кузатиб турган жабрланувчи ёки бошқа шахслар содир этилаётган қилмишнинг хусусиятига тўғри баҳо берса ва тушунса-да, бироқ айбдор ушлаб олинмасдан, у ўзининг ҳаракатларини яширин содир этяпман деб тасаввур қилса;

5) айбдорнинг қилмишини кузатиб турувчи ва ўзининг мавжудлигини яширмаётган у ёки бу шахслар содир этилаётган қилмиш хусусиятига тўғри баҳо берса ва тушунса-да, бироқ улар айбдор учун бегона шахслар бўлмаса (яқин кишилар ёки қариндошлар).

Агар қилмишда айбдор ўзининг қариндошлари ёки танишларининг жим туриши, розилигини кўзда тутиб ёхуд имо-ишорали розилигини олиб, уларнинг кўз ўнгида ўзганинг мулкани олган бўлса, қилмиш яширин деб баҳоланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ухлаб ётган ёки ҳушидан кетган шахснинг мулкани ўғирлаш ҳам яширин талон-торож ҳисобланади.

Мулкни очикдан-очик ўғирлашни яширин равишда талон-торож қилишдан фарқлашда уни жабрланувчига қилинган зўрлик даражаси билан эмас, балки айбдор ҳаракатларининг хусусиятига кўра фарқлаш керак. Чунки аксарият ҳолларда айбдор ўзганинг мулкани жабрланувчига зўрлик ишлатилганидан сўнг олиб кўяди. Масалан, икки нафар шахс жабрланувчидан қасос олиш ниятида уни уриб дўппослаш пайтида жабрланувчи ҳушини йўқотгач, улардан бири жабрланувчининг қўлидаги соатини олиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, ўғриликни жиноий жавобгарлик назарда тутилган топилмаларни ўзлаштириб олишдан фарқлаш керак. Ушбу масалани ҳал қилишда, биринчидан, «мулкка эгалик қилиш ҳолатлари» тушунчасини ҳамда иккинчидан, «йўқотилган мулк» ва «мулкдорнинг ёдидан чиққан мулк» ўртасидаги фарқни аниқлаш лозим.

Агар йўловчи вокзалда оғир чемоданни муайян вақтга қаровсиз қолдириб, ошхонага ёки бошқа жойга бориб келган вақт мобайнида мазкур чемодан бегона шахслар томонидан эгалланган бўлса, шахснинг ҳаракатлари ўғрилик сифатида баҳоланиши керак.

Ёддан чиққан мулк мулкдор учун аниқ жойда бўлади ва у мулкни қайтариш ёки ўша жойга қайтиб бориш имкониятига эга бўлади.

Йўқотилган мулк – мулкдорга эгалик қилишнинг айнанлаштириш белгиларига эга бўлмаган ва мулкдор учун мулкнинг турган жойи номаълум бўлган мулкдир. Йўқотилган мулкни ўзлаштириб олиш жиноий жавобгарликни тақозо этмайди, бироқ мулкнинг эгаси фуқаровий-ҳуқуқий тартибда мулкни қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тоғиб олинган мулкни яшириш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 62-моддасига асосан, яъни тоғиб олинган ёки тасодифан қўлга тушиб қолган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкани яшириш каби маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзгалар мулкани ўғрилик билан эгаллаш қилмиши айбдорнинг бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланган ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб *тугалланган* ҳисобланади.



*Субъектив томондан ўғрилик жинояти тўғри қасдда содир этилади.*

Жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

*Ўғрилик жиноятини квалификация қилиш қоидалари.* Айбдор томонидан ўзганинг мулкни яширин талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар сезиб қолганига қармай мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар *талончилик* деб; ҳужум қилинган, ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли зўрлик ишлатилган ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитилганда эса *босқинчилик* деб тавсифланади.

Зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш тугаганидан кейин қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат талончилик ёки босқинчилик ҳисобланмайди. Зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларига қараб қилмишни *ўғрилик* деб, бошқа жиноятларнинг ҳам белгилари бўлганида жиноятлар мажмуи сифатида тавсифлаш лозим.

Айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, жуда кичик ёшдагилар, ақли норасолар, алкоголь ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкни ўғирлаш ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш ҳисобланади.

Ўғрилик: а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик); б) анча миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хоналарга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Жабрланувчининг эғнидаги кийим-кечаги, қўлида ёки бевосита ёнида бўлган сумка, чемодан ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш *киссавурлик* деб аталади ва Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан квалификация қилинади.

Ўғрилик анча (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган) миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилинади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ўғрилик ҳаракатлари Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи

қисмининг «в» банди билан квалификация қилинади. Ўғрилик жинояти содир этишни олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилган ўғрилик Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди билан квалификация қилинади.

Уй – жойга (бинога, ҳонага) ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, балки айбдорнинг бойликлар сақланаётган жойга ўғрилик қилиш ниятида кириб боришининг усули ҳисобланади. Шу сабабли, шахсда уй-жойга ғайриқонуний кириш мақсади уй-жой, бино ёки бошқа ҳонага киришдан аввал пайдо бўлиши керак. Агар айбдор ҳонага бошқа сабаблар билан кириб, сўнгра ўзганинг мулкани ўғирлаш мақсади юз берган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди билан квалификация қилинмайди.

*Махсус мосламалар* (илгак, қармоқ, магнит, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқич кабилар)дан фойдаланиб ўзганинг мулкани эгаллаш мазкур уй-жой, омборхона ва бошқа ҳонага содир этилган талон-торожни квалификация қилиш белгисини ташкил этмайди.

Ўғрилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб; в) кўп миқдорда; г) нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 169-моддаси учинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Ўғриликни такрорий деб баҳолаш учун ўғрилик жинояти турли вақтларда, шунингдек камида икки марта содир этилган бўлиши, айбдор ушбу жиноят учун аввал судланмаган бўлиши ҳамда ушбу жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмаган бўлиши лозим. Агар шахс илгари содир этган жинояти учун қонуний тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса ёки жавобгарлик муддати ўтиб кетган бўлса, қилмиш такроран содир этилган деб квалификация қилинмайди.

Ўғрилик жиноятининг хавфли рецидивист томонидан содир этилиши шахс илгари ўғрилик жинояти учун ҳукм қилинганидан сўнг, ушбу жиноят учун судланганлик муддатлари ўтиб кетмасдан, қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмай туриб яна ўғрилик жинояти содир этилганида келиб чиқади.

Ўғрилик жиноятини такрорий ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор илгари тамом

бўлган ўғрилик жинояти содир этилган ёки унга суиқасд қилган, жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси бўлганлигининг аҳамияти йўқ.

Компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ўзганинг мулкни яширин талон-торож қилиш Жиноят кодекси 169-моддаси учинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилинади. Компьютер орқали ўғрилик содир этилганда айбдор компьютер тизимига яширинча кириб, ундаги мол-мулкни ўзи ёки бошқа шахсларнинг номига ўтказди. Шунингдек, бу жиноятларни айбдор компьютер тизимига интернет тармоқлари орқали кириб содир этиши ҳам мумкин. Бу ҳаракатлар асосан яширинга содир этилади, шу сабабли ўғрилик сифатида баҳоланади.

Ўғрилик кўп (энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган) миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 169-моддаси учинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилинади.

Нефт, ва газ маҳсулотлари мамлакатимизнинг муҳим стратегик ресурси ҳисобланади. Улар талон-торож қилиниши давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятига зарар етказди. Шу нуқтаи назардан, нефт ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган ўғрилик Жиноят кодекси 169-моддаси учинчи қисмининг «г» банди билан квалификация қилинади.

*Нефт қувурлари деганда* ишлов берилмаган нефтни қайта ишлаш учун муайян масофага етказишга мўлжалланган қувурлар тизими (иншоот) тушунилади. Нефт қувурлари таркибига қувур, насос қурилмалари станцияси ва нефт сақланадиган омборхона киради.

*Газ қувурлари деганда* ёнувчан газни қазиб олинадиган жойдан узоқ масофага (юз ва минг км) ташиш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуи тушунилади. Ўз хусусиятига кўра газ қувурлари қурилиш усулларига кўра, ерости, ерусти ва кўтарилган турларда бўлади.

*Нефт ва газ маҳсулотлари қувурлари деганда* ишлов берилмаган нефт ва газни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуи тушунилади.

Нефт ва газ маҳсулотлари этил авиабензини, автобензин, дизел ёқилғиси, мотор мойлари, табиий газ, газоконденсат ва бошқалар бўлиши мумкин.

Одатда нефт ва газ қувурларида, нефт ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этиладиган ўғрилик тегишли қувурлар орқали ташилаётган нефт, газ ёки нефт ва газ маҳсулотлари қувурига ҳар қандай

усулда ноқонуний уланиш орқали содир этилади. Шу билан бирга, ушбу жиноят нефт, газ ҳамда нефт ва газ маҳсулотларини тақсимлаш тармоғи, компрессор станцияларига тўғридан-тўғри ноқонуний уланиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Нефт қувурларида, газ қувурларида, нефт ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган ўғрилик натижасида мазкур қувурлар яроқсиз ҳолга келса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди ва 255<sup>2</sup>-моддасининг тегишли қисмлари мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Махсус транспорт воситалари ёки темир йўл цистерналари орқали ташилаётган нефт ва газ маҳсулотларига нисбатан содир этилган талон-торожлик умумий асосларда квалификация қилинади.

Ўғрилик: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 169-моддаси тўртинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Ўғрилик жуда кўп (энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан кўп бўлган) миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 169-моддаси тўртинчи қисмининг «а» банди билан квалификация қилинади.

Ўғрилик жинояти содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларнинг ҳаракатлари, агар унинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 169-моддаси тўртинчи қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилинади.

Ўғрилик жинояти уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 169-моддаси тўртинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилинади.

## **2-§. Ўғрилик жиноятининг криминалистик тавсифи**

Ўғрилик бугунги кунда энг кўп тарқалган жиноятлардан биридир. Ўғриликнинг криминалистик тавсифи ушбу жиноятларнинг энг муҳим белгиларини, жиноят содир этилган шарт-шароитни, содир этиш усулини, уни содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар йиғиндисини ўз ичига олади ва тергов қилишда самарали натижаларга эришишни таъминлайди.

Ўғрилик жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради:

- 1) ўғрилик жинояти ҳақиқатан ҳам содир этилганлиги;
- 2) ўғрилик жиноятининг содир этилган жойи (корхона, муассаса, ташкилотларнинг аниқ номи ва жойлашган жойи, жабрланувчининг манзили), вақти ва қўлланган усули;
- 3) ўғирланган мулк кимга тегишли эканлиги (корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаролар);
- 4) аниқ нима ўғирланганлиги, ўғирланган мулкнинг белгилари, сони ва нархи;
- 5) ўғрилик жиноятини содир этишда қандай техника воситаларидан фойдаланилганлиги;
- 6) ўғрилик кимлар томонидан содир этилганлиги, иштирокчилар ва уларнинг вазифалари;
- 7) ўғирланган мулк кимга берилган ёки сотилганлиги;
- 8) келтирилган зарар миқдори;
- 9) ўғрилик жиноятининг содир этилишига олиб келган сабаб ва ҳолатлар;
- 10) келтирилган моддий зарарни қоплаш учун қандай чоратадбирлар кўриш талаб этилиши.

Ўғрилик жинояти содир этилган жой ва унинг манзили жабрланувчи, мансабдор шахслар, қоровул, гувоҳ, суриштирув органлари вакиллари берган маълумотларда аниқ кўрсатилган бўлади. Ўғрилик жиноятининг содир этилиш вақти, усули ва бунда қандай техника воситаларидан фойдаланилганлиги воқеа жойини кўздан кечиришда аниқланади, шунингдек ўғрилик жиноятини тергашда аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш даврида аниқланади.

Ўғрилик жиноятини тергов қилишда ўғрилик саҳналаштириб кўрилиши, яъни ўғрилик жинояти содир этилмаган бўлса-да, хонадонларда, дўкон ва давлат мулки сақланадиган омборларда мазкур жиноят содир этилиши билан боғлиқ ҳолат, вазият яратилади. Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирганда бундай муғомбирликни фош этадиган асосларни топиш мумкин. Масалан: эшик ичига ўрнатилган қулфни бузишдан қолган излар ташқаридан эмас, ичкаридан топилиши, дўкон деворида ҳосил бўлган тешик ташқаридан эмас, ичкаридан ўйилганлигини кўрсатувчи белгилар мавжуд бўлса ёки жабрланувчидан ўғирланган буюмларнинг (пальто, магнитофон, соат) ранги, ўлчами, маркаси, номи, тузилиши қандайлиги сўралганда аниқ жавоб бера олмаслиги

Ўғрилиқ жинояти сахналаштирганлигидан далолат беради. Терговчи жабрланувчини сўроқ қилаётганда бундай ҳолатларга ҳам жиддий эътибор қаратмоғи лозим.

Ўғриликларни криминалистик тавсифлашнинг асосий таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- жиноий тажовузнинг бевосита предмети;
- содир қилинган жиноятнинг вақти, жойи ва бошқа ҳолатлар;
- ўғрилиқ содир этиш усуллари;
- воқеа содир бўлган жойда жиноятчилар қолдирадиган типик излар;
- жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотлар;
- жабрланувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар.

Одатда пуллар қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар, ахборот-коммуникация воситалари, кийим-кечаклар, автотранспорт воситалари ва бошқалар жиноий тажовузнинг бевосита предметлари ҳисобланади.

Бинолардан нарса ўғирлашда омборлар, дўконлар ва моддий буюмларни сақлаш ҳамда сотишга мўлжалланган бошқа жойлардан; фуқароларнинг хонадонлари, дала ҳовлилари, гаражлари, омборхоналари ва бошқа иморатларидан; меҳмонхоналар ва модалар уйларидан; вокзаллар, поездлар ва бошқалардан ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш содир этилади.

Одатда хонадонлар, хусусий уйлардан нарса ўғирлаш кундузи, омбор, гараж, дўкон кабилардан нарса ўғирлаш эса кечаси содир этилади.

Ўғриликни содир этиш усули криминалистик тавсифнинг асосий, марказий элементи ҳисобланади, чунки у жиноятни тайёрлаш, амалга ошириш ва яшириш бўйича жиноятчиларнинг ҳаракатларини ягона ниятда бирлаштиради. Зеро, жиноятчиларнинг жиноий тажовуз объектига киришда қўллаган усуллари аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Моддий қийматлар, пул воситалари сақланаётган бинога, турар жойга киришнинг энг кўп тарқалган усуллари қуйидагилардир:

- кулф ва бошқа тўсиқларни бузиш;
- кулфларни калит ёки махсус тайёрланган мослама ёрдамида очиш;
- ром ёки унинг ойнасини чиқариб қўйиш;
- витрина ойнасини туртиб чиқариш;
- пол тагидан кавлаб кириш;
- девор ёки шифтни тешиб кириш;
- тўсиқларни электр (газ) пайвандлаш аппаратлари ёрдамида бузиш.

Бино ва автомобиллардан нарса ўғирлашни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) техник воситалар (танлаб олинган, ясалган калитлар, очқичлар, асбоблар)ни қўллаб содир этиладиган ўғирлик;

б) кириш осон бўлган жойлардаги (очиқ деразалар, қулфланмаган эшиклар, қаровсиз қолган автомобиллар ва ҳ.к.) нарсаларни ўғирлаш;

Кундалик турмушда ишлатишга мўлжалланган асбоблар ҳам, махсус тайёрланган (фомка, очқичлар ва ҳ. к.) асбоблар ҳам бузиш қуроллари сифатида ишлатилиши мумкин.

Жиноятчилар бинога эшикни қийшайтириш, бузиш, эшик қулфига калит танлаш, девор ёки эшикни тешиш, кавлаш, даричадан ўтиб олиш каби йўллар билан киришлари мумкин.

Типик излар ва бошқа манбалар ҳақидаги маълумотлар ўғриликларни криминалистик тавсифлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Ўғрилик содир этишда из ҳосил бўлиш механизми жиноятчининг атрофдаги моддий муҳит билан ўзаро муносабати характеридан келиб чиққан ҳолда юзага келади. Одатда, воқеа содир бўлган жойда қўл, оёқ излари, сўлак юқи бўлган сигарета қолдиқлари, кийим ва пойафзаллар микроқисмларидан намуналар, ҳид излари, жиноят қуроллари, бузиш қуроллари (кесиш, қийшайтириш, арралаш, ўйиш, транспорт воситалари ва бошқалар)нинг излари қолади.

Барча излар ўзаро боғланган бўлиб, улар муайян предмет ёки шахс, шунингдек из ҳосил қилиш механизми (ҳаракатнинг хусусияти, куч ишлатиш йўналиши ва бошқалар)нинг белгиларини ўзида акс эттиради.

Ўғриликларни криминалистик тавсифлашда жиноятчининг шахси муҳим ўрин тутади. Ўзганинг мулкани талон-торож қилаётган жиноятчиларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) мунтазам, малакали усулда ўғрилик содир этувчи, доимий равишда ғайриижтимоий кайфиятда бўлган шахслар. Улар муайян соҳада мутахассисликка эга бўлишлари мумкин (киссавурлик, бузиб кириш ёки хонадон ўғрилиги, эҳтиёт қисмларни сотиш мақсадида ўғирлаш ва бошқалар). Одатда, бундай шахслар ўғрилик ёки бошқа жиноятлари учун муқаддам судланган бўлишади;

2) юзага келган муайян шароит таъсирида ўғрилик қилган шахслар. Улар ботинан жиноятлар содир этишга тайёрланмаган бўладилар, бироқ ташқи шароит кўпроқ жиноят қурбонининг виктимлиги (қаровсиз қолдирилган шахсий буюмлар, автомобилнинг очиқ қолдирилган эшиги ва ҳ.к.) уларни жиноят содир этишга ундайди, бундай шахслар кўриниб турган нарсаларни ўғирлайдилар ва ўғрилик

жойини тез тарк этишга ҳаракат қиладилар. Иккинчи гуруҳдаги ўғриларнинг катта қисмини вояга етмаганлар ташкил этади.

Ўғрилик содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаи жиноят содир этилган жойда қолдирилган излардир.

Жабрланувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар ўғриликларни криминалистик тавсифлашнинг муҳим элементиدير. Жиноятчи одатда, муайян шахсни мол-мулкка тажовуз қилиш объекти сифатида тасодифан танламайди (хонадонда баъзи қимматликлар борлиги, автомобиль эгасининг гаражи йўқлиги кабилар унга аввалдан маълум бўлади). Терговчининг вазифаси «қурбон – жиноятчи» тизимидаги элементларнинг хусусиятини тўплашдан иборат.

*Ўғрилик жиноятини тергов қилишда типик вазиятлар.* Ўғриликни тергов қилиш дастлабки босқичининг мазмуни, авваламбор, юзага келган тергов шароитининг характери, жиноятлар, жиноятчи ҳақида ахборотнинг бор-йўқлиги ва аниқланиши керак бўлган бошқа ҳолатлар билан белгиланади. Содир этилган ўғрилик ҳақидаги ахборотнинг борлиги тергов вазифалари ва йўналишини, шунингдек терговчининг ҳамда у билан ҳамкорлик қилаётган оператив ходимлар ва мутахассисларнинг тегишли ҳаракат дастурини аниқлаб олишга имкон беради.

Жиноятнинг субъекти ҳақидаги тусмоллар криминалистик тавсифланган маълумотлар содир бўлган ҳодисанинг ҳолатлари, ўғриликларни тергов қилиш тажрибаси кабиларни ўз ичига олади. Қуйидагилар бундай тусмолларга мисол бўла олади:

– хонадондаги ўғрилик жабрланувчининг танишлари томонидан содир этилган;

– ўғрилик илгари шундай жиноятлар содир этганлиги учун муқаддам судланган, жинойий тажрибага эга шахслар томонидан содир этилган;

– ўғрилик ғайриижтимоий тарзда ҳаёт кечирувчи шахслар томонидан содир этилган;

– ўғрилик шу корхонада илгари ишлаган шахс томонидан содир этилган;

– ўғрилик мазкур объект ходимининг ёрдами билан бегона шахс томонидан содир этилган.

Терговчининг ҳаракат режасида юқорида кўрсатилган умумий тадбирлар билан бирга ўғриликни содир этган шахсда мавжуд бўлиши шарт ёки мумкин бўлган белгиларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган криминалистик экспертиза ҳамда изларни тадқиқ қилиш



бўйича бошқа турдаги экспертизаларни белгилаш назарда тутилган бўлиши лозим.

Бармоқ излари, оёқ, пойафзал излари, қон, соч толалари, ўғрилик содир этилган жойда жиноятчилар қолдирган бошқа нарсалар, заррачалар ва шу кабилар ўрганилиши керак. Жиноятлар ва жиноятчи ҳақида криминалистик ҳисобда мавжуд бўлганлар, шунингдек орасида жиноятчилар бўлиши мумкин бўлган тоифадаги шахсларни тезкор-қидирув йўли билан текшириш ва аниқлашга қаратилган маълумотлар ўрганиб чиқилиши зарур.

### **III боб. ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ БОШҚА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ**

#### **1-§. Ўғрилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳини ташкил этиш, унинг фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш**

Ўғрилик жинояти изларини ўз вақтида, яъни излари «совимасидан» (йўқолмасидан) аниқлаш, қайд этиш, мустаҳкамлаш ва тўплаш жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни топиш ва ушлаш ҳамда ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишини таъминлаш учун тергов-тезкор гуруҳининг воқеа жойига ўз вақтида ва тўлиқ таркибда чиқиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тергов-тезкор гуруҳларининг қуйидаги кўри-нишлари мавжуд:

Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари қошидаги *навбатчи тергов-тезкор гуруҳи*, яъни жиноят ҳақидаги хабарларни зудлик билан текшириш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойга чиқиб, жиноятларни «иссиқ изидан» фош этиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишини таъминлаш мақсадида терговчи, тезкор ходим, профилактика инспектори, эксперт-криминалист ҳамда кинологдан ташкил топади.

Тергов-тезкор гуруҳларининг сони, иш ва дам олиш вақтини ИИБ бошлиқлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида юзага келган тезкор вазиятдан келиб чиқиб белгилайдилар.

Ички ишлар органлари раҳбариятидан масъул раҳбарларнинг содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳамда раҳбарият кўрсатмаси асосида бошқа жиноятлар бўйича сутка давомида шахсан воқеа жойига чиқишлари талаб этилади.

Мақсадли (*вақтинчалик*) тергов-тезкор гуруҳи аниқ жиноят ишини тергов қилиш ва фош этиш учун тузилади.

Ихтисослашган (*доимий ҳаракатдаги*) тергов-тезкор гуруҳи маълум бир турдаги (шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши, иқтисодий) жиноятлар содир этилиб очилмаган ҳолларда, жиноятни содир этган шахс номаълум бўлганда, ушбу жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш учун тузилади. Мазкур тергов-тезкор гуруҳига, идоралараро келишувга кўра, ИИБ, МХХ, ФВВ, Божхона хизмати, СВОЖҚК ходимларидан ҳам тегишли мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳини ташкил қилиш ҳақида қарор бошқарувнинг турли даражаларидаги ички ишлар органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ўғрилиқ жиноятларини тергов қилиш ва фош этиш бўйича тергов-тезкор гуруҳи ИИБ бошлиғининг буйруғи асосида ташкил этилади.

Тергов-тезкор гуруҳига терговчи раҳбарлик қилади. Тергов-тезкор гуруҳи таркибига киритилган ходимларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил қилишга ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг тезкор ишлар ва тергов бўйича ўринбосарлари, тергов, ЭКБ бошлиқлари масъул ҳисобланадилар.

Тергов-тезкор гуруҳлари таркиби ва сони содир этилган жиноятнинг ўзига хос хусусиятлари, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда тезкор-қидирув, илмий-техникавий ва ташкилий фаолиятнинг ҳажми, хусусияти ва мураккаблигига боғлиқ бўлади. Масалан, жиноят содир этишда жиноятчи шахсларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланганликлари юзасидан олинган дастлабки маълумотлар асосида тергов-тезкор гуруҳи таркибига ЙХХ ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳининг янги аъзоларини жалб қилиш ҳамда таркибидаги аъзоларни алмаштириш фақат жиноят ишини юритаётган тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг қарори асосида амалга оширилиши лозим. Ушбу шароитда тергов-тезкор гуруҳи аъзолари биргалликдаги фаолиятининг энг мақбул вариантларини аниқлашда терговчининг ташкилий-бошқарув хусусиятига эга энг мақбул қарорлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Тергов-тезкор гуруҳининг раҳбари терговнинг йўналиши ва боришини белгилайди, уни режалаштиради, гуруҳ иштирокчилари ўртасида ишнинг асосий турларини тақсимлайди ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, олинган ахборотнинг алмашувини ташкил қилади, ишга алоқадор тезкор маълумотлар билан танишади, гуруҳнинг манфаатдор аъзолари билан уларни легаллаштириш ва ишлатиш имкониятларини муҳокама қилади, топшириқ, кўрсатма ва фармойишларнинг ижросини назорат қилади.

Албатта, терговчи тезкор ходим, бошқа мутахассисларнинг муайян ғоя ва таклифларини эшитади, тегишли қарорлар ишлаб чиқишда уларнинг фикрларини инобатга олади.

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш учун аксарият ҳолларда етарли вақт, зарур ахборот ва уни тезда олиш имкони йўқлиги, вазиятнинг ноаниқлиги ёки жуда кам учраши, кўп ҳолларда экстремаллиги

тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг асосан қарор қабул қилишда фақат ўз индивидуал хислатларига таянишига сабаб бўлади.

Ташкил этилган тергов-тезкор гуруҳларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан мазкур гуруҳнинг ўз фаолиятини аниқ режалар асосида амалга оширишига боғлиқ.

Режалаштириш деганда тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг келгусида биргаликдаги иш даври учун мақсад ва вазифаларни, уларга эришиш усул ва воситаларини белгилаш, шунингдек уларни ҳал қилиш кетма-кетлиги ва бажариш муддатларини белгилаш борасидаги фикрий фаолиятини тушуниш лозим.

Режа бандлари тузилаётганда гуруҳ аъзолари томонидан бажариладиган иш ҳажми, муддати ва уларни ижро этиш механизми, уларнинг хизмат вазифалари ва ўзига хос функциялари ҳисобга олиниши зарур.

Бу режада қуйидагилар акс этиши керак:

1) содир этилган ғайриқонуний қилмиш ҳақидаги объектив ахборот;  
2) тергов ва тезкор-қидирув тусмолларининг баёни;  
3) ушбу тусмоллардан келиб чиқиб ҳар бир тусмол бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати;

4) ушбу ҳолатлар аниқланиши ёки текширилишида ёрдам берадиган зарур тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг рўйхати ҳамда ўтказилиш тартиби;

5) терговчи амалга оширадиган тергов ҳаракатлари рўйхати;

6) тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш орқали аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни (тезкор-қидирув тадбирларининг номи ҳамда ўтказилиш тартиби ва тактикаси мазкур режада кўрсатилмайди);

7) ижро муддатлари, жумладан оралик ижро муддатлари: ахборот алмашуви, режага (зарур бўлганида) тузатиш киритиш;

8) режанинг ҳар бир банди бўйича ижрочилар рўйхати.

Ўтказилиши жиноят содир этишга алоқадор шахсларга маълум бўлиб қолиши эҳтимол тутилган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини режалаштираётганда терговчи тезкор ходим билан биргаликда, бундай ҳаракатларни тайёрлаш ва ўтказиш билан бир қаторда, мазкур шахсларнинг ушбу ҳаракатларга жавоб чораларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишни ўйлаб кўришлари керак.

Бунда тергов сирини сақлаб қолиш, тезкор маълумотларнинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик муҳим, чунки терговга қаршилик кўрсатаётган шахслар бундан манфаатдор бўлишлари мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари тезкор ходим томонидан режалаштирилади ҳамда амалдаги идоравий-норматив хужжатлар талаби асосида терговчи билан келишиб олинади. Режалаштирилаётган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини вақти, жойи, тугатиш муддатлари, иштирокчилари бўйича келишиб олишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

Ҳамкорликда тузилган режа тергов бўлинмасининг ва тегишли тезкор хизматнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Терговнинг дастлабки босқичини келишиб олиш ва унга ўз вақтида тузатиш киритиш ҳамда муҳим, чунки жиноятни «иссиғида» очишнинг муваффақияти, жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ва қидириб топиш, жиноят иши бўйича ашёвий далилларни қидириш ана шунга боғлиқ.

*Ўзрилиқ жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини режалаштириш орқали қуйидагиларга эришилади:*

– мақсадни тўғри қўйиш ва унга эришиш бўйича вазифаларни белгилаш;

– юзага келган тезкор вазиятни комплекс таҳлил қилиш;

– воқеалар ривожини илмий башорат қилиш, тезкор-қидирув ва тергов тусмолларини илгари суриш ва асослаш;

– истиқболли ва жорий мақсадларга эришишда режалаштирилаётган тадбирларни бажаришнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш;

– тергов ҳаракатлари ҳамда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш борасидаги тезкор-қидирув тадбирларини тўғри уйғунлаштириш (ҳамкорликда олиб бориш).

Тергов-тезкор гуруҳининг фаолиятини ташкил этишга доир режаларга заруриятга кўра турли ўзгартишлар киритиб бориш мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳи фаолияти кунлик йиғилишда муҳокама қилиниб, амалга оширилган ишлар ҳисоботи эшитилади, қўшимча аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда амалга оширилиш лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинади. Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини таҳлил қилиш ва гуруҳ аъзолари ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш, маълумотларни бошқа гуруҳ аъзоларига ўз вақтида етказиш улар ҳаракатлари такрорланишнинг олдини олиш учун муҳим.

Тергов-тезкор гуруҳининг воқеа жойидаги фаолиятига оид ҳаракатлар алгоритми ахборотни ҳосил қилиш, тўплаш, топшириш, гуруҳ иштирокчилари (терговчилар, тезкор ходимлар, профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистлар ва бошқа мутахассислар)нинг хизмат вазифалари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш жараёнларини тизимли равишда кўриб чиқиш асосида тузилади.

Бундай тизимли моделнинг мазмуний қисмига куйидагилар киритилиши мумкин: содир этилган жиноят бўйича юзага келган тезкор вазиятнинг умумий баҳоланиши, гуруҳ аъзолари учун аниқ вазифалар белгиланиши, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш (сўров ўтказиш), махсус хабарнома (ориентировкалар) тузиш, жиноятчи шахсни «иссиқ изидан» таъқиб қилиш учун гуруҳларнинг куч ва воситаларини ишга солиш, изларни топиш, сақлаб қолиш ва олиб қўйиш, субъектив портретлар тузиш, ҳисоблар (курол, излар ҳисоблари) бўйича текширувлар ўтказиш ва ҳ.к.

Бундай моделнинг элементларида жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини аниқлашга имкон берувчи далилларни олишга қаратилган тергов ҳаракатлари ҳамда далилий ахборот манбаларини аниқлаш, гумон қилинаётган шахсни топиш ва ушлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш чоғида ҳамкорлик субъектлари ҳаракатларини келишиб олишлари мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Жиноятни «иссиқ изидан» фош этишда воқеа жойидан олинган дастлабки тезкор маълумотлар қисқа вақтда ва асосан, криминалистик, тезкор-қидирув ва автоматлаштирилган тезкор маълумотлар базаси ҳисоблари бўйича қайта ишланиши ўта муҳим.

Мавжуд тезкор-маълумот ва криминалистик маълумотлар массиви «Досье» (рецидивистлар, гастролёрлар, жиноий муҳит обрўмандлари), «АСИЛ», «Адис Сонда», «Рақамли буюмлар», «Техпаспорт» ва бошқа автоматлашган ахборот-излов тизимлари (ААИТ)да жамланган. Улардан тўғри ва тез фойдаланилса, жиноятларни «иссиғида» очишни ташкил қилишга кўмаклашишда катта имкониятларга эга.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, бундай текширув кўпинча тергов-тезкор гуруҳ ички ишлар органига қайтганидан кейин амалга оширилади. Натижада мақсадли излов белгилаш, таъқиб этиш, тўсиб ушлаш, махсус режаларни ҳаракатга келтириш кабиларда жиддий кечикиш юз беради. Бу эса, одатда, жиноятларни очиш ва тергов қилишда салбий натижаларга олиб келади.

Шу сабабли, келгусида ўғрилиқ жиноятларини фош этиш юзасидан тузиладиган тергов-тезкор гуруҳи таркибига ахборот марказидан ҳам тегишли ходимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Масалан, 2017 йил 26 март куни, тахминан соат 04:30 ларда «Бек-барака» савдо мажмуаси ёнидаги автомобиллар тўхтаб туриши жойида турган А.Р. бошқарувидаги давлат рақами 01 V 101 ЕА бўлган «Ласетти» русумли автомашина ичидан ҳайдовчини ўзи автомашина олд эшигини очиб ҳолда қўйиб, ухлаб ётганидан фойдаланиб,*

салон ичидаги махсус тугма орқали юкхонани очиб, юкхонадан 11800 (ўн бир минг саккиз юз) АҚШ доллари, 5 900 000 (беш миллион тўқиз юз минг) сўм пулининг яширинча ўғирлаб кетилгани юзасидан Тошкент вилояти Зангиота туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида қўйидаги жиноий гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида рўйхатда туриб, Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи, ишсиз, муқаддам бир неча бор судланган, 1985 й.т. Б.С.; Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Арапхона қишлоғида 1976 й.т., тугилган, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида яшовчи, ишсиз, муқаддам бир неча марта судланган, Т.З.; Фарғона вилояти Данзара туманида рўйхатда туриб, Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи, ишсиз, муқаддам бир неча марта судланган, 1972 й.т., Н.Н.; Тошкент шаҳар Чилонзор туманида яшовчи, ишсиз, муқаддам судланган, 1974 й.т. К.Р.; Тошкент шаҳар Сирғали туманида яшовчи, ишсиз, 1981 й.т. И.С.лар содир этганлиги аниқланган ва ушланган. Қўлга олинган жиноий гуруҳ аъзолари билан олиб борилган дастлабки тезкор ва суриштирув ишлари давомида улар томонидан 2016 йил 26 июнь куни, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида яшовчи Ж.Б.нинг давлат рақами 95 М 221 ОА бўлган «Нексия» русумли автомашинасининг эшиклари қулфланмаганидан фойдаланиб, юкхонасидан бир дона спорт сумкаси ва ундаги 640 000 (олти юз қириқ минг) сўм пулини ҳамда фуқаролик паспорти ва олий таълим муассасасига ҳужжат топширганлиги ҳақидаги муҳим ҳужжатларни ўғирлаб, Р.К.нинг давлат рақами 10 Р 312 ҒА бўлган автомашинасида воқеа жойидан яширинганлиги аниқланган.

Бугунги кунда амалиётда жиноятчиларни «иссиқ изидан» таъқиб қилишда марҳум ёки жабрланувчининг шахсини тўлиқ ўрганиш, уларнинг яқин алоқалари ҳамда айнан жиноят содир этилган вақтда қаерда бўлганлигини аниқлаш мақсадида, уяли алоқа операторларининг тегишли махсус дастурлари имкониятларидан фойдаланиш ижобий самара бермоқда.

Шу боис терговчининг тегишли қарорига асосан мазкур шахсларни ҳам тезкор-тергов гуруҳи таркибига жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида номлари қайд этилган мутахассисларнинг айнан воқеа жойига чиқишлари ёки тергов-тезкор гуруҳи штабида доимий ҳозир бўлишлари талаб этилмайди. Зарурат бўлганда ортиқча қоғоз-бозликсиз керакли маълумотларни қисқа муддат ичида олиш, кўриб чиқиш, ишлов бериш имкониятини яратади.

## **2-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида терговчининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги**

Ўғрилик жиноятлари хавфли ва кўп тарқалган жиноятлар сирасига киради. Бундай жиноятлар фуқароларга ниҳоятда катта моддий зарар етказиши.

Амалиётни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, хонадонларда амалга оширилган ўғриликларни тергов қилишнинг муваффақияти кўп ҳолларда дастлабки тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва малакали ўтказилиши, вазиятнинг тўғри баҳоланиши, олинган изларнинг сифатига боғлиқ.

Қуйидагилар ўғриликларни ўз вақтида очишнинг гарови бўлиб ҳисобланади: ходиса содир бўлган жойни сифатли кўздан кечириш, жабрланувчилар, жиноят шоҳидлари ва гувоҳларни батафсил сўроқ қилиш, тезкор-қидирув ҳаракатларини фаол тарзда ўтказиш, жумладан ўғирланган мулк ва жиноятчиларнинг белгиларини тезкор ходимларга тезда етказиш (ориентировкалар юбориш).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда хонадонга кириш усули аниқланади; кулфни бузиш излари, жиноятчиларнинг қўл, оёқ, пойафзал излари, улар йўқотган нарса ва буюмларни топиш ва қайд этиш, жиноят қуроллари, бошқа ашёвий далиллар (микрозаррачалар, биологик излар ва ш.к.)ни излаб топиш чоралари кўрилади. Бунда қўл, пойафзал излари, бузиш қуролларини айнан қаердан излаш кераклигини билиш зарур. Баъзан жиноятчилар хонадон ичида кийим алмаштирадилар. Топилган буюмлардан кейинчалик жиноятчиларни излаб топишда фойдаланиш мумкин.

Жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида қуйидагилар аниқланади: ўғрилик қачон, қай вақтда содир этилган; қайси буюм ва нарсалар ўғирланган; улар қандай белги ва аломатларга эга бўлган, уларнинг қиймати қандай; ўғирланган нарсалар қаерда бўлган; қимматбаҳо нарсаларнинг борлиги ва қаердалигини ким билган; у кимни ўғриликда гумон қилади ва ҳ.к.

Уй-жойдан нарса-буюмларни ўғирлаш ишлари бўйича қуйидагилар гувоҳ бўлишлари мумкин: ушбу уйга қараб турадиган шахслар, фаррошлар, ҳовли фаррошлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходимлари; пенсионерлар, уй бекалари, уйда хизмат кўрсатувчи оқсочлар, болалар; ломбард, буюмларни сотиб олиш пунктлари, дўконлар, телерадио устахоналар ходимлари (агар ўғирланган нарсалар ана шу муассасаларга топширилган бўлса), шунингдек ишлатилган нарса ва буюмларни олиб, бозорларда сотувчи шахслар.



Жабрланувчи ва унинг оила аъзоларини сўроқ қилганда ўғирланган мулкни чуқур тавсифловчи аломат ва белгиларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Гувоҳлардан гумон қилинувчиларнинг алоҳида белгилари, кийим-боши, автотранспорт воситасининг давлат рақамлари кабилар сўраб аниқланади.

Гумон қилинувчи ва унинг уйини тинтув қилиш пайтида ўғирланган йирик объектлар, қулфни бузиш қуролларини қидириш билан бирга, ўғрилик пайтида жиноятчи томонидан олиб кетилган майда нарса ва буюмларга, чунончи авторучка, кўзойнак, брелок, кўлқопларга эътибор қаратиш лозим, чунки жиноятчилар кўпинча уларни эсдалик учун олиб қоладилар.

Шуни эсда тутиш лозимки, кўп ҳолларда жиноятчилар ўғирланган нарсаларнинг кўриниши ва рангини ўзгартириб қўйишга ёки кўзга ташланадиган белгиларини йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолларда таниб олиш учун кўрсатишда нарсаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, нарса ёки кийимларнинг ишлатилиши натижасида юзага келган хусусиятларига эътибор қаратилади.

Ёрқин рангли, ярқираган, кўзга ташланадиган нарсалар, ширинликлар, нишон ва маркалар, майка, жинсиларнинг ўғирланганлиги, айни вақтда энг қимматбаҳо нарсаларга тегилмаганлиги ва ҳодиса содир бўлган жойда шўхлик ҳаракатлари бўлганлиги ўғрилик вояга етмаганлар томонидан содир этилганидан далолат беради.

*Масалан, пойтахтимизнинг Учтепа туманида бир гуруҳ вояга етмаган шахслар томонидан мини-маркетларда ўғриликлар содир этилган. Бунда улар ширинликларни ўғирлаб, қимматбаҳо озиқ-овқатларга, баъзан эса пулга ҳам тегмаганлар.*

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва улар билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларининг тартиби ва кетма-кетлиги муайян ўғрилик ҳодисаси содир бўлганидан кейин юзага келадиган қуйидаги типик тергов вазиятлари билан боғлиқ бўлади:

1) содир этилган ўғрилик тўғрисида етарли маълумотлар бор ва гумон қилинувчи шахс жиноят содир қилган вақтда ёки жиноятдан сўнг («иссиқ изидан») дарҳол ушланган;

2) ўғрилик содир этган шахс аниқланган, у тўғрида етарли маълумотлар бор, аммо унинг қаердалиги номаълум;

3) ўғрилик содир этилган, лекин ким содир этгани номаълум.

*Биринчи вазиятга* ушлаб турилган шахснинг жиноятга алоқадорлигига оид далилларни тўплаш хос бўлиб, унга терговчининг қуйидаги ҳаракатлар алгоритми мос келади:

- гумон қилинувчини ушлаш ва шахсий тинтув қилиш;
- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- жабрланувчини сўроқ қилиш;
- гумон қилинувчини сўроқ қилиш;
- экспертиза тайинлаш;
- жабрланувчига ўғирланган мулкни таниб олиш учун кўрсатиш;
- воқеа жойидан олинган ашёвий далилларни криминалистик ҳисобга олиш ва криминалистик ҳисобдан текшириш;

- гумон қилинувчининг ишлаш ва яшаш жойида тинтув ўтказиш.

Далилларни мустаҳкамлаш мақсадида бошқа тергов ҳаракатларини ҳам ўтказиш мумкин.

*Иккинчи вазиятга* дастлабки тергов ҳаракатларининг асосий йўналиши сифатида тергов ҳаракатларининг қуйидаги кетма-кетлиги хосдир:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- жабрланувчини сўроқ қилиш;
- гувоҳларни сўроқ қилиш;
- воқеа жойидан олинган ашёвий далилларни криминалистик ҳисобга олиш ва криминалистик ҳисобдан текшириш;

- тезкор ходимларга жинойт содир қилган шахсни аниқлаш учун топшириқ бериш;

- гумон қилинувчини ушлаш ва шахсий тинтув қилиш;
- гумон қилинувчини сўроқ қилиш;
- гумон қилинувчининг яшаш жойида тинтув ўтказиш.

*Учинчи вазиятга* қуйидаги тергов ҳаракатлари хос:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- жабрланувчини сўроқ қилиш;
- гувоҳларни сўроқ қилиш;
- воқеа жойидан олинган ашёвий далилларни криминалистик ҳисобга олиш ва криминалистик ҳисобдан текшириш;

- экспертизалар тайинлаш;
- тезкор ходимларга жинойт содир қилган шахсни аниқлаш учун топшириқ бериш.

Шундан кейин ўғрилик содир этган шахсни аниқлаш учун тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чоралари мажмуи амалга оширилади.

Агар жинойт содир этган шахслар тўғрисида маълумот бўлмаса, жинойтни очиш бўйича тезкор-қидирув чораларининг мазмуни жинойтчини аниқлашга қаратилган бирон ахборот манбаини топиш вазифаси билан боғлиқ бўлади. Жумладан қуйидагилар аниқланади:

- 1) моддий излар; ҳодиса жойида қолдириб кетилган ҳужжатлар, нарсалар; ўғирланган буюмлар ва ҳ.к.;

2) жиноят ҳолатлари, шунингдек жиноят билан боғлиқ фактлар тўғрисидаги маълумотларга эга шахслар.

Ахборот манбаи бўла оладиган нарсалар ва улар жойлашган ер ҳақидаги маълумотларни жиноятчининг ҳаракат механизми ҳақидаги тусмолларни илгари суриб аниқлаш мумкин.

Жиноят-қидирув ходимларига бундай ҳолда қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш топширилади:

- жабрланувчилардан сўраб-суриштириш;
- жиноят тўғрисида хабар берган ёки жиноят жойи яқинида бўлиб қолган шахслардан сўраб-суриштириш;
- ички ишлар органлари бўлинмалари ва хизматларининг шахсий таркибини жиноят ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва уларга ориентировкалар бериш;
- ҳодиса содир бўлган жойга туташ ҳудудни текшириб чиқиш;
- жиноят шохидлари, гувоҳлари бўлиши эҳтимол тутилган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳовлима-ҳовли, уйма-уй, юриб текшириб чиқиш;
- жиноятда гумон қилинган шахсни таъқиб этиш ва ушлаш учун тўсиқ қўйиш чора-тадбирларини ўтказиш.

Ходим ҳодиса содир бўлган жойни текширганидан сўнг ўша жойда аниқланган бармоқ изларини дактилоскопик ҳисоблар бўйича текшириши, ҳодиса жойида топилган нарса, ҳужжатларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Шунингдек, келгусида навбатчи нарядлар, жамоат вакиллари, ўғирланган мулкни сотиб юбориш эҳтимоли бўлган жойда ишловчи махсус қидирув гуруҳларининг аъзоларига ўғирланган мулк ва унинг белгилари тўғрисида тезкор навбатчига зудлик билан ахборот бериши керак. Жумладан, ўғирланган нарсалар, қимматбаҳо буюмлар ҳамда уларни топширган шахсларни аниқлаш мақсадида эски буюмлар сотиладиган бозорларда қидирув ишларини ташкил қилиш лозим. Ўғирланган нарсалар ва қимматбаҳо буюмларни қидираётган шахсларни уларнинг фотосуратлари ёки эскиз расмлари билан таъминлаш, шунингдек бу ҳужжатларни ориентировкаларга илова сифатида қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Гумон қилинувчининг шахси аниқланмаган, аммо унинг белгилари ёки уни тавсифловчи маълумотлар бўлганида, бундай вазиятларнинг аксарияти жиноятчининг ташқи белгилари; лақаби, исми; унга тегишли транспорт воситаси; жиноятчида бўлган нарсалар, унинг ўзида ёки кийимида жиноят изларининг борлиги, жабрланувчи билан таниш бўлгани ҳақидаги ва бошқа маълумотларнинг келиб тушиши натижасида ойдинлашади.

Гумон қилинувчининг белгилари тўғрисидаги ахборот ориентировкаларда, аҳолига муурожаатномаларда ўз аксини топиши керак. Қидирув мақсадида жиноятчининг субъектив портретини тайёрлаб, кўпайтириш зарур бўлади.

Қуйидагилар натижасида ҳам жиноятчини топиб, ушлаш мумкин:

– жинойий унсурлар тўпланган жойда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш;

– жабрланувчи ва гувоҳлар билан биргаликда жиноятчи пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларни айланиб чиқиш;

– жиноят содир бўлган ҳудудда тегишли рейд ва операциялар ўтказиш;

– жиноятчи юриши эҳтимол тутилган ҳудудларда (вокзаллар, транспорт бекатлари ва ҳоказо) тўсиқлар, кузатиш постлари қўйиб чиқиш;

– шу каби жиноятлар содир этиладиган кичик туманларда тезкор бўлинмалар ва бошқа хизматлар ходимларининг (фуқаролар кийимида) айланиб юришларини ташкил қилиш;

– аҳоли турар жойларида чиқиладиган манзиллардаги ЙПХ постларида транспорт воситаларини текшириш;

– навбатчи қисмларга олиб келинган барча шахслар устидан тезкор текширувлар ўтказилишини ташкил қилиш.

Гумон қилинувчининг қаердалигини аниқлашда ташқи кўринишлари ўхшаш шахслар иштирокида аввал содир этилган ва очилмаган жиноят ишларини таҳлил қилиш ҳам ёрдам бериши мумкин.

Агар жиноятчи уяли телефон ўғирлаган бўлса ёки ҳодиса содир бўлган жойда ундан фойдаланган бўлиши тахмин қилинса, бундай ҳолларда алоқа компаниялари (уяли телефон операторлари)нинг биллинг хизмати кўрсатиш имкониятларидан фойдаланиб, жиноятчининг қаердалигини аниқлаш чоралари кўрилади.

*Масалан, Учтепа туманида истиқомат қилувчи фуқаро И.нинг уйидан ўғирланган нарсалари ичида уяли телефон ҳам бўлган. Тергов давомида мазкур телефон аппаратининг IMEI-коди аниқланиб, у орқали кейинчалик янги эгаси топилган. У жиноятчининг синглиси бўлиб чиққан.*

Гумон қилинувчи автомобилдан фойдаланганида унинг русуми, алоҳида белгилари, давлат рақамини аниқлаш, ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига хизмат ва бўлинмаларни қўшимча ориентирлашда ёрдам берадиган излов белгиларини маълум қилиш, шунингдек ЙХХ ҳисоблари бўйича қидирувдаги автомобилникига ўхшаш белгиларга эга автомобилларни танлаб текшириш керак.

Жиноятларни очишининг илк босқичидаги дастлабки вазиятларда одатда жиноятчининг ташқи қиёфаси (жинси, ёши, бўй-басти, кийими, алоҳида белгилари ва бошқалар) ҳақида ахборот мавжуд бўлади.

Бу маълумотлар келгусида ташқи белгилари гумон қилинувчиникига ўхшаш бўлган ва шаҳар (туман) ички ишлар органларида ҳисобда турган шахсларни танлаш, ИИБ ва ИИБ ахборот марказлари орқали (масалан, «Асил» «Поиск» тизими имкониятларидан фойдаланиб) текшириш ҳақида талабномалар тайёрлашда қўл келади. Шунингдек, жиноятчининг ташқи қиёфасига оид маълумотлардан шахсни фото ва видео ҳисоблар бўйича аниқлаш борасидаги тезкор-қидирув чораларини ташкил қилишда аҳолига жиноятчининг шахсини аниқлаш ҳақида мурожаатномалар тайёрлашда, одамлардан қидирилатган жиноятчиларга ўхшаш шахслар ҳақида сўраб-суриштиришда фойдаланиш мумкин.

Гумон қилинаётган шахснинг кимлиги маълум, аммо қаердалиги номаълум бўлган вазият ТТГ ҳодиса содир бўлган жойга келиб, жиноятчини тўғридан-тўғри кўрсатиш имкониятига эга бўлган жабрланувчи ва шоҳидларни дастлабки сўроқ қилиш пайтида юзага келиши мумкин. Жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар деганда, унинг кимлигини аниқлашга ёрдам берадиган тўлиқ ёки жузъий маълумотлар – унинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, яшаш жойи кабиларни тушуниш лозим.

Мазкур вазиятни ҳал этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

- гумон қилинувчининг яшаш жойи тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўплаш;

- қўшнилардан унинг қаердалигини сўраб-суриштириш;

- гумон қилинувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахсларни аниқлаш ва улардан гумон қилинувчи ҳақида сўраб-суриштириш;

- гумон қилинувчи билан алоқада бўлган бошқа шахсларни (танишлар, ҳамкасблар ва бошқаларни) аниқлаб, улардан у ҳақида сўраб-суриштириш;

- ички ишлар органлари хизматлари ва бўлинмаларига гумон қилинувчи тўғрисида қўшимча маълумотлар бериш (ориентирлаш), аҳолига қидирувдаги шахс ҳақида хабар бериш, бунда унинг фото-суратини илова қилиш;

- гумон қилинувчи пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда пистирмалар ташкил қилиш;

- унинг бошқа жойга кетиш эҳтимолини текшириш.

Тергов дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш натижасида олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Режалаштиришдан кўзланган асосий мақсад – ўғрилик содир этган ва унга алоқадор бўлган шахслар тўғрисида эҳтимоли юқори бўлган ва объектив тусмоллар тузиш ва уларни текширишдан иборат.

Тусмоллар тузишдан аввал терговчининг ихтиёрида бўлган жиноят ва гумон қилинувчи тўғрисидаги барча маълумотларни, яъни ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган из ва нарсалар, жиноятни содир қилиш усули, гумон қилинувчининг ўғриликни содир қилиш жойидаги шароитлардан хабардорлик даражаси, ўғриликни инсценировка қилиш (саҳналаштириш) имкониятининг мавжудлиги кабиларни таҳлил қилиш зарур бўлади.

*Жабрланувчилар ва гувоҳ (шоҳид)ларни сўроқ қилиш.*

Жабрланувчиларни сўроқ қилиш ўғрилик жиноятларини тергов қилишда ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатларидан ҳисобланиб, у орқали нафақат жиноятчини аниқлаш, ҳатто ушбу ишлар бўйича муҳим бўлган дастлабки маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш ўғрилик жинояти қандай ҳолатларда содир этилганлигини аниқлашдан бошланади. Сўроқ қилинувчидан ўғирланган мулкни ёки моддий қимматликларни қачон кўргани ва қачон йўқолганлигини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жабрланувчини сўроқ қилишда ўғрилик қачон ва қаердан содир этилгани, нима ўғирлангани, уларнинг номи, қиймати аниқланиши лозим. Ўғирланган мулкнинг баҳосини (суммасини) баъзи вақтларда жабрланувчилар асл нархидан ошириб айтишлари ёки ўғирланган мулкнинг ўзига хос белгиларини айта олмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бошқа оила аъзоларини ҳам сўроқ қилишга тўғри келади. Агар хонадондан соат, планшет, ноутбук, нетбук, CD плеер, магнитофон, фотоаппарат каби буюмлар ўғирланган бўлса, уйда уларнинг техник паспортлари бор ёки йўқлиги ҳам аниқланиши лозим.

Сўроқ вақтида жабрланувчидан ўғриликда кимни гумон қилишини сўраб билиш керак. Уй-жойлардан ўғрилик содир этилганда жабрланувчидан у билан қўшни бўлиб шубҳали шахслар яшаши ёки яшамаслиги, уйда қимматбаҳо буюм ёки предметларнинг борлигини кимлар билиши мумкинлиги, уйда охириги марта ким бўлганлиги, уйдаги қимматликлар билан кимлар қизиққанлиги каби масалалар аниқланиши лозим. Агар жабрланувчи ўғриликни кимлар содир этиши мумкинлигини, ҳатто аниқ шахсининг исми шарифини айтса, гумон қилиш асослари аниқланиши лозим.

Шу билан бирга, жиноятчиларни бевосита ўз кўзи билан кўрган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, ўғрилик жиноят ишлари бўйича гувоҳ сифатида ўғрилик содир этилган хонадон аъзолари, уларнинг қўшнилари сўроқ қилиниши керак. Мазкур гувоҳларни сўроқ қилиш ва сўроқни олиб боришда бир қатор ҳолатлар ҳамда ўғрилик содир этилган объектга нисбатан ушбу гувоҳнинг қандай муносабатда эканлиги аниқланиши лозим.

*Масалан, 2017 йил 4 февраль куни соат 21-00дан 23-00гача бўлган вақт оралигида Бектемир туманида яшовчи фуқаро Ш.нинг хонадонидан 4000000 сўм нақд пул ва умумий баҳоси 7500000 сўмлик бир дона «Самсунг Таб-3» номли планшет ва бир дона «LG» русумли телевизорни яширин равишда талон-тароғ қилинган.*

*ИИБ Тергов бўлинмасининг терговчиси Н.Т. иш бўйича жабрланувчи Б.О.ни сўроқ қилиш жараёнида олинган мазкур маълумот асосида терговчи фуқаро С.Х. билан охирги маротаба шахсан мулоқотда бўлган ва телефон орқали гаплашиб юрган кишиларнинг рўйхатини олиб, уларни сўроқ қилиш орқали С.Х.нинг яшириниб юрган жойини аниқлаб, уни шахсан ўзи бориб ушлаб, гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилган. С.Х. дастлабки терговда берган кўрсатмасида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган ўғрилик жиноятларини содир қилганлигини, ўғирлаб олган «LG» русумли телевизорни Н.Ж.га сотганлигини билдирган. Дастлабки тергов давомида ушбу телевизор тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган. Бундан ташқари, С.Х. дастлабки терговда берган кўрсатмаларида 2015 йил 4 ноябрь куни таниши Ш. А.нинг уйдан 10400000 сўм нақд пулни ўғирлаганлигини билдириб кўрсатма берган. С. Халиловнинг айби сўроқ қилиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқа бир қатор тергов ҳаракатлари билан ўз тасдиғини топган.*

Юқорида кўрсатилган шахсларни сўроқ қилишда терговчи қуйидаги масалаларни ҳал этишга эътибор бериши керак:

- 1) терговчи етиб келгунча воқеа жойи ҳолатига қандай ўзгартиришлар ким томондан ва қандай мақсадда киритилганлиги;
- 2) ўғрилик ҳодисаси қачон ва қандай ҳолатларда аниқланганлиги;
- 3) мулк сақланаётган жойдан нималар ўғирланганлиги (ўғирланган мулкнинг номи, тахминий сони, нархи ва ҳ.к.)
- 4) ўғирланган мулк қаерда турганлиги;
- 5) мулк сақланадиган жойни қўриқлаш қандай ташкил этилганлиги (қоровул, сигнализация орқали);

6) уй-жой қандай қулфланганлиги, калит кимда ёки қаерда сақланганлиги;

7) объектнинг ҳолати, унда қандай моддий бойликлар сақланаётгани тўғрисида кимлар қизиқиб сўрагани;

8) ўғрилик содир этилиши даврида объект яқинида кимни кўргани;

9) сўроқ қилинувчи мазкур жиноятнинг содир этилишида кимдан гумон қилиши.

Бу ҳолатлар, албатта, йўналишни аниқлаб олиш хусусиятга эга бўлиб, аниқ воқеа шароитига ва ким сўроқ қилинишига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, жабрланувчини сўроқ қилишда ўғирланган товар ва моддий қимматликлар, уларнинг пул билан ўлчанадиган ҳажми тўғрисида маълумот олиш керак. Бунда ўғирланган мулкнинг тури, нархи ва қийматини аниқлаш жиноятнинг ўз вақтида очилишга катта ёрдам беради.

Жабрланувчи ва гувоҳ-шоҳидларни сўроқ қилиш жараёнида жиноят содир этилиши вазияти ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш зарур. Бунинг учун жиноятчининг ташқи кўриниши ва кийимлари; ўғирланган қимматбаҳо нарсаларнинг тавсифи, белгилари ва миқдори, жиноят содир этилишига олиб келган ҳолатлар аниқланади.

Жабрланувчи ва гувоҳ (шоҳид)ларни сўроқ қилаётганда тергов қилинаётган ҳодисанинг шароити ва ҳолатини билиш учун қуйидагилар аниқланиши лозим:

– жиноят содир этилган жойнинг аниқ манзили, хусусияти;

– жиноят содир этилган вақт (сана ва аниқ вақти);

– жиноят содир этилган вақтда уй-жойда бўлган шахслар;

– жиноятчиларнинг уй-жойларга кириш усули;

– уларнинг дастлабки ҳаракатлари тавсифи;

– жиноят содир этган шахслар сони;

– тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунига қадар ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатга ўзгартиришлар киритилганлиги; агар ўзгартирилган бўлса, нима мақсадда ва қандай ўзгартирилгани;

– жабрланувчи ёки гувоҳнинг фикрига кўра содир этилган жиноятни ким кўриши ёки эшитиши мумкинлиги;

– жабрланувчи бўлган воқеа ҳақида кимга хабар қилган ёки сўзлаб берган; агар у бундай қилмаган бўлса, нима сабабдан; ва ҳ.к.

*Сўроқ ўтказишда талон-тороғ қилинган мулкнинг миқдори ва хусусиятига алоҳида эътибор бериш тавсия қилинади. Бунда қуйидагилар аниқланиши лозим:*

– талон-тороғ қилинган мулк ёки бойликнинг тури;

– ҳар бир ашёнинг алоҳида белгилари, нархи, эскирганлик даражаси ёки амортизацияси;



– нарсаларда техник паспортларнинг ёки улар серия рақамлари қайдининг мавжудлиги;

– талон-торож қилинган мулкнинг турган жойи (кўринадиган ёки яширин жойда);

– нарсалар яширилган жойни аниқлаш усули; жабрланувчини кўрқитиб ёки зўрлик билан жойни кўрсатишга мажбур қилиш;

– яширин жой ва у ердаги қимматликлар ҳақида биладиган субъектлар доираси;

– талон-торож қилинган мулк эгаси (жабрланувчи);

– талон-торож қилинган мулкни қандай белгилар бўйича таниб олиш мумкинлиги, уларнинг батафсил белгилари;

– асосий нарсалар билан бирга, бошқа қимматли бўлмаган, лекин ёрқин, рангли предметларнинг (занжирлар, зажигалка, ён дафтар, шапка ва бошқалар) мавжудлиги, бу эса, ўз навбатида, жиноятга вояга етмаганларнинг алоқадорлиги ҳақидаги тусмолларни ишлаб чиқиш имконини яратади.

*Масалан, 2017 йил 19 январь кун Олмазор туманида яшовчи А.Р.нинг хонадони ётоқхонасидаги сейф ичидан 1850 АҚШ доллари ўғирлаб кетилган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши бўйича терговчи томонидан бир қатор тергов ҳаракатлари олиб борилиб, тергов ҳаракатлари давомида мазкур жиноятни жабрланувчи А.Р.нинг қариндоши Жиззах шаҳридан келган, 1999 йилда тугилган А.Х. содир этгани аниқланган. Жиноят иши бўйича ўтказилган сўроқ, юзлаштириш, воқеа ойини кўздан кечириш каби тергов ҳаракатларини ўз вақтида ўтказилганлиги натижасида жиноятни фош этилишига эришилган.*

Ўғрилик жиноятларини тергов қилишнинг бирламчи ва кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари босқичини тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш билан яқунлаш лозим. Аниқланган вазиятдан келиб чиқиб, терговнинг кейинги босқичида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ва амалга ошириладиган тергов ҳаракатларини тўғри белгилаш зарур.

### **3-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги**

Тезкор ходим ўғрилик жиноятини очишга қаратилган қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш натижасида жиноятчини топиб, ушлаши мумкин:

- жинойй унсурлар тўпланган жойда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш;

- жабрланувчи ва гувоҳлар билан биргаликда жинойтчи пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларни айланиб чиқиш;

- жинойт содир бўлган ҳудудда тегишли рейд ва операциялар ўтказиш;

- жинойтчи юриши эҳтимол тутилган ҳудудларда (вокзаллар, транспорт бекатлари ва ҳоказо) тўсиқлар, кузатиш постлари қўйиб чиқиш;

- ушбу турдаги жинойтлар тез-тез содир этилаётган маъмурий ҳудудларда тезкор-қидирув ва бошқа хизмат ходимларини (фуқаролик кийимида) жалб этган ҳолда патруллик йўналишлари ташкил этиш;

- аҳоли яшаш пунктларидан чиқиш жойларидаги ЙПХ масканларида транспорт воситаларининг текширувини ташкил қилиш;

- ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига олиб келинган барча шахслар устидан тезкор текширувлар ўтказилишини ташкил қилиш;

- жинойтчи, масалан, тўсиқни бузиш пайтида тан жароҳати олганлиги сабабли мурожаат этиши мумкин бўлган тиббий муассасаларни текшириш.

Жинойт содир этган шахс ҳақидаги ахборотда ўзига хос хусусиятлар борасидаги маълумотлар ушбу вазиятнинг муҳимлигини кўрсатиб беради. Унинг шахсий хусусиятлари деганда, унга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган маълумотлар: инсонни шахсан таърифловчи яшаш жойи, ёши, фамилияси, исми ва отасининг исми тушунилади.

Ушбу вазиятдаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадига қуйидагилар киради:

- жинойтчининг аниқ яшаш жойи ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

- қўшниларида унинг бўлиши мумкин бўлган жойлар ҳақида суриштириш ва сўров ўтказиш;

- жинойтчи билан қариндошлик алоқалари бўлган шахсларни топиш ва улар билан сўров ўтказиш;

- у билан яқин алоқада бўлган шахсларни топиш ва улар билан сўров ўтказиш;

- ички ишлар органларининг бошқа хизмат ва бўлимларини у ҳақдаги маълумотлар билан таъминлаш, шунингдек, қидирилаётган жинойтчи ҳақидаги маълумотларни унинг суратларини илова этган ҳолда аҳолига етказиш;

- жиноятчи пайдо бўлиши кутилаётган жойларда уни ушлаш учун назорат гуруҳларини қўйиш;

- унинг чиқиб кетиши мумкин бўлган ҳудудларда назорат ишларини ташкил этиш;

- махсус хизмат ходимларига унинг бўлиши ёки яшириниши мумкин бўлган жойларни аниқлаш бўйича алоҳида вазифалар белгилаш.

Жиноятларни очишнинг илк босқичидаги дастлабки вазиятларда одатда жиноятчининг ташқи қиёфаси (жинси, ёши, бўй-баси, кийими, алоҳида белгилари ва бошқалар) ҳақида ахборот мавжуд бўлади.

Бу маълумотлар келгусида ташқи белгилари жиноятчиникига ўхшаш бўлган ва шаҳар (туман) ички ишлар органларида ҳисобда турган шахсларни танлаб бериш, ИИВ ва ИИБ ахборот марказлари орқали (масалан, АСИЛ, «ИЗЛОВ» тизими имкониятларидан фойдаланиб) текшириш ҳақида талабномалар тайёрлашда қўл келади. Шунингдек, жиноятчининг ташқи қиёфасига оид маълумотлардан шахсни фото ва видео ҳисоблар бўйича аниқлаш борасидаги тезкор-қидирув тадбирларини ташкил қилишда, аҳолига жиноятчининг шахсини аниқлаш ҳақида мурожаатномалар тайёрлашда, одамлардан қидирилатган жиноятчиларга ўхшаш шахслар ҳақида сўраб-суриштиришда фойдаланиш мумкин.

Жиноятчининг кимлиги маълум, аммо қаердалиги номаълум бўлган вазият тергов-тезкор гуруҳи ходиса содир бўлган жойга келиб, жиноятчини тўғридан-тўғри кўрсатиш имкониятига эга бўлган жабрланувчи ва шоҳидларни дастлабки сўроқ қилиш пайтида юзага келиши мумкин. Жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар деганда унинг кимлигини аниқлашга ёрдам берадиган тўлиқ ёки жузъий маълумотлар – унинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, яшаш жойи кабиларни тушуниш лозим.

Мазкур вазиятни ҳал этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

- жиноятчининг яшаш жойи тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўплаш;

- қўшнилардан унинг қаердалигини сўраб-суриштириш;

- жиноятчи билан қариндошлик муносабатида бўлган шахсларни аниқлаш ва улардан жиноятчи ҳақида сўраб-суриштириш;

- жиноятчи билан бошқача алоқада бўлган шахслар (танишлар, ҳамкасабалар ва бошқалар)ни аниқлаб, улардан жиноятчи ҳақида сўраб-суриштириш;

- ички ишлар органлари хизматлари ва бўлинмаларига жиноятчи тўғрисида қўшимча маълумотлар бериш (ориентирлаш), аҳолига

қидирувдаги жиноятчи ҳақида хабар бериш, бунда унинг фото-суратини илова қилиш;

- жиноятчи пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда пистирмалар ташкил қилиш;

- унинг бошқа жойга кетиш эҳтимолини текшириш.

Тергов дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш натижасида олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Режалаштиришдан кўзланган асосий мақсад – ўғриликни содир этган ва унга алоқадор бўлган шахслар тўғрисида эҳтимолга яқин ва объектив тусмоллар тузиш ва уларни текшириш.

Тусмоллар тузишдан аввал терговчининг ихтиёрида бўлган жиноят ва жиноятчи тўғрисидаги барча маълумотларни (ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган из ва нарсалар, жиноят содир қилиш усули, жиноятчининг ўғриликни содир қилиш жойидаги шароитлардан хабардорлик даражаси, ўғриликни инсценировка қилиш имкониятининг мавжудлиги кабиларни) таҳлил қилиш зарур.

Оғир турдаги ўғрилик жиноятларини очиш жараёнига ички ишлар органларининг турли хизмат ва бўлимлари куч ва воситаларининг жалб этилиши жараёнига улар ўртасида турли шаклдаги ўзаро сифатли ҳамкорликнинг ташкил этилиши муҳим бўлади. Ҳамкорликнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларни бирга режалаштириш;

- ҳамкорликдаги масалалар юзасидан бошқарув жараёнини йўлга қўйиш;

- ҳамкорликдаги йўриқномалар асосида ўқув-амалий машғулотлар, амалий кўникмалар олиш учун турли машқлар ўтказиш;

- ўзаро ахборот алмашув тизимини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш;

- иштирокчиларнинг ҳамкорлик масалалари бўйича саволларини эшитиш;

- ҳамкорлик иштирокчилари билан йиғилиш ва расмий учрашувлар ўтказиш;

- тергов-тезкор, тезкор-қидирув ва бошқа аралаш таркибли гуруҳлар тузиш;

- бир неча хизматлар томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг назоратини амалга ошириш;

- иштирокчилар ҳаракатларининг жойлашув шароити ва қўллаш амалиётида ўхшаш вазиятлардан келиб чиқиб, улар биргаликдаги ҳаракатларининг ижобий тажрибаларини ўрганиш.

Ўғрилик жиноятини очишда тезкор-қидирув тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тезкор маълумот, хабарнома, тезкор ишлар, қайд этиш материаллари ва бошқа қўшимча маълумотлар йиғиш.

- ЖИЭМ ва реабилитация марказлари ва бошқа тезкор бўлимлар билан бирга тезкор тадбирлар ўтказиш;

- жиний элементлар тўпланадиган жойларда махсус тезкор ишларни ташкил этиш;

- бошқа ИИОлари ихтиёрида бўлган қўшимча куч ва воситаларни жиноятни очишда жалб этиш;

- иш ҳолати бўйича ўтган барча шахсларни синчковлик билан текширув таҳлилидан ўтказиш жуда муҳим, чунки ишнинг биринчи кунлари аниқланган шахсларни ҳар доим ҳам синчковлик билан текшируви амалга оширилмайди, шу билан бирга, жиноятчилар ва уларнинг ўзаро алоқаси ЖК ва ТҚКБ ходимларининг назаридан четда қолиши мумкин.

Қўйилган топшириқларнинг самарали бажарилишида махсус тезкор-қидирув ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Махсус аппаратнинг имкониятлари жиноят содир этганларнинг шахсини аниқлаш учун қўлланилади, шунингдек ўғирланган мулкни ўз вақтида қидириш ва аниқлаш орқали жиноятчи топилади. Ушбу мақсадда ўғирланган мулкни олиш жойларида ёки талон-торож қилинган мулкларни харид қиладиган шахслар билан бевосита алоқага кириша оладиган жойларда қидирув ишларини амалга ошириш имкониятига эга барча махсус манбаларнинг имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Содир этилган жиноятни аниқлаш учун жиноятчиларнинг белгилари ва ўғирланган нарсаларни аниқлашнинг ўзи етарли эмас.

Содир этилган жиноятнинг хусусиятига қараб, ноошкора ходимларнинг имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда, уларнинг олдига мақсадли ва амалга ошириш имкони бўлган топшириқларни қўйиш лозим, шунга кўра керакли ва тўғри йўриқнома беришни эсдан чиқармаслик лозим.

Кўп ҳолларда, ноошкора ходимларга қўйилган топшириқлар кўп бўлиши ва унинг қийинлигига қараб, ходимга қўйилган топшириқни сифатли ва тўғри бажариш учун унинг алоҳида тактик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида йўриқнома ўтказиш талаб этилади.

Керакли вазиятларда, қўйилган топшириқларни бажариш учун турли чуқур ўйланган тезкор комбинациялардан фойдаланиш лозим.

#### **4-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги**

Профилактика (катта) инспектори тергов-тезкор гуруҳи таркибида ўғрилиқ жиноятини очишда фаол қатнашиб, суриштирув ишлари олиб боради, агар мазкур жиноятга оид маълумот олса, уни билдирги орқали терговчига тақдим этади. Шунингдек, профилактика инспектори ўғрилиқ жинояти бўйича суриштирув ишлари олиб бориш жараёнида эътиборини ўғрилиқ жинояти содир этишга мойил бўлган, муқаддам ушбу турдаги жиноятларни содир этиб судланган ва жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган, ички ишлар органлари таянч пунктида профилактик ҳисобда турувчи шахсларга, узоқ вақтдан буён ишламаётган ва енгил ҳаёт кечирувчи фуқароларга қаратиши, тергов-тезкор гуруҳи аъзолари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириши ва уларнинг маълумотларини чуқур таҳлил этиши керак.

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудда содир этилган ўғрилиқ жиноятини фош этиш бўйича тергов-тезкор гуруҳи таркибида муайян вазифаларни амалга оширади. Улар қуйидагилар:

- тергов-тезкор гуруҳи раҳбарига гувоҳлар, воқеа шохидлари, гумон қилинувчи шахслар, ашёвий далиллар ва содир этилган ўғрилиқ ҳолати бўйича ахборот беради;

- тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг топшириғига биноан воқеа жойига яқин жойлашган хонадонларда яшайдиган, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган фуқаролардан тушунтириш хатлари олади;

- тергов-тезкор гуруҳи раҳбарнинг топшириғи асосида ўғрилиқ жинояти содир этганлиги учун илгари судланган ва ички ишлар органлари таянч пунктида профилактик ҳисобда турувчи шахслар ўртасида суриштирув ишлари олиб боради ва улардан тушунтириш хатлари олади;

- тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг топшириғига биноан профилактика инспектори содир этилган ўғрилиқ жинояти бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади, бу асосда тўплаган тушунтириш хатлари ва бошқа маълумотларни етказди;

- маъмурий ҳудудда содир этилган ушбу ўғрилиқ жинояти бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

Жиноят ходисаси бўйича суриштирув олиб бориш жараёнида профилактика инспектори муқаддам босқинчилик, талончилик, безорилик, ўғрилик жиноятлари учун судланган, профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат остидаги, узоқ вақтдан буён ҳеч қаерда ишламаётган, енгил ҳаёт кечирувчи ва бошқа тоифадаги фуқароларга кўпроқ эътибор қаратади. Зарур маълумотларни йиғиш учун профилактика инспектори жамоатчилик, жумладан, посбонлар, сардорлар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни кучайтириши лозим, олинган маълумотларни чуқур таҳлил этиб, ўз вақтида терговчига такдим этиши керак.

*Масалан, Шайхонтоҳур туманида 2017 йил 31 январь куни соат 15.00да, Беруний кўчасида жойлашган «Шарқ» супермаркетинида, 1982 й.т. хусусий тадбиркор, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида яшовчи Б.М., 1982 й.т. хусусий тадбиркор, Шайхонтоҳур тумани, Шомаҳмудов кўчасида яшовчи М.А.га тегишли 23000 сўмлик «Нивея», 46000 сўмлик 2 дона «Алвик», 26500 сўмлик «Жилетт», 7000 сўмлик «Эйвелин» бальзами, 8000 сўмлик «Редбулл» ичимлигини, ўзгирлаб кетаётган вақтида шу ерда хизмат олиб бораётган профилактика инспектори Ш.А. томонидан ушланган.*

Профилактика инспектори ўғрилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширади:

- жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш хизмати ходимлари билан ҳудудда содир этилган ўғрилик жиноятини «иссиқ изидан», тез ва сифатли очишга ҳаракат қилади, шунингдек, уларнинг сабаблари ва келиб чиқиш шарт-шароитларини аниқлайди ҳамда бу соҳада ўзаро ахборот алмашади;

- профилактика инспекторининг терговчи билан ҳамкорлиги тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг кўрсатмаси асосида ўғрилик содир бўлган жойни кўздан кечириш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изи» дан очишга хизмат қилувчи дастлабки ҳаракатлар ва бошқа процессуал тадбирларни амалга ошириш, очилмай қолган ўғрилик жинояти бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни 35-моддасининг 3 ва 4-бандларига мувофиқ, шахсни профилактик ҳисобга қўйиш, биргаликда ўғрилик ва бошқа турдаги жиноятларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб боришда намоён бўлади;

- профилактика инспектори вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори билан ўғрилик жиноятида гумон қилинувчи вояга етмаганлар тўғрисида

маълумот олиш, улар бўйича суриштирув ишларини амалга ошириш, терговчига ўғрилиқ жиноятини содир этишга мойил бўлган, илгари шу турдаги жиноят содир этгани учун судланган, ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган, профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар тўғрисида маълумотлар беришда ҳамкорлик қилади;

- жамоат тартибини сақлаш ва патруль-пост нарядлари билан содир этилган ўғрилиқ жинояти бўйича кўчалар ва жамоат жойларида суриштирув ишлари олиб бориш ҳамда воқеа жойида излар йўқолиб кетишининг олдини олишда, шунингдек, терговчининг топшириғига асосан жиноят содир этган шахсни аниқлаш, гумон қилинувчиларни терговчига олиб келишда ҳамкорлик қилади.

### **5-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида мутахассис-криминалистнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги**

Ўғрилиқ жиноятларини очишга қаратилган фаолиятда тергов-тезкор гуруҳи аъзоси сифатида эксперт-криминалист далилларни йиғиш билан боғлиқ тергов ҳаракатларида иштирок этишга жалб этилади. Жиноятни «иссиқ изи»дан очиш мақсадида, бир қатор йўналишлар бўйича қидирув ташкил этилади. Ушбу йўналишлардан бири «жиноятчи шахсини аниқлаш учун мавжуд бўлган маълумотлар бўйича» қидирувни ташкил этишдир. Ушбу йўналишда эксперт-криминалист ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида аниқлаб олинган излар ва ашёвий далилларнинг дастлабки тадқиқотларини ўтказиши ва терговчи (суриштирувчи)га жиноятчи ҳақида бир қатор маълумотлар бериши, жумладан, ҳодиса жойида ўтказиладиган тадқиқотлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- қўл ва бармоқ изларининг ҳодиса жойида ўтказиладиган дастлабки тадқиқотлари;
- пойафзал тагчарми изининг дастлабки тадқиқотлари;
- бузиш қуроллари изларининг ҳодиса жойида ўтказиладиган трасологик тадқиқотлари;
- транспорт воситалари изларининг ҳодиса жойида ўтказиладиган трасологик тадқиқотлари;
- кам учрайдиган изларнинг дастлабки тадқиқотлари;
- моддий изларга кўра номаълум жиноятчининг касбий аломатларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар.

*Масалан, 2017 йил 5 февралда Халқ банкига қарашли «Омонат» жамғарма кассасининг ойна қисмидаги темир панжарани қирқиб, бузиб кириб кассада мавжуд бўлган жами 100 миллион сўм пул*



*ўзирлангани аниқланган. ИИБ ЭКМнинг 2017 йил 10 февралдаги 151-сонли трасологик экспертизаси хулосасига асосан, гумон қилинувчи Р.Р.нинг уйини кўздан кечириш вақтида аниқланиб, олиб қўйилган, кейинчалик тадқиқотга тақдим этилган бир дона чилангарлар кескичи (резак) билан кассанинг темир панжараси кесилганлиги тасдиқланган.*

Ушбу турдаги жиноятларни очиш мақсадида, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқлаб олинган қўл бармоқ изларидан ҳамда эксперт-криминалистика хизматида мавжуд «АДИТ–ПАПИЛОН» «АДИТ–СОНДА», «АСИЛ» автоматлаштирилган базалари имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, 2014-2017 йиллар давомида айнан ушбу автоматлаштирилган тизимлар имкониятлари ёрдамида йигирмадан ортиқ автомобилни олиб қочиш жиноятлари очилган.

Ўғрилик жиноятини очиш мақсадида турли суд экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Воқеа жойидан кўпинча бармоқ излари, пойафзаллар ёки бузиш қуролларидан қолган излар топилади. Терговчи излардан нусхалар (намуналар) олиб, ушбу жиноятни тергов қилишда криминалистик, суд-тиббиёт, суд-кимёвий, товаршунослик экспертизалари тайинлайди.

## IV боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 1-§. Терговчининг ўғрилиқ жиноят иши бўйича кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш борасидаги вазифалари

Ўғрилиқ жиноятини тергов қилишнинг кейинги босқичи жиноят иши бўйича далиллар тўплаш ва мустаҳкамлашга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурати билан тавсифланади. Мазкур босқичнинг муҳим омили тергов ҳаракатларига пухта тайёргарлик кўриш, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шахсини синчковлик билан ўрганиш ва у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш вақтини тўғри танлаш имконияти ҳисобланади. Уларни танлаш ва амалга оширишнинг кетма-кетлиги дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишдан кейин вужудга келган тергов вазияти билан боғлиқ.

*Кўп ҳолларда терговнинг навбатдаги босқичида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: ўғрилиқ содир этган шахсларни ушлаш, ушланган шахсни тинтув қилиш, айбланувчини сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш.*

Тергов ҳаракатларини ўтказиш кетма-кетлигини терговнинг бошланғич босқичида тўпланган далилий базани инобатга олган ҳолда жиноят ишидаги аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб белгилаш лозим.

*Ўғрилиқ жиноятини содир этган шахсларни ушлаш.*

Ўғрилиқ содир этган шахсларни ушлаш жиноят-қидирув бўлими тезкор вакиллари томонидан терговчи билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. ЖПКнинг 220-моддасига асосан ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир. Ушлаб туриш жиноят иши кўзғатилгунга қадар ҳам, иш кўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Иш кўзғатилганидан кейин ушлаб туришга фақат суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.

Ўғрилиқ содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлашга пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Ушлашга тайёргарлик кўришда жиноят иши материалларини ўрганиш; ушланиши лозим бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар

йиғиш; ушлаш жойи ва вақтини белгилаш; ушлаш амалга ошириладиган жойдаги шароитни ўрганиш; гумон қилинувчиларни бир вақтда ва турли жойларда ушлаш учун уларни бир-бирдан ажратиш чораларни кўришдан иборат бўлади.

Юқорида кўрсатилган жиноятни содир этган шахслар қуролланган бўлиши мумкин. Шунинг учун атрофдагилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушлашни эрта тонгда ёки тунда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушлашни уйларга кириш йўлагиди, тор кўчада, хиёбонда ва бошқа шу каби жойларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушлашни иш жойида ҳам амалга ошириш мумкин, бунда гумон қилинувчи бошқарувчининг хонасига ёки бошқа хонага таклиф қилинади ва шу ерда ушланади.

Агар жиноятнинг бир иштирокчиси аниқланган бўлса, унда жиноий гуруҳ қолган аъзоларининг турган жойларини аниқлаш мақсадга мувофиқ, чунки уни дарҳол ушлаш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушлашни кечиктириш, жиноятчини кийимида, танасида, уйидаги ашёларда жиноят иши учун муҳим изларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда, ёхуд у очикда қолса, бошқа оғирроқ жиноятни содир этиши мумкин бўлган ҳолларда истисно тариқасида ушлаш кечиктирилмай зудлик билан амалга оширилади.

Жиноятчиларни ушлаш учун тайёргарлик кўришда қуйидагилар зарур: ушлаш гуруҳи таркибини аниқлаш (унинг таркибига кузатув, қўршаб олиш, қуролли ҳимоя, ушлаш, захира гуруҳлари киради); мазкур гуруҳни қуроллантириш ва керакли анжомлар, транспорт, зарур ахборот воситалари билан таъминлаш; гуруҳ аъзоларига йўриқнома ўтказиш. Ушлаш гуруҳи таркибига ҳар бир ушланаётган шахсга уч нафардан кам бўлмаган махсус тайёргарликка эга ходимларни жалб қилиш тавсия этилади.

Ушлангандан сўнг ИИБ ходимига ҳужум қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган қуроллар, нарсалар ва бошқаларни олиш мақсадида, жиноятчилар дарҳол тинтув қилиниши шарт.

Ушлаб туриш баённомасида ушлашда олинган барча нарсалар батафсил кўрсатилиши лозим. Олинган барча нарсалар синчковлик билан ўралади ва муҳрланади.

Ушлаб туриш баённомасида ушланган шахсда ушлаш вақтида қандай бош кийими, уст кийим ва оёқ кийими бўлганлиги кўрсатилган бўлиши шарт. Унинг эғнида содир этилган жиноят натижасида талон-торож қилинган ўзганинг кийими бўлиши мумкин. Ушланган шахс

қурол ва жиноятини фош қиладиган бошқа предметлар, пул, ёзишма ва шу кабилардан қутулмоқчи бўлганлиги фактини аниқлаш учун ушлаш жойини диққат билан кўздан кечириш зарур.

*Ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш.* ЖПКнинг 162-моддасига биноан шахсий тинтув ЖПКнинг 157 ва 161-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда суриштирувчи ёки терговчи томонидан шахснинг кийимлари, ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга эгп нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш учун амалга оширилади.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш қуйидаги ҳолларда алоҳида қарор чиқарилмасдан ўтказилиши мумкин:

– жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган ИИБ ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда (ЖПК 224-м.);

– гумон қилинувчи ИИБга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида баённома тузилганда;

– айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюм ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилади.

Ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш у ушланган заҳотиёк ўтказилиши лозим. Шахсий тинтув вақтида қуроллар, ўқ-дорилар, жиноят қуроллари, шахсий ҳужжатлар, талон-торож қилинган ашёлар, ушбу шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини фош қилувчи нарса ва ашёлар (хат, ёзишма ва бошқалар) олиб қўйилиши шарт, барча ҳаракатлар шахснинг шахсий тинтув баённомасида акс этиши шарт.

*Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш.*

Шахс Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, уни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга асос бўлади (ЖПК 359-м.).

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКга кўра шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Агар бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

ЖПКнинг 360-моддасига мувофиқ қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорда кўрсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилинади. Айтилиши вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Шундан сўнг суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 111-моддасига мувофиқ гумон қилинувчини биринчи мартаба сўроқ қилгунига қадар ҳимоячи билан холи учрашишини таъминлайди.

Гумон қилинувчининг илтимосига кўра, суриштирувчи ёки терговчи ишда муайян ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди. Танланган ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиши мумкин.

Суриштирувчи ёки терговчи ҳимоячи иштирокида гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилади ва уни сўроқ қилади. Сўроқдан сўнг ушлаб турилган гумон қилинувчи сўроқ баённомасини имзолайди. Шахс ушлаб турилган пайдан бошлаб 72 соат ичида терговчи шахснинг жиноят содир қилганлигини исботловчи ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун етарли далилларни тўплаши лозим.

*Гумон қилинувчини сўроқ қилиш.*

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96–108-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга, шунингдек ЖПКнинг 109–112-моддаларида назарда тутилган махсус қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш у ушлангандан сўнг дарҳол амалга оширилиши лозим. Агар бирор узрли сабабларга кўра уни ўтказишнинг иложи бўлмаса, унда сўроқ у ушланган вақтдан бошлаб 24 соат ичида ўтказилади.

Бунда сўроқ қилиш тактикаси гумон қилинувчилардан биттаси ёки бир нечтаси, жабрланувчининг уйида ёки бошқа жойда, бевосита жиноят содир этилганидан сўнг ёки бир мунча вақтдан сўнг ушланганлигига, ҳамда сўроқ қилинаётган шахснинг жиноят содир этишда қандай вазифани бажарганлиги ёки унинг иштирокчилик даражасига, терговчи сўроқ қилишда қандай фош этувчи далилларга эғалигига бевосита боғлиқ бўлади.

Ушланган шахсга у нимада гумон қилинаётганлигини тушунтириб, қандай шароитда ушланганлигини эркин сўзлаб бериш таклиф этилиши лозим.

Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятда иштирок этганлигини инкор этмаётган бўлса, сўроқ вақтида қуйидагилар ойдинлаштирилиши лозим:

- жиноят содир этилган жойда қачон, ким билан ва қандай ҳолатда бўлган;
- унинг кўрсатувини ким тасдиқлаши мумкин;
- жиноят содир этган шахслар сони;
- шерикларининг фамилияси, исми, лақаби, турар жойи, батафсил белгилари, жиноят содир этишда ҳар бирининг роли;
- жиноятнинг ташкилотчиси ким, жиноий гуруҳ қанчалик барқарор, олдин шунга ўхшаш жиноятлар содир этилганми, содир этилган бўлса, қандай, қаерда ва қачон содир этилган;
- мазкур жойни тажовуз объекти сифатида танлашга асос нима;
- мазкур жойга кириш усули;
- жиноят содир этиш шароити;
- гумон қилинувчиларнинг жабрланувчилар билан танишлиги ҳақидаги маълумотлар;
- жабрланувчида пул ва қимматбаҳо нарсалар борлиги тўғрисидаги хабар манбаи;
- мазкур жиноятни содир этишдаги тайёргарлик ҳаракатлари (жиноий қилмиш режаси, иштирокчилар орасида вазифаларнинг тақсимланганлиги);
- ўғирланган мулкнинг сони ва хусусияти, уларнинг умумий қиймати, батафсил белгилари;
- ўғирланган мулк яширинган жой;

– ўғирланган мулкни ўтказиш усули ва субъектлари; олувчининг шахси;

– жинойтчиларнинг жинойт содир этилган жойдан яшириниш усули; агар улар транспортдан фойдаланган бўлса, айнан қандай; унинг русуми, индивидуал белгилари, давлат рақами.

Агар гумон қилинувчи жинойт содир этишдаги иштирокини инкор этадиган бўлса, сўроқ давомида қуйидагилар аниқланиши лозим:

– у жинойт жавобгарликка тортилганми; агар тортилган бўлса, қачон, қаерда, ким томонидан ва қандай жинойти учун;

– жазо тури, қаерда ва қандай муддатга судланган; унга муддатидан илгари озод қилиш қўлланилганми;

– айтган жинойтини ким билан содир этган;

– жинойт содир этилган вақтда у қаерда, кимникида ва ким билан бўлган; нима қилган; унинг алибисини ким тасдиқлаши мумкин;

– у шахсий тинтув қилинганда аниқланган ва олиб қўйилган ашёлар, ҳужжатлар ва қимматликлар кимга тегишли ёки қаердан ва қачон олган;

– жабрланувчидан ўғирланган ашё ва қимматбаҳо буюмлар унда қандай пайдо бўлиб қолган; уларни қаердан ва қачон олган; буни ким тасдиқлаши мумкин;

– унинг баданида ёки кийимидаги жароҳатлар қаерда, қачон ва ким томонидан етказилган;

– унинг жинойт содир этилган жойда аниқланган қўл, оёқ ва бошқа излари қандай қолдирилган.

Жавоблар иложи борица тафсилотлари билан тўлиқ олинishi лозим.

Шундан сўнг, ишдаги мавжуд далиллардан фойдаланган ҳолда, жинойтнинг аниқ содир этганлигини фош қилиш лозим.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш ўғрилиқ жинойти содир этилган пайтда унинг қаерда эканлигини аниқлашдан бошланади. Жинойт содир этиш вақтида ушланганлар асосан тўғри кўрсатув беришади. Гумон қилинувчи сифатида ушланган шахслар эса жинойт содир этилган вақтда бошқа ерда эканлигини айтиб, жинойтга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида кўрсатув беради. Бундай ҳолларда унинг берган кўрсатувлари деталлаштирилиб, текшириб кўрилади. Бунинг учун воқеа жойидан топилган излар, тинтув вақтида олинган ашёвий далиллар, ўғрилиқ жинойти содир этилаётганини ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар кўрсатувларидан ушланганларнинг ёлғон кўрсатувларини фош этиш мақсадида фойдаланилади. Агар гумон қилинувчи

айбига иқроқ бўлиб, жиноят содир этганини тан олса, жиноятни содир этиш билан боғлиқ барча ҳолатлар, унга тайёргарлик кўрганлиги, қандай қуроллардан фойдаланганлиги, иштирокчилар аниқланади.

Гумон қилинувчи (айбланувчи)ларни сўроқ қилишда қатор масалалар ҳал этилиши лозим. Уларга қуйидагилар киради: гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, ўғрилик жиноят(лари)и қайси ердан содир этилганлиги, уни содир этиш вақти ва усули, ўғирланган буюмлар ва уларнинг ўғирлангандан кейин қаерда сақланаётгани каби масалалар аниқланиши лозим.

Агар иш бўйича бир неча гумон қилинувчи иштирок этаётган бўлса, унда терговчи қайси бирини биринчи сўроқ қилиши масаласини аниқлаши керак. Бунинг учун ушланган шахснинг шахсий хусусиятлари ўрганилиши лозим.

Айбини тан олган шахсларни сўроқ қилишдаги асосий шарт-шароитлардан бири уларнинг берган кўрсатувларини тафсилотлари билан ўрганиш ҳисобланади. Ўғрилик содир этилган жой аниқланганидан кейин сўроқ қилинаётган шахсдан ўғрилик содир этилган объект қаерда жойлашганлиги, унинг ташқи кўриниши, унга бориш йўллари ва ўғрилик содир этилган хона, дўкон, омбор ва бошқаларнинг ички ҳолати қандайлиги ҳам аниқланиши лозим. Ўғрилик жиноятини содир этиш усулини аниқлаш пайтида терговчи нима учун айнан шу усулни танлангани, тўсиқдан қандай ўтгани, тўсиқдан ўтишда, уни бузишда қандай қурол ва предметлардан фойдалангани, уларни қаердан олгани ва ўғрилик содир этилганидан кейин буюмларни қаерга қўйгани аниқланиши лозим. Сўроқ жараёнида қандай буюм ва моддий бойликлар ўғирлангани, улар хонанинг, дўконнинг қаерида тургани, ўғирланган буюмнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланиши лозим. Кўрсатувни бундай тафсилотлар билан ўрганишда уни тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга ошириш даврида тўпланган маълумотлар билан солиштириб кўриш назарда тутилади.

Гумон қилинувчининг барча кўрсатувлари тергов давомида синчковлик билан текширилиши шарт, чунки бу тоифадаги ишлар бўйича гумон қилинувчини сўроқ қилишда тергов қилинаётган жиноятнинг ҳолатларига оид объектив маълумотларга жуда кам ҳолларда эришилади.

*Экспертизалар тайинлаш.*

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 172-моддасига мувофиқ, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда, экспертиза тайинланади.



Эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Ўғрилик жиноятини тергов қилишда турли суд экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Ушбу жиноятни тергов қилишда криминалистик, суд-тиббиёт, суд-кимё, товаршунослик экспертизалари тайинланади.

Криминалистик экспертиза энг кўп тарқалган экспертиза турларидан ҳисобланиб, ўғрилик жиноятларини тергов қилишда дактилоскопик, трасологик, хатшунослик экспертизалари тайинланади. Воқеа жойидан кўпинча бармоқ излари, пойафзал ёки бузиш қуролларидан қолган излар топилади. Терговчи излардан нусхалар (намуналар) олиб, дактилоскопик ёки бузиш қуроллари, оёқ ёки пойафзал излари бўйича трасологик экспертиза тайинлайди. Суд-тиббиёт экспертизаси ўғрилик содир этилган жойдан қонга ўхшаш доғлар, бузиш қуроллари, буюмлар, ойна синиқлари ҳамда чекиб ташланган папирос қолдиқлари, соч толалари топилганда тайинланади. Экспертиза ёрдамида воқеа жойидан қон доғлари мавжуд бўлган предметлар, бузиш қуролларида қолган доғлардаги қон гуруҳи гумон қилинувчи сифатида ушланган шахснинг қон гуруҳига тўғри келиши ёки келмаслиги аниқланади. Бу маълумотлар гумон қилинувчининг ўғрилик жиноятини содир этишга алоқадорлигини ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Суд-кимё экспертизаси гумон қилинувчидан ёки бузиш қуролларидан топилган турли моддалар (елим, бўёқ, чанг, турли кимёвий модда доғлари) таркиби воқеа жойидан олинган моддалар таркибига мос келиши масаласини ҳал этиш мақсадида тайинланади.

Товаршунослик экспертизаси асосан ўғирланган предметларнинг гумон қилинувчидан топилган предметлар билан бир таркибли ёки фарқ қилиши масаласини ҳал этиш мақсадида тайинланади.

*Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш.*

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 157-моддасига мувофиқ, жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақлидир.

ЖПК 158-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор, деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда, тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Терговчининг жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва буюмлар бирор-бир хонада ёки шахсда бўлиши ҳақидаги тахмини олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Уларнинг процессуал асосини суриштирувчи ёки терговчининг асослангилган қарори ташкил қилади. Тинтув учун қўшимча тарзда прокурорнинг санкцияси олиниши керак (ЖПК 161-м., 1-қ.).

Қуйидаги нарса ва ҳужжатларни аниқлаш ва олиш учун тинтув ўтказилади:

- жинойт содир этишда қўлланилган қурол ва бошқа предметлар;
- гумон қилинувчининг, айниқса содир этилган жинойт излари мавжуд бўлган кийим-кечаги, оёқ ва бош кийимлари;
- ўғирланган нарсаларнинг техник паспорти ва бошқа ҳужжатлари;
- гумон қилинувчининг ўзини таништирган фамилияси билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардаги асл фамилияси тўғри келмайдиган ҳужжатлар;
- гумон қилинувчининг жинойтнинг бошқа иштирокчилари билан алоқадорлигидан далолат берувчи хат, ёзишмалари, кундалик дафтарчаси;
- жабрланувчи сўроқ вақтида айтган предмет (гугурт, авторучка, кўзойнак ва ҳ.к.)лар;
- гумон қилинувчида фуқаролик муомаласидан чиқарилган, ноқонуний сақланаётган нарсалар (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив ва кучли таъсир қилувчи ёки захарловчи моддалар);
- ички ишлар органларидан яшириниб юрган гумон қилинувчилар. Тинтув қилишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - жинойт иши материаллари билан танишиш;
  - тинтув ўтказилиши режалаштирилаётган жой ва ҳолат ҳақида тахминий маълумотлар тўплаш;
  - тинтув қилинаётган объект тўғрисида маълумот олиш;
  - тинтув ўтказиш вақтини аниқлаш;
  - тергов-қидирув гуруҳини шакллантириш;
  - техник-криминалистик ва қидирув воситаларини тайёрлаш;
  - гумон қилинувчи билан бирга истиқомат қилаётган шахслар, уларнинг яшаш тарзи ва алоқалари тўғрисида маълумот олиш;
  - тергов-қидирув гуруҳига аъзо бўлган шахслар билан йўриқнома ўтказиш.

Терговчининг тасаввурига кўра, жинойт содир этилиши натижасида жабрланувчининг талон-торож қилинган нарса ва буюмларини аниқлаш учун гумон қилинувчининг уй-жойини, керак бўлса, иш жойини вақтни ўтказмасдан тезда тинтув қилиш лозим.

Гумон қилинувчи ушланганидан кейин дарҳол шахсий тинтув қилинади ва унинг турар жойида тинтув ўтказилади. Агар гумон

қилинувчи сифатида бир неча шахс ушланган бўлса, уларнинг турар жойларида бир вақтнинг ўзида тинтув ўтказилади. Шахсий тинтув ўтказишда асосий эътибор ўғрилиқ содир этишда фойдаланилган қуроллар ёки мосламаларни, турли ҳужжатлар, ўғирланган буюмлар, предметларни қидириб топишга қаратилмоғи лозим. Тинтув ўтказилаётган шахсларнинг чўнтагидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, тўсиқни (эшик, ром, девор ва ҳ.к.) бузишда кийимларида, баданида турли чанг, металл қириндилари қолиши мумкин. Асосий эътиборни анашу масалаларга қаратмоқ лозим бўлади.

Гумон қилинувчилар ва ўғирланган мулк яширилиши мумкин деб гумон қилинган шахсларнинг турар жойларида ҳам тинтув ўтказилади. Кўпинча жинойтчилар ўғирланган буюмларни ертўла, том, молхона ва шунга ўхшаш жойларда сақлашлари мумкин. Шунинг учун бундай жойлар диққат билан текширилиши керак. Бундан ташқари, ҳовли жойларда дарахт таглари, томорқа майдонлари ҳам албатта тинтув қилиниши шарт.

Тинтув жинойтчини қидириб топиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай вақтларда жинойтчининг яшириниб турган жойини, у билан алоқа қилиб турган шахсларни кўрсатувчи турли ҳужжат (ёзишмалар, почта квитанциялари ва ҳ.к.)ларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гумон қилинувчининг баданида жинойт излари, белгиларини аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш ҳам ўтказилади. Кўпинча жинойтчилар ўғрилиқ содир этишда шошилиб, бирон аъзосини жароҳатлантириши, қўлида турли доғлар, чанг, тирноқ тагида ёғ, ун, шакар ва бошқа маҳсулотларнинг қолдиқлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Тинтув терговчи томонидан ўтказилади. Тезкор-қидирув вакили, эксперт-криминалист ва бошқа мутахассислар терговчига тинтувни ўтказиш учун зарур ёрдам кўрсатадилар.

Агарда жинойт содир этишда бир неча шахс гумон қилинаётган бўлса, тинтувни тўсатдан ва бир вақтнинг ўзида, тез ва зудлик билан ўтказиш лозим. Бу эса тинтув олиб борилаётгани ҳақида хабар чиқшининг олдини олади.

Тинтув ва олиб қўйиш чоғида олинган нарсалар синчковлик билан текширилади.

Уларда келиб чиқиши биологик бўлган моддаларни аниқлаш учун ультрабинафша нурлардан фойдаланиш зарур. Барча аниқланган нарсалар фотосуратга олиниб, тинтув ўтказиш ҳақидаги баённомада батафсил ёритилади ва олиб қўйилади.

Олиб қўйиш ва тинтув баённомасида нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда олинганлиги кўрсатилади, улар бирма-бир қайд этилиб, миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар бирининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлганда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

## **2-§. Тезкор ходимнинг ўғрилик жинояти фош этилганидан кейин бошқа жиноий шериклар ва эпизодларни аниқлаш бўйича вазифалари**

Ўғрилик жинояти фош этилганидан сўнг тезкор ходим томонидан ушланган шахснинг жиноий алоқалари, жиноят содир этиш қуроли, воқеа содир бўлган жойдан олиб кетилган нарса ва буюмлар ҳамда ушбу жиноятдан ташқари содир этган жиноий эпизодларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш талаб этилади. Булар қуйидагилардан иборат:

- жиноятчини Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ ахборот марказларининг барча ҳисобларидан текшириш;

- ушланган шахс билан унинг ушлангунига қадар содир этган жиноий эпизодлари, жиноий шериклари, кимлар билан яқин муносабатда бўлганлиги, содир этилган ўғрилик жиноятидаги роли ва мотивини аниқлаш ва жиноят натижасида эгалланган нарса ва буюмларнинг сақланиш жойлари, агар нарса ва буюмлар сотилган бўлса, кимларга ва нима мақсадда сотилганлиги бўйича сўров ва маълумотлар тўплаш борасида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш;

- ушланган шахснинг жиноий шерикларини аниқлаш, жиноят қуроли ва ҳодиса содир бўлган жойдан олиб кетилган нарса ва буюмларни яшириш ёки ўтказиш йўллари ҳамда жиноий эпизодлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва улар томонидан янги жиноят содир этилиши ёхуд яширинишига йўл қўймаслик мақсадида тезкор қамровни амалга ошириш;

- ушланган шахс илгари (қўлга олингунга қадар) содир этган жиноятларнинг очилмай қолган жиноятларга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида ундан тезкор қамров натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаси бўйича раҳбариятга ахборот бериш.

Таъкидлаш жоизки, тезкор қамров жараёни ҳамда бошқа махсус тадбирлар натижасида олинган далилий ашёлар ва бошқа тадбирларни процессуал мустаҳкамлаш мақсадида терговчи билан тергов олиб бориш тактикасини келишиб олиш зарур.

Жиноят фош этилганидан кейин тергов ҳаракатлари давомида терговчи томонидан берилган топшириқлар бўйича тезкор ходим тегишли тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиши ва тегишли тартибда терговчига маълумотнома тақдим этилади.

Ўғрилиқ жиноятини содир этган барча шахслар ушланганидан кейин улар билан жабрланувчи ва гувоҳлар иштирокида шахсинг айнан шу шахс эканлигини аниқлаш учун тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Ушланган барча шахсларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ ахборот марказларининг барча ҳисобларидан текшириш талаб этилади.

Агар ўғирланган нарса ва буюмлар ишлатилган ёки сотиб юборилган бўлса, уларни аниқлаб топиш мақсадида турли бозорларда эски буюмлар билан савдо қилувчи, ноқонуний валюта ва заргарлик буюмлари савдоси орасида шуғулланувчи шахслар билан сўров ва маълумотлар тўплаш борасида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Эски буюмлар сотиладиган бозорларда савдо ишлари билан шуғулланувчи шахслардан ўғирланган нарса ва буюмлар аниқланиб топилса, ушбу далилий ашёлар тезкор ходим томонидан қиёсий текшириш учун намуналар сифатида олинади ҳамда предмет ва ҳужжатларни текшириш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Ушланган барча шахслар илгари (қўлга олинганларига қадар) содир этган жиноятларнинг очилмай қолган жиноятларга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида тезкор қамров натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаси бўйича раҳбариятга ахборот бериш зарур.

Ўғрилиқ жинояти бўйича ушланган барча жиноятчи шахсларнинг илгари (қўлга олинганларига қадар) содир этган жиноий эпизодлари аниқланган тақдирда, ушбу жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини давом эттириш учун тергов бўлими раҳбариятига тегишли тартибда маълумот тақдим этилади.

### **3-§. Ўғрилиқ жинояти бўйича тайинланадиган экспертизалар ва экспертлар олдида қўйиладиган саволлар**

Ўғрилиқ жиноятлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказишда мутахассис-криминалист иштирок этиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатларининг техник-криминалистик таъминотини ўтказиш учун нутқ ва тасвирни мустаҳкамлаш мақсадида овоз ёзиш, видеоёзув,

фотосуратга олиш воситалари қўлланилади. Ушбу тергов ҳаракатининг ўтказилиши учун масъул терговчининг ёзма топшириғи ва раҳбарлиги остида мутахассисларга ваколатлари доирасида техник воситаларни қўллаш вазифаси юклатилади.

Ўғрилиқ жиноятини тергов қилишда турли суд экспертизалари тайинланади. Чунки, «суд экспертизаси — фуқаролик, хўжалиқ, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат»<sup>1</sup> бўлиб, унинг натижаси ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланган хулоса берилади.

Жумладан, жиноят иши бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида аниқланган бармоқ ва кафт излари бўйича дактилоскопик экспертиза тайинланади. *Дактилоскопик экспертиза ўтказиш учун эксперт олдида қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– тақдим этилган буюмларда бармоқ излари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улар шахснинг айнанлигини аниқлаш учун яроқлими;

– бармоқ излари аниқ бир шахс (шахслар) томонидан қолдирилганми;

– бармоқ излари бир шахсга тегишлими;

– бир неча ҳодиса содир бўлган жойдан олинган бармоқ излари бир шахс томонидан қолдирилганми;

– изларнинг ҳосил бўлиш вақти қандай;

– из ҳосил бўлиш механизми қандай;

– излар қайси қўл ва қайси бармоқдан қолдирилган;

– излар кафт сиртининг қандай соҳасидан қолдирилган;

– из бўлаги қўл бармоғиданми ёки кафтидан қолдирилганми;

– изларда одам қўлининг қандай хусусиятлари акс этган (чандиқ, тиртиқ, қадоқ, тери касалликлари, бармоқларнинг йўқлиги ва эгилиши, узуклар мавжудлиги ва бошқалар);

– бармоқ изларини қолдирган шахснинг бўйи жинси ва ёши;

– бармоқ изларини қолдирган шахснинг касби.

Иш бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида аниқланган трасологик излар ва ашёвий далиллар бўйича тегишли *трасологик тадқиқотлар* ўтказилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, – 3–м. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – 22–сон. – 173–м.

*Пойафзал ва оёқ изларининг трасологик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– ҳодиса жойида топилган бир неча якка оёқ излари бир одам томонидан ёки бир пойафзалдан қолдирилганми;

– излар гумон қилинувчидан олиб қўйилган пойафзалдан қолдирилганми;

– оёқ излари оёқ кафтнинг нусха излари тадқиқотга тақдим этилган муайян одам томонидан қолдирилганми;

– оёқ изларида гумон қилинувчидан олиб қўйилган пайпоқларнинг ташқи тузилиш белгилари акс этганми;

– ҳодиса жойидан топилган пойафзални гумон қилинувчи кийганми; ҳодиса жойидан топилган излар йўлакчаси элементлари гумон қилинувчининг экспериментал излар йўлакчасига мос келадими;

– ҳодиса жойидан топилган оёқ (пойафзал) излари тадқиқот учун яроқлими;

– ҳодиса жойида қолган излар бир пойафзалдан қолганми ёки ҳар хил пойафзалданми;

– ҳодиса содир этилган жойдан топилган оёқ излари шу шахс томонидан қолдирилганми;

– ҳодиса жойидан топилган пойафзал (пайпоқ) излари тадқиқот учун тақдим этилган пойафзал (пайпоқ)дан қолганми;

– ҳодиса жойидан олинган пойафзал излари қайси пойафзал турига тегишли;

– бу излар нечанчи ўлчамли пойафзалдан қолдирилган;

– из ҳосил бўлиш механизми қандай ҳосил бўлган (югураётгандами, тургандами, юраётгандами);

– ҳодиса жойидан топилган оёқ излари қайси моддадан ҳосил бўлган;

– агар оёқ излари бўёқдан ҳосил бўлган бўлса, унда унинг таркиби қандай ва у экспертизага тақдим этилган бўёқ намунаси билан бир хилми;

– гумон қилинувчининг оёғидан топилган модда (чанг, лой, пайраха ва ҳ.к.) ҳодиса жойидаги изларда мавжуд бўлган моддалар билан бир хилми;

– ҳодиса жойида топилган ботиқ излар гумон қилинувчидан олиб қўйилган кўлтиқтаёқ (ҳасса, протез оёқ)нинг таянч қисми билан қолдирилмаганми.

*Транспорт воситалари изларининг трасологик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– ғилдирак излари қолган транспорт воситасининг қайси тури (хили, русуми)га мансуб;

– транспорт воситаси қайси йўналишда ҳаракатланган;

– қолдирилган ғилдирак излари қандай русумдаги автомашина тегишли;

– шиша қолдиқлари ва бошқа объектлар, фара шишаси, фара остидаги ёритгичлар (подфарник), кузов ва бошқалар аввал бир бутунни ташкил қилганми;

– транспорт воситасида аниқ бир нарса (симёғоч, дарахт, зина ушлагичи)га урилиш натижасида ҳосил бўладиган букилиш (эзилиш), тирналиш излари борми;

– транспорт воситасида топилган ип ва мато бўлаклари жабрланувчининг кийим-кечагига тегишли бўлганми ёки бошқа бир объектга тегишлими.

*Бузиш қуроллари изларининг трасологик экспертизасида ҳал этиладиган масалалар:*

– текширилаётган излар тақдим этилган бузиш қуролидан қолдирилганми;

– текширилаётган излар қайси турдаги бузиш қуроли (болта, лом, искана, пичоқ ва ҳ.к.)дан қолдирилган;

– текширилаётган арралаш излари тақдим этилган аррадан қолдирилганми;

– текширилаётган бузиш қуроли изларининг ҳосил бўлиш механизми қандай;

– текширилаётган тўсиқ (девор, эшик, пол, шифт ва ҳ.к.) қайси томонидан (ичкаридан ёки ташқаридан) бузилган;

– текширилаётган пармалаш тўсиқнинг қайси (ички ёки ташқи) томонидан бажарилган;

– текширилаётган бузиш қуролининг изи ҳосил бўлиши учун энг камида қанча вақт керак бўлади.

*Қулфларнинг трасологик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– ушбу қулф бузукми ёки бузук эмасми;

– ушбу қулф махсус очқич, илгак ёки унга тушадиган бошқа қалбаки калитлар ёрдамида очилганми;

– қулф тақдим этилган калит ёрдамида очилганми;

– бузилаётган пайтида қулф қандай (ёпиқ ёки очик) ҳолатда бўлган;

– қулфда қолган излар тақдим этилган буюмдан қолганми;

– назорат қилиш учун қулф ичига жойлаштирилган қоғозни шикастлантирмай қулфни очиш мумкинми;



– изларнинг ҳосил бўлиш механизми қандай (арралаш, кесиш, пармалаш, ўйиш, чопиш, ҳарорат таъсирида ва ҳоказо);

– ушбу излар қандай турдаги ускуна (арра, пичоқ, болта) ёки асбоблардан қолган;

– ушбу излар бир предметдан ҳосил бўлганми ёки аниқ турдаги ҳар хил предметлардан ҳосил бўлганми;

– тадқиқот учун тақдим этилган объектда қолган излар ушбу предметдан ҳосил бўлганми;

– тўсиқ (эшик, девор) қайси тарафдан бузилган, ичкариданми ёки ташқаридан.

*Пломбаларнинг ва беркитувчи-пломболовчи мосламаларнинг тра-  
сологик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– дастлабки осилганидан сўнг пломбанинг яхлитлиги (бутунлиги) бузилганми. Агар, бузилган бўлса, қайси усулда бузилган;

– тадқиқотга тақдим этилган пломбани осишда белгиланган қоидаларга амал қилинганми;

– мавжуд бузилишларнинг қайси бири пломбани дастлабки осишда ҳосил бўлган;

– пломбанинг ишчи сиртларида (таъсирлашувчи сиртларида)ги назорат белгилари ва ёзувларнинг мазмуни қандай;

– пломбани бузмай туриб осгичини пломбадан чиқариб олиш мумкинми;

– пломбанинг кириш туйнугидан чиқиб турган осгичнинг бўлаклари илгари бир бутунни ташкил қилганми;

– пломбани осишнинг қайси қоидаларини бузиш тадқиқотга тақдим этилган пломбанинг яхлитлигини бузишни ва пломбани қайта осишни осонлаштирган;

– тадқиқот учун тақдим этилган пломбанинг яхлитлигини бузиш ва уни қайта осиш усуллари ўзаро мос келадими;

– № - рақамли вагондан ечиб олинган пломбанинг ишчи сиртларида тасвирлар (матн, рақам ва бошқа назорат белгилари), тадқиқотга тақдим этилган чилангар исканжаси(тиски)нинг ишчи сиртида мавжуд бўлган ёзувлар билан бир хилми (айнан мос келадими);

– тадқиқотга тақдим этилган барча (бир неча) пломбаларда мавжуд бўлган назорат белгилари бир хил чилангар исканжаси(тиск)дан қолдирилганми;

– тадқиқотга тақдим этилган пломбадаги бузилиш излари қандай асбобускунадан қолдирилган? Ушбу излар тақдим этилган ускунадан қолдирилганми;

– пломбани дастлабки осишда ишлатилган чилангар исканжаси (тиски) ушбу пломбаларни қайта осишда ҳам ишлатилганми.

*Қисмлар орқали бутунни аниқлашнинг трасологик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– воқеа содир бўлган жойда қолдирилган мато парчаси айбланувчидан олиб қўйилган газлама бўлагини ташкил қиладими;

– воқеа содир этилган жойда қолдирилган газета парчаси К.дан олиб қўйилган газета қолдиғи билан яхлит бутунни ташкил қилганми;

– воқеа содир этилган жойда олинган тепки ва айбланувчидан олиб қўйилган Макаров пистолети яхлит бир бутунликни ташкил этганми;

– гумон қилинувчидан олиб қўйилган автотранспорт эшигининг кулфи ва муайян автотранспорт эшиги яхлит бир бутун бўлганми;

– воқеа содир бўлган жойдан олинган ғилоф ва гумон қилинувчидан олиб қўйилган пичоқ бир-бирига тўғри келадими.

Суд-биологик экспертизаси ўғрилиқ содир этилган жойдан қонга ўхшаш доғлар, бузиш қуроллари, буюмлар, ойна синиқлари ҳамда чекиб ташланган папирос қолдиқлари, соч толалари топилганда тайинланади. Экспертиза ёрдамида воқеа жойидан қон доғлари мавжуд бўлган предметлар, бузиш қуролларида қолган доғлардаги қон гуруҳи гумон қилинувчи сифатида ушланган шахснинг қон гуруҳига тўғри келиши ёки келмаслиги масалалари ҳал этилади. Бу маълумотлар гумон қилинувчининг ўғрилиқ жиноятини содир этишга алоқадор эканлигини ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

#### **4-§. Терговчининг ўғрилиқ жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг яқунловчи босқичидаги вазифалари**

*Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш.* Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилишда терговчи тўпланган далиллар шахснинг айбини исботлаш учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Шу билан бирга, терговчи ўз тасдиғини тўлиқ топмаган далилларга таянган ҳолда эълон қилинган айбловга ишониб қолмаслиги лозим. Сабаби, жиноят иши бўйича ҳали тергов ҳаракатлари тўлиқ яқунланмаган бўлади ва бу жараёнда шахсни оқловчи далиллар ҳам топилиши мумкин.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш жараёнида қуйидаги муҳим ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– далиллар мажмуи;

– айбловнинг шакллантирилиши;

- қарор чиқарилиши;
- қарорнинг эълон қилиниши;
- ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш натижасида жиноят процессининг асосий иштирокчиси – айбланувчи пайдо бўлади.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, унда:

- 1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, оyi ва йили;
- 2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;
- 3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Шахс Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланганда бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши керак (ЖПК 361-м.)

Терговчи иш бўйича тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилади. Терговчи шахсга қабул қилинган қарорни эълон қилиши билан бирга ЖПКнинг 46-моддасида белгиланган айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши лозим.

Айбланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар у айбсиз ҳисобланади. Лекин шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш уни жиноий жавобгарликка тортишнинг бошланғич босқичидир.

*Айбланувчини сўроқ қилиш.* Айбланувчини сўроқ қилиш гумон қилинувчини сўроқ қилиш тартибига ўхшаш бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 111-моддасига мувофиқ, айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин терговчи ЖПКнинг 98–100-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларни бажариши шарт. Шундан у сўнг қуйидаларни амалга оширади:

- айбланувчига унинг ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;

– айбланувчи билан шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд агар айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

– гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва унга айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Суриштирувчи, терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши ёки ҳисобламаслигини аниқлаши шарт.

Терговчи юқорида қайд этилган барча ҳаракатларни амалга оширганидан сўнг айбланувчига қўйилган айблов мазмуни бўйича кўрсатув беришни таклиф қилади. Айбланувчи эркин сўзлаб берганидан сўнг, унга ўз кўрсатувини янада ойдинлаштириш ва қўшимча қилишга қаратилган саволлар берилиши мумкин.

Айбига иқроп бўлмаган айбланувчиларнинг айби тўпланган далиллар асосида текширилади ва баҳоланади.

Айбланувчини сўроқ қилиш натижалари бўйича сўроқ баённомаси тузилиб, ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинаётганга тақдим этилади ёхуд унинг илтимосига кўра терговчи унга ўқиб эшиттириши лозим. Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувларининг тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифада ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекади.

*Таниб олиш учун кўрсатиш.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 125-моддасига асосан таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганида; суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш керак бўлганида.

Ўғрилиқ жинояти юзасидан ишларни кўришда таниб олиш объектларига қуйидагилар киради:

– ушбу жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахслар;

– гумон қилинувчилардан (айбланувчилардан) олинган ашёлар: қуроляроғ, ўғирланган буюмлар ва бошқалар;

– жинойт қуроллари (воқеа жойидан топилган ёки гумон қилинувчилардан олинган);

– гумон қилинувчилар томонидан ташлаб юборилган ашёлар;

– гумон қилинувчиларга тегишли бўлмаганлиги маълум бўлган ашёлар ва ҳ.к.

Таниб олувчи сифатида жабрланувчи, гувоҳ, айбига иқрор бўлган ва айби тасдиқланган гумон қилинувчи (айбланувчи)лар иштирок этадилар.

Таниб олиш учун тайёрлов босқичида қуйидагилар амалга оширилади:

жинойт иши материалларини ўрганиш;

унинг ўтказиладиган жойи ва вақтини белгилаш;

икки объект ёки икки нафар шахсни аниқлаш, (уларга таниб олинadиган объект намойиш этилади, уларнинг барчаси бир-бирига мос бўлиши лозим);

объектни кўриш жараёни юз берган ҳолатга мос келадиган муҳитни яратиш;

зарур техник-криминалистик ашёларни тайёрш, таниб олиш учун айбланувчи ва гумон қилинувчи жалб этилса, унга мувофиқ қўриқланишини таъминлаш;

гувоҳлар ва эксперт-криминалистларни таклиф қилиш, агар иштирокчилардан бири суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаса, таржимонни таклиф этиш;

таниб олинаётган буюм ва нарсаларнинг кетма-кет тартибини аниқлаштириш учун рақамли ёрликлар тайёрлаш.

Бундан ташқари, фактларга аниқлик киритиш мақсадида таниб олувчини унга тақдим этиладиган объектни таниб олиш учун батафсил сўроқ қилиш, жумладан қуйидаги саволларни бериш керак:

– Сизга тақдим этилган объект ва нарсалар орасида берган кўрсатувингизда келтирилганлари борми;

– тақдим этилган предметлар (сумка, соатлар ва ҳ.к.) ичида Сизники борми;

– қайси рақамдагиси;

– қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда уни кузатгансиз (ёки улар Сиздан қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда ўғирланган);

– уларни қайси белгиларига кўра таниб олдингиз;

– кўрсатилган шахслар орасида кўрсатувингизда келтирилган шахс борми;

– у қаерда жойлашган (чапда, ўнгда, ўртада);

- қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда у билан учрашгансиз;
- уни қайси белгиларига кўра таниб олдингиз;
- «Сиз таниб олувчи билан танишмисиз» деган сўнгги савол берилиши зарур.

Терговчининг таниб олувчига берган саволлари ва унинг жавоблари, таниб олинган таниб олинувчининг аниқ белгилари ва жиҳатлари, таниб олиш ҳаракати ва натижалари таниб олиш баённомасида акс эттирилиши лозим.

*Эксперимент ўтказиш.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 153-моддасига мувофиқ эксперимент гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан ишлаб чиқилган версия, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказилишини текшириш, шунингдек бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, ҳодисанинг юз бериши ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

Ўғрилик жиноятига доир ишларни кўришда эксперимент шахсининг бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Эксперимент жиноят содир бўлган жой шароитига энг яқин муҳитда ўтказилиши лозим.

Эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек тажриба ҳаракатларини олиб борувчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар холис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши керак. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳиди бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини хотирасида тиклаш таклиф қилиниши мумкин.

Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказиши. Шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш ишлари амалга оширилади.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкони борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Эксперимент иштирокчилари кўриш ва эшитиш имкони борлигини тасдиқлаш мақсадида улар жиноят содир бўлган жойида бўлишлари ва эксперимент ҳаракатлари тўғрисида ахборот беришлари керак.

Ўтказилган эксперимент натижалари ҳақида ЖПКнинг 90–92, 154-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома тузилади.

Баённомада эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодиса юз берган шароит ва ҳолатни тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатил иши лозим.

*Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 132-моддасига асосан ушбу тергов ҳаракати гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатларини қайта тиклаш орқали текшириш мақсадида ўтказилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан кўзланадиган мақсадлар: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарса, ҳужжат, из ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарса, ҳужжат, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айни бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшаш ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни кўрсатиб бериш; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса жойида бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш уй-жойларга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғрилиқ жинояти

юзасидан ишларни кўришда гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг кўрсатувларидаги жиноят содир бўлган жойга мос келмайдиган ҳолатларнинг сабабини, гумон қилинувчи (айбланувчи) иштирокида яширилган ва ташлаб юборилган жиноят қуроли, қон доғлари бўлган қийим ва предметларни аниқлаш учун ўтказилади.

Ушбу тергов ҳаракатини қуйидаги ҳолларда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

– мазкур жиноятни содир этган гумон қилинувчи ва айбланувчилар ўзаро жиноят, унинг ҳолатларини яшириш тўғрисида келишиб олган ҳолатлар;

– жиноят процесси иштирокчилари сўроқ қилиш жараёнида жиноят содир бўлган жой ва ҳолат бўйича ҳар хил кўрсатувлар берган ҳолатлар;

– жиноий гуруҳ аъзолари илгари ҳам шунга ўхшаш жиноятларни содир қилганликларини тан олган, лекин ушбу жиноят содир бўлган манзилни билмайди;

– гумон қилинувчи ва айбланувчи жиноят содир қилган аниқ манзилни айтмоқда, лекин жиноят ҳақида ариза келиб тушмаган.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

– кўрсатувлари текширилаётган шахснинг жиноят содир бўлган жойни кўрсатиши;

– шахснинг кўрсатувларидан жиноятни содир этиш шароити ва ҳолатларини аниқлаш;

– кўрсатувларда баён қилинган маълумотларни ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳаракатлар билан солиштириш ва текшириш;

– терговчи томонидан воқеа содир бўлган жойдаги ҳолат, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг маълумотлари ўрганилади ва солиштирилади.

Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда кўнгилсиз ҳолатлар юз беришининг олдини олиш мақсадида, ҳодиса содир бўлган жой ва унга бориш йўналиши, жой атрофидаги ҳудуднинг ҳолати, тергов ҳаракатини ўтказишнинг мақбул вақтини аниқлаш ва бир қатор ҳолатларни олдиндан мукамал режалаштириб олиш лозим.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда терговчилар томонидан айбланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишда иштирокчиликнинг мотивини (терговчининг хабардорлигини



аниқлаш; изларни йўқ қилиш; озодликда бўлган иштирокчилар билан алоқани аниқлаш, қочиш эҳтимолини ҳисобга олиш зарур.

Воқеа жойига бориш ва текширишда айбланувчи бегона шахслар, айниқса иштирокчилар билан муомала қилмаслиги чорасини кўриш керак.

Воқеа жойига бориш ва текшириш давомида айбланувчининг ўзини тутишини кузатишда унинг қочиб кетмаслиги, иштирокчини озод қилиш мақсадида тезкор-тергов гуруҳига ҳужум қилмаслиги учун хизмат кийимидаги бир неча ички ишлар органлари ходими ва кинолог хизмат-қидирув ити билан иштирок этиши зарур.

*Терговчининг алоҳида топшириғи.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 347-моддасига асосан, терговчи ўз юритувида бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида исталган жойда бирор тергов ҳаракати ўтказилишини бошқа суриштирувчига топширишга ҳақлидир. Терговчининг топшириғида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилади. Терговчининг топшириғини бу муддат ичида ижро этишининг иложи бўлмаса, топшириқ олган терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда (телеграмма ёки телефонограмма орқали) хабар қилади ва унинг кўрсатмаларига биноан топшириқни бажаришни давом эттиради.

ЖПКнинг 343-моддасига мувофиқ терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини суриштирувчи терговчининг ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт.

Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имкони бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилади.

Терговчининг талабига асосан суриштирувчи тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тutilган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши ёки ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этиши шарт.

Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиғи орқали юборади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 343-моддасидан келиб чиқиб суриштирувчи хонадонда содир этилган ўғрилиқ жинояти бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчининг ёзма кўрсатмаси

ёки топшириғи асосида содир этилган жиноятнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш (масалан, эшик ва ойналарнинг етарли даражада мустаҳкамланмаганлиги ва ўғрилик жинояти содир этилиши учун шароит яратилганлиги ёхуд хонадонда вояга етмаганларнинг тунги вақтларда ёлғиз қолдирилиши, ёлғиз пенсионер фуқаро яшаши ва ҳоказо), келгусида маъмурий ҳудуддаги хонадонлар ва бошқа объектларда жиноятлар содир этилмаслиги учун турли профилактик тадбирлар ташкил этади.

Терговчининг кўрсатмаси ёки топшириғи бўйича маъмурий ҳудудда амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотнома тайёрлайди ва унга юборади.

*Айбланувчи, жабрланувчи ва уларнинг ҳимоячиларини жиноят иши материаллари билан таништириш.* Терговнинг хулоса қисми мазмунини ЖПКнинг 375–381-моддаларида тартибга солинган қуйидаги процессуал ҳаракатлар мажмуи ташкил қилади:

– тергов жараёнида тўпланган барча далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топиш мақсадида баҳолаш;

– жиноят ишини тартибга келтириш ва расмийлаштириш;

– жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар бериш ва уларни иш материаллари билан таништириш;

– айбланувчи ва унинг ҳимоячисига дастлабки терговнинг тамомланганлигини эълон қилиш ва айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириб бериш;

– жиноят ишини танишиб чиқиш учун тақдим этиш;

– терговга қўшимча киритиш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқиш;

– илтимослар қониқтирилганидан кейин иш билан такроран танишиб чиқиш;

– дастлабки терговнинг тамомланганлигини расмийлаштириш.

Дастлабки терговнинг якунловчи қисмига хос жиҳат юқорида санаб ўтилган ҳаракатларнинг қатъий изчиллигидан иборат. Айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтирмай туриб, уни иш материаллари билан таништириш мумкин эмас. Илтимослар иш материаллари билан таништиришдан кейин ҳал қилинади, чунки улар иш билан танишиб чиқилганидан сўнг пайдо бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Терговчи тўпланган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Агар иш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов хулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим этилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга кўра иш материаллари билан танишиб чиқиш учун белгиланган вақтда кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага узайтириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имкони яратилади.

ЖПКнинг 376-моддасида жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш тартиби белгиланган.

Унга кўра, терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларнинг рўйхатини тузган ҳолда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб чўзишга уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақли бўлади.

Иш билан танишиб чиқаётган шахс ундаги ҳужжатлардан кўчирмалар олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

У жиноят иши материаллари билан танишиб чиққанидан кейинги оғзаки илтимосларни баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома берса, бу ҳақда баённомада ёзиб қўяди.

Илтимослар қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ЖПКнинг 377-моддасида кўрсатилган.

Айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини сўраб аниқлайди.

Тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч суткагача доирасида вақт берилиши мумкин. Терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризачига хабар беради.

Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичида прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин.

Терговчи илтимос қондирилганидан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъи назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имконини беради (ЖПК 378-м.).

Шу билан терговчининг дастлабки терговни юритишда унинг муайян босқичини ташкил этувчи ҳаракатлари ниҳоясига етади. Агар терговчи ушбу ҳаракатларнинг барчасини амалга ошириб, терговнинг тўлиқ ва холис эканлиги, жиноят ишини судга юбориш учун етарлилиги ҳақида хулосага келса, у иш бўйича дастлабки тергов натижалари қайд этиладиган яқунловчи процессуал ҳужжат бўлган айблов хулосасини тузади.

*Айблов хулосасини тузиш.* Айблов хулосаси – дастлабки терговни яқунловчи ва унинг натижаларини ифодаловчи процессуал ҳужжат бўлиб, унинг асосида жиноят иши судга юборилиши керак.

Айблов хулосасида терговчи келган хулосалар, тақдим этилиши лозим бўлган далиллар таҳлили, айбланувчининг айблов ва оқлов мақсадида келтирилган асослари ҳамда айбловнинг юридик квалификацияси келтирилади.

Ушбу муҳим тергов хужжатида терговчи ўтказилган бутун тергов натижасида шаклланган айбланувчининг айбдорлигига бўлган ишончини акс эттиради. Бунда у айблов иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиқланганлигини, айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича келтирган асослари ва эътирозлари ишонарли чиқмаганлиги, айбловни рад эта олмаганлигини баён этади.

Айблов хулосасини терговчи тузади, аммо у прокурор тасдиқлаганидан кейингина юридик кучга киради.

Айблов хулосаси муҳим юридик (процессуал-ҳуқуқий), сиёсий ва техникавий аҳамият касб этади.

Унинг юридик аҳамияти шундаки, айблов хулосаси терговнинг якуний босқичидаги процессуал восита ҳисобланади. Терговчи айблов хулосасини тузаётганида ишнинг барча материалларини уларнинг ҳар томонламалиги, тўлиқлиги ва холислиги нуқтаи назаридан яна бир бор текширади ва баҳолайди.

Айблов хулосасининг юридик аҳамияти яна шундаки, у прокурор ва суд (судья) ўзларига берилган ваколат доирасида қарор чиқаришлари учун асос ҳисобланади.

Прокурорга айблов хулосаси – ишни судга юбориш, судьяга эса – уни судда кўриб чиқиш ва муносиб ҳукм (қарор) чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суд айбловни асосланган деб топгач, ишни суд мажлисида фақат айблов хулосасида қайд этилган шахсларга нисбатан ва дастлабки терговда уларга қўйилган айб нуқтаи назаридангина кўриб чиқиши шарт.

Айблов хулосасининг процессуал-ҳуқуқий аҳамияти шундаки, у иш бўйича суд муҳокамасининг доирасини белгилаб беради. Суд агар суд муҳокамаси давомида судланувчи учун оғирроқ жазога олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқласа, айблов хулосасида келтирилган айблов ифодасини ва юридик квалификациясини ўзгартиришга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда суд айбловни ўзгартириш ва қайта айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради, шундан сўнг суд муҳокамасининг доирасини белгиловчи янги айблов хулосаси тузилиши лозим.

Айблов хулосасининг аҳамияти унинг айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқининг процессуал кафолати эканлигида ҳам ўз ифодасини топади. Айбланувчи ўзига берилган айблов хулосаси мазмуни билан танишиб чиққач, суд муҳокамасида иштирок этишга аввалдан тайёргарлик кўриши, қандай ҳимояланишни ўйлаб кўриши, қандай илтимослар қилишни мўлжаллаб қўйиши мумкин.

Айблов хулосасининг сиёсий аҳамияти шундаки, суд тергови бошланиши билан эълон қилинадиган ушбу хулоса суд мажлиси залида ҳозир бўлганларни муҳокама қилинаётган ишнинг моҳияти билан таништиради. Қонуний асосда тўпланган далилларга асосланган айблов хулосаси фуқароларни жиноятларга ва уларни содир этган шахсларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашда ёрдам беради, жиноятларга қарши кураш олиб борувчи органларнинг обрўсини оширади.

Айблов хулосаси техник жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Уни тузиш чоғида айбловни асословчи барча далилий материаллар муайян тартибга солинади. Бу эса суднинг ҳамда суд муҳокамаси иштирокчиларининг иш материаллари билан танишишини ва унинг моҳиятини тушунишини осонлаштиради.

Айблов хулосасининг тузилиши ва мазмуни жиноят-процессуал қонун ҳамда тергов қилинган жиноятнинг хусусияти билан боғлиқ (ЖПК 379-м.).

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи саҳифалари кўрсатилиши керак. Терговчи айблов хулосаси қаерда ва қачон тузилганлигини кўрсатиб, уни имзолайди.

Айблов хулосасида тергов натижасида олинган маълумотлар қуйидаги тартибда баён этилади:

- жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар ёки сабаб;
- жиноятни тергов қилишда аниқланган фактик ҳолатлар, уларни тасдиқловчи далиллар билан бирга;
- терговчи айбланувчининг шахси ҳақида тўплаган маълумотлар, улар бу шахснинг жамият учун хавфлилик даражаси ва жавобгарлик хусусияти ҳақидаги масалани ҳал қилишда муҳимдир;
- айбланувчининг унга эълон қилинган айб мазмуни бўйича тушунтиришлари ва уларни текшириш натижалари.

Фактик ҳолатларни ҳамда уларни аниқлашга ёрдам берган далилларнинг манбаларини баён этиш усули ишнинг хусусиятига боғлиқ.

Агар айбланувчи ўзининг айбдорлигини тан олмаса ва айблов билвосита далилларга асосланса, иш ҳолатларини уларни тергов қилиш чоғида аниқланган кўринишда ва тартибда таърифлаган маъқул. Фактик ҳолатларни жиноят содир этилган кетма-кетликда баён этиш бевосита далилларга эга бўлган ишлар бўйича, яъни иш бўйича тўпланган далиллар шубҳасиз аниқ бўлганлиги сабабли уларни жуда батафсил таҳлил қилиш зарур бўлмаганида тавсия этилади. Кўпинча, терговчилар ўзига хос аралаш усулдан, яъни юқорида санаб ўтилган усулларни бирлаштириб фойдаланадилар.

Айблов хулосасининг тавсиф қисмида фактик ҳолатларни баён этишда айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек айбланувчининг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларни келтириш зарур. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ишончли далилларга асосланиши ва айблов хулосасида тегишли манбаларга ҳавола этган ҳолда келтирилиши керак.

Тавсиф-асослантирувчи қисмида айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича тушунтиришларининг моҳияти ва уларни текшириш натижалари баён этилади.

Айбланувчининг содир этилган жиноятга муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очишга фаол кўмаклашиш жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Буни айблов хулосасида кўрсатиш зарур.

Айбланувчи ўзини айбдор деб тан олмаган ҳолатларда айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида унинг важлари воқеликка мос эмаслиги кўрсатилиши лозим. Шу боис айбланувчининг у эътироз билдираётган фактлар бўйича тушунтиришларини ҳам, терговчи топган ва ушбу тушунтиришларини рад этадиган далилларни ҳам келтириш зарур. Бунда айбланувчини фош этадиган далиллар шундай мантиқий изчилликда келтирилиши керакки, бундан уларнинг жиноят ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқлиги кўриниб туриши, айбдорлик ҳақидаги хулоса эса ишонарли бўлиши лозим.

Айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам баён этилиши зарур. Бу судга айбланувчининг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш ва қилмишлари қандай асосга эгаллигини аниқлаш, бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради.

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш қисмининг мазмуни иш материалларига мос келиши керак. Терговчининг тахминлари, тасаввурлари иш бўйича тўпланган далиллар мазмуни ва маъноси бузиб кўрсатилишига таъсир этмаслиги лозим. Аниқланган фактларга ҳолисона ёндашувни субъектив баҳо билан алмаштириш ҳам мумкин эмас.

Айблов хулосасининг мазкур қисмини баён этилаётган ҳолатларни тасдиқлаш учун далиллар келтириб, ишнинг моҳияти учун муҳим бўлмаган умумий фикрлар билан тўлдириб юбормаслик керак. Бунда жиноят ишининг тегишли варақларига ҳаволалар қилиш зарур, чунки бу жиноят ишини ўрганишни ва айблов хулосасининг тўғри тузилганлигини текширишни осонлаштиради.

Тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган факлар асосида айблов хулосаси унинг хулоса қисми тузилади. Ҳужжатнинг хулоса қисмида айбланувчиларнинг анкета маълумотлари, айблов баёни ва жиноят деб баҳоланаётган қилмишлар квалификацияланишига асос бўлган ЖК моддалари келтирилади.

Айбловнинг ифодаланиши жиноятнинг моҳияти, содир этилган вақти, жойи, амалга ошириш усули, шунингдек айбланувчининг ҳаракатлари натижасида етказилган зиён ҳақидаги қисқача баёндир.

Хулоса қисми тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган барча фактик ҳолатларга мос келиши ҳамда ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг аниқ таркибини кўрсатувчи юридик хулоса бўлиши керак.

Айблов фабуласини тузишда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда баён этилган айбловнинг ифодаланишидан келиб чиқиш, эълон қилинган айб доирасига ҳамда ЖКнинг айбланувчининг ҳаракатларини квалификациялашга асос бўлган моддаси матнига қатъий риоя этиш лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча айбланувчи иштирок этаётган бўлса, хулоса қисмида уларга қўйилаётган айб ҳар бири бўйича аниқ ажратилиши керак. Айблов баёни тузилаётганида уларнинг ҳар бири нимада айбланаётганлиги ва жиноят содир этишдаги ўрни қандай эканлиги аниқ кўрсатилган ҳолда айбланувчиларнинг айби индивидуаллаштирилиши зарур.

Агар айбланувчи ЖКнинг турли моддаларида кўрсатилган бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, хулоса қисмида барча моддалар келтирилади.

Айблов хулосаси тузилиб, тайёр бўлганидан сўнг, терговчи уни иш материаллари билан бирга прокурорга жўнатади ва ушбу ҳаракат одатда хизмат хати шаклида расмийлаштирилади.



Айблов хулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамокда сақланганлиги тўғрисидаги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чиқимлари ҳақидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари жинойт ишининг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг таҳаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЖПК 380-м.)

Тузилган айблов хулосаси барча зарур иловалари билан бирга бир неча нусхада тайёрланади. Прокурор тасдиқлаган асл нусха жинойт ишига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси кузатув йиғмажилдида қолади, қолганлари эса айбланувчилар ва ҳимоячиларга жўнатилади.

ЖПКнинг 381-моддасига мувофиқ, терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жинойт ишини дарҳол прокурорга юборади.

Демак, ўғрилик жинойтларини тергов қилишнинг самарадолиги – жинойт ишини ўз вақтида қўзғатиш, барча тергов ҳаракатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона амалга ошириш, барча из ва нарсаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, махсус билимлардан фойдаланиш, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорлик қилиш, исботлаш предметларига кирувчи барча ҳолатларни аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Ўғрилик жинойтини муваффақиятли тергов қилиш учун ҳар бир хабар қилинган жинойтга ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўриш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув ишларини юқори савияда ўтказиш, криминалистик ҳисоблар, ахборот-маълумотлар тизимини фаол тарзда қўллаш яхши натижа беради.

## **V боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ**

### **1-§. Ўғрилик жиноятларининг сабаб ва шарт-шароитлари**

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг турларидан бири ҳисобланган ўғрилик жинояти мулкӣ муносабатларга ва хусусий мулк ҳуқуқига жиддий хавф туғдиради. Сўнгги йилларда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг ички тузилишида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Мулк шакллариининг хилма-хиллиги, иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиши, жаҳон иқтисодиётига қўшилиш айрим жиноятлар бўйича криминал вазиятнинг оғирлашишига олиб келди.

Ўғрилик жиноятлари умумий жиноятчиликнинг катта қисмини (30,4%ни) ташкил этади. Мазкур жиноий қилмишлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга жуда катта миқдорда моддий зарар етказилади.

Ўғрилик жиноятларининг Тошкент шаҳрида содир этилиши статистикаси 2017 йилнинг 4 ойи мобайнида 14,5 фоизга ошган, уларнинг 20 фоизи фош этилмаган ва жиноятларнинг очилиш даражаси ўтган йилга нисбатан 6 фоизга тушиб кетган.

Ушбу турдаги жиноятларни асосан эркаклар (89,1 %) содир этмоқда, аммо охирги икки йил давомида аёлларнинг ҳиссаси (10,9 %) ҳам ошган. Олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилар 52,3%ни, ўрта-маҳсус ва ўрта маълумотга эга шахслар ўртача 47,7% ни ташкил қилади. Мазкур турдаги жиноятларни содир этганларнинг 84,9 % ини 30 ва ундан катта ёшдагилар ташкил қилади.

Чунончи, бу турдаги жиноятларни содир этишга мойиллик чўққиси 30–50 ёш бўлиб, бу энг криминоген ёш ҳисобланади. Жумладан, 16–17 ёшдагилар 0,02 %, 18–25 ёшдагилар 4,0 %, 26–30 ёшдагилар 11,0 %, 31–35 ёшдагилар 20 %, 36–45 ёшдагилар 30 %, 46–55 ёшдагилар 26,6 %, 56 ва ундан катта ёшдагилар 8,3 % ни ташкил қилади.

Республикамизда содир этилган ўғрилик жиноятларининг таҳлили асосида тадқиқ қилинаётган жиноятни келтириб чиқарувчи омилларнинг бевосита ёки билвосита таъсир этишини инобатга олиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) билвосита (умумий) омилларга маънавий-маърифий; сиёсий, бошқарув-ташкилий; ижтимоий-иқтисодий омиллар кирса;

б) талон-торожни келтириб чиқарувчи бевосита (махсус) омилларга ишсизлик, ўзи ва оиласини таъминлаш учун даромадларининг етишмаслиги; ноқонуний бойишга интилиш; микромуҳитнинг таъсири; қонунга ҳурматсизлик билан қараш; мулкларнинг етарли даражада ҳимояланмаганлиги; мулклар устидан назоратнинг сустлиги; талон-торожлик содир этилиши учун шароит яратилиши; мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасаларда моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳисоботининг нотўғри олиб борилиши киради.

Мазкур сабаб ва шарт-шароитларни янада тўлароқ таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатлар намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, кўплаб корхоналарнинг тугатилиши ишсизликнинг кўпайишига, ўқишни тугатганлар, армия сафидан бўшатирилганлар, малакали мутахассислар ва малакасиз шахсларнинг ишсиз бўлиб қолиши, жинсий жазодан озод бўлиб келаётганларнинг иш билан таъминланмаётганлиги ўғрилиқ жиноятлари кўпайишининг энг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўғрилиқ жинояти учун жиний жазога ҳукм қилинганларнинг 60,5 фоизи жиноят содир қилиш пайтида ҳеч қаерда ишламаганлиги буни тасдиқлайди. Ўғрилиқ жиноятини содир қилиш пайтида ишлаётганларнинг улуши атиги 39,5 фоизни ташкил қилган бўлса-да, улар ҳам оилали, кўп болали ва кам таъминланган оила аъзолари бўлган.

Ҳозирги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ўғрилиқ жиноятлари умумий жиноятчиликнинг 2,8 фоизини ташкил қилгани ҳолда, ўғрилиқ жинояти учун судланганларнинг 6,2 фоизини ташкил қилаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг ижтимоий-руҳий сабаблари эса, тарбиявий ишлардаги камчиликлар, ҳар бир фуқародан ва мансабдор шахслардан қонун талабларининг тўғри бажарилишини талаб қилишдаги камчиликлар, судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда ишнинг барча ҳолатлари ҳисобга олинмасдан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, жавобгарлик ва жазодан асоссиз равишда озод қилишлар кишиларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмай қолмайди.

Ўғрилиқ жиноятларининг олдини олишдаги умумижтимоий чоралар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- иқтисодиётда янги иш ўринлари ташкил этилиши, аҳоли бандлигининг самарали тизимини яратиш ва такомиллаштириб бориш;
- саноат ва ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технология жараёнларини жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш жараёнида комплекс механизациялаштирилган корхоналарни яратиш;
- ишлаб чиқаришни ялпи техник жиҳозлашни йўлга қўйиш.

Албатта, бу каби умумижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, айтиб ўтилганидек, махсус профилактика чораларининг янада аниқ йўналишларда ва жадал бўлишини талаб этади. Шунга кўра, давлат амалга оширадиган махсус чора-тадбирларни қуйидаги бешта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир: а) иқтисодий; б) ташкилий; в) техникавий; г) ҳуқуқий; д) тарбиявий чора-тадбирлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу чора-тадбирларнинг ҳар бири мустақил бўлгани ҳолда, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун комплекс ҳолда ташкил этилиши даркор.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларининг келиб чиқишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- ташкилий-хўжалик омиллари;
- иқтисодий сиёсатдаги камчиликлар, лозим даражадаги назорат тизимининг йўқлиги, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти хўжалик амалиётининг талабларига жавоб бермаслиги;
- ижтимоий-психологик омиллар;
- ҳуқуқий тарбия ишларидаги камчиликлар, аҳоли, айниқса ўрта бошқарув бўғини вакилларининг хўжалик соҳасидаги мураккаб вазифаларни янги иқтисодий мафкура негизида ечишга тайёр эмаслиги.

## **2-§. Профилактика инспекторининг ўғрилиқ жиноятларининг олдини олиш бўйича вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига кўра профилактика инспектори ўғрилиқ жинояти бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчининг ёзма кўрсатмаси ёки топшириғи асосида, содир этилган ўғрилиқнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш (масалан, жабрланувчининг мулкани қаровсиз қолдирганлиги, мунтазам равишда тижорат ва хизмат сафариди бўлиши, кўриқлаш пультага уланмаганлиги ва ҳоказо), келгусида маъмурий ҳудудда ўғрилиқ жинояти содир этилишининг олдини олиш мақсадида тегишли профилактик тадбирлар ташкил этади. Масалан,

*маҳалла аҳолиси билан умумий профилактикани амалга оширади.* Профилактика инспектори ўғрилиқнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, жумладан жиноят-қидирув, патруль-пост, қўриқлаш, хорижга чиқиш ва кириш хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспектори ўғрилиқ жиноятининг умумий профилактикасини 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (3-боб) талаблари асосида амалга оширади; жумладан, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда кассавурликнинг олдини олиш мақсадида ҳамда ўғрилиқ содир этилиши эҳтимоли бўлган жойлар атрофида патруллик йўналишлари ташкил этиш, кечаю кундуз маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил қилади.

Ўғрилиқ жиноятининг махсус профилактикасини профилактика инспектори мазкур қонуннинг 4-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан, маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда ўғрилиқ жиноятларининг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши ҳолларида, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат мулкани талон-торож қилишга қаратилган хавф-хатарлар юзага келиши кучайганда, ўғрилиқнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ўғрилиқ содир этишга мойил бўлган, ўғрилиқ содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи ХОО хизматига таклиф киритади.

Профилактика инспектори ўғрилиқ жиноятининг махсус профилактикасини ўтказиши ҳақида фуқаролар йиғинини хабардор қилиши ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишга ички ишлар органлари-

нинг бошқа соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг ходимларини ҳам жалб этиши мумкин.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини Ички ишлар вазирлиги ҳамда ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида «Назорат», «Ижро», «Тозалаш-Антитеррор» каби махсус ва тезкор профилактик тадбирлар доирасида амалга оширади.

У илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли тарзда, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у муқаддам содир этган ўғрилиқ жиноятининг таснифи, даражасини ҳисобга олган ҳолда самарали амалга ошириш учун ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган, илгари ўғрилиқ жинояти содир этганлиги учун судланган шахслар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13, 34, 78, 79, 80-моддалари асосида тоифаларга ажратган ҳолда юритади.

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудда содир этиладиган ўғрилиқ жиноятининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича махсус профилактика тадбирларини ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликларнинг *ўғрилиқ жиноятининг яқка тартибдаги профилактикасини* Қонуннинг 5-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан, маъмурий ҳудудда ғайри-ижтимоий хулқ-атворли, ўғрилиқ жиноятини содир этишга мойил бўлган ва шу турдаги жиноятни содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек ўғрилиқ жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик қурбонига айланиш хавфи мавжудлиги, хавф туғдираётган ўғрилиқ жиноятларининг сабаб-

лари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширади.

Профилактика инспектори *ўғрилиқ жиноятининг виктимологик профилактикасини* мазкур қонуннинг 6-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан, маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ўғрилиқ жиноятдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида, ўғрилиқ билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, бар-тараф этади. Шунингдек, аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, ўғрилиқ ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали амалга оширади.

Ўғрилиқ жиноятининг виктимологик профилактикасини шартли равишда икки турга бўлиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси профилактика инспектори олиб борадиган ўғрилиқ жиноятининг умумий виктимологик профилактик фаолияти бўлиб, мазкур йўналишда профилактика инспектори маъмурий ҳудудда ўғрилиқнинг кўп содир этилаётгани ёки ижтимоий хавфи ошиб бораётганлигини, муайян тоифадаги шахсларнинг ўғрилиқлардан жабрланиши кўрсаткичлари тобора ошаётганлиги билан криминоген вазият оғирлашган ҳолларда, мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирларни ўтказиш ва шу орқали фуқароларни огоҳликка, ҳушёрликка ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этишга чорлаш каби чора-тадбирлар ўтказилади. Иккинчиси профилактика инспектори томонидан ўғрилиқ жиноятининг яқка тартибдаги виктимологик профилактикаси маълум бир ҳуқуқбузарликлар бўйича муайян шахснинг ушбу турдаги жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқорилигини аниқлаш асосида, уни мавжуд хавф-хатардан огоҳ қилиш, ҳушёрликка чақириш ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этиш чора-тадбирларини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Ўғрилиқ жиноятининг виктимологик профилактикасини амалга оширишда профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва

муассасалар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда қўриқлаш хизмати ходимлари билан қўриқлаш пультага уланишлари бўйича автотранспортни қаровсиз қолдирмасликлари ва бошқалар ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борадилар.

Профилактика инспекторлари терговчининг кўрсатмаси ёки топшириғи бўйича маъмурий ҳудудда амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотнома тайёрлайди.

### **3-§. Ўғрилик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш ва унинг ижросини ташкиллаштириш**

*Жиноят сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддасига мувофиқ терговчи жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг ишончли аниқланиши жиноят ҳодисасига олиб келган ҳамда мазкур сабаб ва шарт-шароитларнинг қонуний натижаси бўлган ҳолатларни текшириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис терговчининг уларни бартараф этиш борасидаги асосий иши процессуал норма шаклини олган. Ушбу фаолият айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш ҳақида қарор чиқариш билан яқунланадиган ишлар бўйичагина эмас, балки ЖПКнинг 83, 84-моддаларида назарда тутилган асосларга кўра тугатиладиган ишлар бўйича ҳам амалга оширилиши керак.

Терговчи ўз тақдимномасида ишнинг моҳиятини баён қилади, яъни жиноятни, унинг оқибатларини тавсифлайди, сабаблари ва унга



олиб келган шарт-шароитларни кўрсатади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади. Агар жиноят ишини кўриб чиқишда жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилмаган бўлса, худди суд каби ишни қўшимча терговга қайтаришга ҳақли бўлади (ЖПК 384-м. 9-б., 396-м. 4-б.).

Бинобарин, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ЖПКнинг 82-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга жиноят иши бўйича аниқланиши ва исботланиши керак бўлган ҳолатларга киради.

Бошқача айтганда, ушбу ҳолатларнинг йиғиндиси процессуал исботлаш предметини ташкил этади, шу боис терговчининг ушбу йўналишдаги фаолияти процессуал хусусиятга эга бўлиб, ЖПКда назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

## ИЛОВАЛАР

*Лойиҳа*



### ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЯШНАБОД ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

#### БУЙРУҚ

**Яшнобод тумани Тузель 1-дахаси 1-уй 22-хонадонда содир  
этилган ўғрилиқ жиноятини фош этиш юзасидан тергов-тезкор  
гуруҳини тузиш  
тўғрисида**

2017 йил 18 февраль куни соат 17:10 дан 18:30 га қадар бўлган вақт оралиғида номаълум шахс ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Тузель 1-дахаси 1-уй 22-хонадоннинг кириш эшигига ўрнатилган қулфни бузиш орқали очиб, хонадонга ғайриқонуний равишда кириб, ушбу хонадон меҳмон-хонасида жойлашган шкаф ичидан 1981 йилда туғилган фуқаро Хидиров Омон Нўмоновичга тегишли 25000 (йигирма беш минг) АҚШ долларини яширин равишда талон-торож қилиб, жабрланувчи О.Н.Хидировга жами бўлиб 25000 АҚШ доллари миқдорда моддий зарар етказиб, жиноят содир этган жойидан яширинган.

Ушбу ҳолат юзасидан номаълум шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси тўртинчи қисмининг «а» банди билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноятни содир этган номаълум шахсларни аниқлаш, қўлга олиш ҳамда ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишини таъминлаш мақсадида,

#### Б У Ю Р А М А Н:

1. Мазкур жиноят иши бўйича малакали тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини олиб бориш, қисқа муддат ичида жиноятни фош қилиш мақсадида тергов тезкор-гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини кунлик таҳлил қилиш ва гуруҳнинг барча аъзолари ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш, жиноят ишига алоқадор маълумотларнинг бошқа тегишли гуруҳ аъзоларига ўз вақтида етказилишини таъминлаш, улар бир-бирларининг ҳаракатларини такрорчиларининг олдини олиш мақсадида, 65-сонли ички ишлар органлари таянч пунктида тезкор штаб тузилсин.

3. Жиноятни иссиқ изидан фош этишда воқеа жойида олинган дастлабки тезкор маълумотларни қисқа вақт ичида текширишда асосан криминалистик, тезкор-ҳисоб ва автоматлаштирилган маълумотлар базаси имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

4. Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари томонидан амалга оширилган ишларнинг натижалари ҳар куни тезкор штабда муҳокама этиб борилсин.

5. Жиноятни фош этиш юзасидан ўтказилаётган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари ҳар ўн кунда туман ИИБ бошлиғи ҳузурида муҳокама қилиб борилиши таъминлансин.

6. Мазкур жиноятни фош қилишга қаратилган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг амалга оширилишида соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти юзасидан назорат олиб бориш Яшнобод туман ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари ва туман ИИБ бошлиғининг тергов ишлари бўйича ўринбосарларига юклатилсин.

**Бошлиқ**  
**подполковник**

**В.М.Хурбаев**

Тошкент шаҳри  
2017 йил 19 февраль  
**11-сон**

Яшнобод ИИБнинг 2017 йил 19 февралдаги  
11-сонли буйруғига \_\_\_\_ илова

Яшнобод тумани Тузель 1-даҳаси 1-уй 22-хонадонда содир этилган  
ўғрилиқ жиноятини фош этиш юзасидан тергов-тезкор гуруҳининг

**ТАРКИБИ**

**Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари**

**С.М.Ақбаров** Яшнобод туман ИИБ ТБ катта  
терговчиси, майор

**Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари :**

**П.Б.Шокиров** Яшнобод туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ  
бўлинма бошлиғи, майор

**В.Л.Зокиров** Яшнобод туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ  
катта тезкор вакили, майор

**Ф.Н.Махмудов** Яшнобод туман ИИБ ХООБ МТП  
профилактика катта инспектори, майор

**К.Й.Юлдашев** Яшнобод туман ИИБ ХООБ МТП  
профилактика инспектори, капитан

**С.Н.Ғуломов** Яшнобод туман ИИБ ХООБ  
ОМЭББЖИЭ инспектори, сержант

**З.Х.Мардонов** Яшнобод туман ИИБ ЭКБ эксперти,  
майор

**Ш.К.Қаршиев** Яшнобод туман ИИБ ХЧК ва ФРБ  
инспектори, сержант

**О.А.Валиев** Яшнобод туман ИИБ ЁХБ катта  
инспектори, капитан

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Тошкент шаҳар Яшнобод**  
**тумани ИИБ бошлиғи**  
**подполковник**

**В.М.Хурбаев**

2017 йил « » февраль

Номаълум шахс томонидан фуқаро Хидиров Омон Нўмоновичга нисбатан содир этилган ўғрлик юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов-тезкор ҳаракатлари

### **РЕЖАСИ**

Воқеа тафсилоти: 2017 йил 18 февраль куни соат 17:10 дан 18:30 гача бўлган вақт оралиғида номаълум шахс ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Тузель 1-дахаси 1-уй 22-хонадон кириш эшигига ўрнатилган кулфни бузиш орқали ушбу хонадонга ғайриқонуний равишда кириб, хонадон меҳмон-хонасида жойлашган ётоқхона жавонидан 1981 йилда туғилган фуқаро Хидиров Омон Нўмоновичга тегишли 25000 (йигирма беш минг) нақд АҚШ долларини яширин равишда эгаллаб, ўғирлаб, жабрланувчи Хидиров Омон Нўмоновичга 61204000 сўм (*Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2017 йил 15 февраль куни 1 АҚШ долларини 2748 сўм 16 тийинга баҳоланганлигини инобатга олиб, 25.000 АҚШ доллари x 2748 сўм 16 тийин = 68.629.000 сўм*) **жуда кўп миқдорда** моддий зарар етказиб, воқеа жойидан яширинган.

Номаълум шахснинг хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси тўртинчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноят таркиби мавжудлигини инобатга олиб, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ тергов бўлими томонидан номаълум шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси тўртинчи қисмининг «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришга киришилган.

Номаълум шахс томонидан содир этилган жиноят ўта оғир жиноятлар туркумига киришини инобатга олиб, жиноят содир этган номаълум шахсни аниқлаш, содир этган жинояти учун жазо муқаррарлигини, очикда юриб, шунга ўхшаш бошқа жиноятларни содир этган ҳолда жамиятга зарар етказишининг олдини олиш мақсадида тезкорлик билан бир қатор тергов-тезкор ҳаракатлари ўтказилиши лозим.

## ТЕРГОВ ТУСМОЛЛАРИ

1. Жиноятни бундай жиноий фаолият билан муқаддам шуғулланиб жавобгарликка тортилган ёки бундай жиноий фаолият билан ҳозирги кунда шуғулланиб келаётган шахслар содир этган бўлиши мумкин.

2. Жиноятни жабрланувчи О.Н.Хидиров ва унинг турмуш ўртоғи билан яқин алоқада бўлган шахслардан Хидировлар оиласида мазкур пул борлигини билган шахслар қасддан содир этган бўлиши мумкин.

3. Жиноятни О.Н.Хидировдан мазкур 22-хонадонни сотиб олган, О.Н.Хидировда ушбу пул борлигини билган шахс жиноят содир этишга мойил бошқа шахсга хабар бериб, олдиндан тил бириктириб содир этган бўлиши мумкин.

4. Жиноятни О.Н.Хидировнинг яқин қўшнилари – унинг 22-хонадонни сотганлигидан хабардор бўлиб, пул борлигини аввалдан билган шахслар О.Н.Хидировни пойлаб, 22-хонадонда ҳеч ким йўқлигини билиб, бундан фойдаланиб қасддан содир этган.

*Юқорида қайд этилган жиноятнинг фош этилиши ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши керак:*

№	Тергов ҳаракатлари	Муддати	Ижрочилар
1	Жиноятни содир этган шахсларнинг шахсини аниқлаш ва терговга келтириш чораларини кўриш юзасидан туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБга тезкор ҳаракатларини амалга ошириш учун топшириқлар юбориш	19.02.20175	ТБ терговчиси С.Ю.Рахимов
2	Туман ҳудудида бошқа шунга ўхшаш усулда содир этилиб, очилмай қолган ёки очилган жиноят ишлари бўйича содир этилиши усули ўрганиб чиқилиб, бошқа жиноятларга алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш ва ижобий натижаларга эришилган тақдирда жавобгарлик масаласини таъминлаш мақсадида жиноят содир этган шахсни фош этиш, ҳамда уни айблаш учун етарли далиллар тўплаш	18.02.2017 йилдан бошлаб тергов жараёнида	ТБ терговчиси С.Ю.Рахимов, Б.Ж.Мунавваров, ЖК ва УЖҚКБ т/в Г.Хасанов, ЭКБ эксперти Ш.А.Ходжибаев, ҲООБ п/и О.Мелиев
3	Мазкур жиноятни содир этган шахслар аниқланган тақдирда уларнинг шахси тўлиқ ўрганиб чиқилиб, қаерда бўлиши, ким билан алоқада бўлгани, улар ҳақида тўлиқ маълумот бериши мумкин бўлган шахслар аниқланиши ва йиғилган маълумотлар асосида уларни қўлга олиб терговга келтирилиши таъминлаш	18.02.2017 йилдан бошлаб тергов жараёнида	ТБ терговчи С.Ю.Рахимов, Б.Ж.Мунавваров, ЖК ва УЖҚКБ т/в Б.С.Хасанов

4	Жиноятни туман худудига бошқа вилоятдан вақтинчалик келиб, содир этиб кетган шахслар бўлиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда туман худудида бошқа вилоятдан келиб рўйхатдан ўтмаган ва аниқ мақсадларсиз юрган шахсларни аниқлаш, туман ИИБга келтириб, ЭКБ орқали бармоқ изларини олишуларнинг воқеа жойидан олинган номаълум бармоқ излари билан узлуксиз равишда солиштириб борилишини таъминлаш	18.02.2017 йил кундан бошлаб жиноятни фош эттилгунга қадар	ҲООБ, ЖТСБ, ЭКБ.
5	Жиноятни очишга ва терговдан яшириниб юрган шахсларни аниқлаш ҳамда қўлга олишга қаратилган ЖК ва УЖҚКБ ҳамда ҲООБ бўлимларига ёзма топшириқлар бериб, Тошкент шаҳри бўйича барча туман ИИБларига ориентировка ва топшириқ юбориш, улар асосида олиб борилаётган ҳаракатлар ҳақида маълумотномалар олиб бориш	18.02.2017 йил кундан бошлаб, тергов жараёни давомида	ТБ терговчи С.Ю.Рахимов, ТБ терговчи Б.Ж.Мунавваров
6	Жиноят содир этилган вақтда кун ёруғ бўлишини инобатга олиб, жиноят содир этган шахсни 22-хонадон жойлашган 1-уйда ва унга қарама-қарши ҳолатда жойлашган 2-уйда яшовчи фуқаролар кўрган бўлиши мумкинлиги туфайли, ушбу тусмолни текшириб кўриш мақсадида ушбу фуқаролар билан тезкор суриштирув ишлари олиб бориш ҳамда ҳолат юзасидан батафсил сўроқ қилиниши ва ижобий натижаларга эришилган тақдирда гувоҳларнинг кўрсатувидан номаълум шахснинг фотороботи чизилиб, тегишли тартибда тергов-тезкор ҳаракатлари олиб бориш	18.02.2017 йил кундан бошлаб тергов жараёнида	ТБ терговчи С.Ю.Рахимов, ТБ терговчи Б.Ж.Мунавваров, ЖК ва УЖҚКБ т/в Б.С.Хасанов, ҲООБ п/и О.Мелиев, ЭКБ
7	Жабрланувчи О.Н.Хидировдан жиноят содир этилган 22-хонадонни аввалроқ сотиб олиб О.Н.Хидировга пул берган шахслар, улар билан яқин алоқада бўлган шахслар ҳамда О.Н.Хидиров ва унинг яқин қариндошлари билан яқин муносабатда бўлиб, О.Н.Хидировда мазкур пул борлигини билган шахслар аниқланиб, ҳолат юзасидан батафсил сўроқ қилиш ва ҳолатга алоқаси бор ёки йўқлигини текшириб кўриш.	18.02.2017 йил кундан бошлаб тергов жараёнида	ТБ терговчи С.Ю.Рахимов, ТБ терговчи Б.Ж.Мунавваров, ЖК ва УЖҚБ т/в Б.С.Хасанов

8	Туман ИИБга бошқа жиноятларни ёки шунга ўхшаш жиноятларни ва майда безориликларни содир этганлиги учун келтирилган шахслар билан тергов-тезкор ҳаракатлари олиб бориб, уларнинг бармоқ изларидан намуналар олиниш, уларни воқеа жойидан олинган бармоқ излари билан солиштириб, жиноятга алоқаси бор-йўқлигини доимий равишда текшириб туриш	18.02.2017 йил кундан бошлаб	ТБ терговчи С.Ю.Рахимов, ТБ терговчи Б.Ж.Мунавваров, ЖҚ ва УЖҚКБ т/в Б.С.Хасанов, ҲООБ, ЭКБ
9	Жиноят содир этилган ҳудудда яшовчи, муқаддам шунга ўхшаш жиноятни содир этиб, ҳозир очикда юрган шахслар рўйхатини Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказидан олиб, уларнинг мазкур жиноятга алоқадорлиги ва бу ҳолатдан хабардорлигини ҳудудий тезкор вакиллар, профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида мажлислар, хуфиёна суҳбатлар ва бошқа йўллари билан аниқлаш	18.02.2017 йил кундан, тергов жараёни давомида	ЖҚ ва УЖҚКБ т/в Б.С.Хасанов, ҲООБ О.Мелиев
10	Жиноят иши юзасидан бошқа барча зарур тергов-тезкор ҳаракатларини амалга ошириб, зарур бўлганида кўшимча тергов-тезкор ҳаракатлари режасини тузиб, тергов ҳаракатлари якунида иш юзасидан қонуний қарор қабул қилиш	18.02.2017 йил кундан бошлаб	ТБ терговчилари С.Ю.Рахимов, Б.Ж.Мунавваров, ЖҚ ва УЖҚКБ т/в Б.С.Хасанов, ҲООБ, ЭКБ

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ  
Тергов бўлими терговчиси лейтенант

Б.Ж.Мунавваров

### «КЕЛИШИЛГАН»

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ  
бошлиғининг 1-ўринбосари  
подполковник

С.Н.Аҳмедов

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ  
бошлиғининг ўринбосари подполковник

А.Б.Вахидов

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ  
бошлиғининг ўринбосари подполковник

А.Абдуқодиров



## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

### **I боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДА АРИЗА ЁКИ ХАБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

1-§. Ўғрилиқ ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ва расмийлаштириш хусусиятлари .....	5
2-§. Ўғрилиқ жиноятлари юзасидан тергов-тезкор гуруҳининг вазифалари.....	6
3-§. Ўғрилиқ жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва терговга қадар текширувни яқунлаш.....	17

### **II боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ**

1-§. Ўғрилиқ жиноятининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва уни квалификация қилиш қоидалари .....	23
2-§. Ўғрилиқ жиноятининг криминалистик тавсифи .....	28

### **III боб. ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ БОШҚА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ**

1-§. Ўғрилиқ жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳини ташкил этиш, унинг фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш .....	34
2-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида терговчининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги .....	40
3-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги .....	49
4-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги .....	54
5-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида мутахассис-криминалистнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги .....	56

### **IV боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

1-§. Терговчининг ўғрилиқ жиноят иши бўйича кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш борасидаги вазифалари.....	58
2-§. Тезкор ходимнинг ўғрилиқ жинояти фош этилганидан кейин бошқа жиноий шериклар ва эпизодларни аниқлаш бўйича вазифалари .....	68
3-§. Ўғрилиқ жинояти бўйича тайинланадиган экспертизалар .....	69
ва экспертлар олдида қўйиладиган саволлар .....	69
4-§. Терговчининг ўғрилиқ жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг яқунловчи босқичидаги вазифалари.....	74

**V боб. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР  
ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ  
ВА БАРТАРАФ ЭТИШ**

1-§. Ўғрилиқ жиноятларининг сабаб ва шарт-шароитлари .....	90
2-§. Профилактика инспекторининг ўғрилиқ жиноятларининг олдини олиш бўйича вазифалари .....	92
3-§. Ўғрилиқ жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш ва унинг ижросини ташкиллаштириш .....	96
ИЛОВАЛАР .....	98

**ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШ, ТЕРГОВ  
ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-  
ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ  
ЭТИШ**

*АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА*

Муҳаррир С. А. Раззоқов  
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга ..... 2017 йил рухсат этилди. Нашриёт ҳисоб табағи 6,5.  
Адади ..... нусха. Буюртма ...

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68